

*Пирмат Шермуҳамедов*

# ИСТЕДОД СЕҲРИ

Адабий мақолалар

Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети

«ЁШ ГВАРДИЯ» нашриёти

Тошкент — 1977

## ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ



Таниқли адабиётшунос ПИРМАТ ШЕРМУҲАМЕДОВ «Рұхий дунё кўзгуси», «Она сутидек покиза», «Детская литература Узбекистана» китоблари учун 1976 йилда Узбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати унвонига сазовор бўлган.

III-М  $\frac{70202-106}{356-(06)-77}$  141-77

© «Еш гвардия» — 1977 г.

Оламии зир титратиб, жупбушга келтирган иккинчи жаҳон урушининг тинганига ўттиз йилдан ошиб кетди. Мана шу ўтган йиллар ичida уруш юзини кўрмаган янги бир авлод ўсиб етишди. Уларнинг тинчлик пайтида қиласлаётган ишлари бутун дунёни ҳайратга солмоқда. Мамлакатимиз ҳаётида ҳам оламшумул тарихий воқеалар рўй берди. Медицина, қишлоқ хўжалиги, космос соҳаларида ҳам мисли кўрилмаган илмий кашфиётлар пайдо бўлди. Юртимиз тинч меҳнат қучоғида эркин нафас олмоқда. Шунга қарамай, ҳамон жаҳон урушининг садолари эшитилиб туради, кишиларга тинчлик бермайди, уларнинг оромини бузади. Урушининг мудҳиш кўланкаси соя сингари кезиб юради, дилларга бетиниим гулфула солади. Яқин Шарқдаги тоҳ сўниб, тоҳ ёниб турган «ўтли вулқонлар», жанубий Африкада рўй бераётган мудҳини воқеалар, Чили хунтасининг кирдикорлари ҳар бир соғтет кишисини ҳушёрликка, сергакликка чорлайди. Эҳтиимол, шу туфайли бўлса керак, уруш мавзусида ёзилган ҳикоялар, хотиралар, ҳужжатли қиссалар, романлар бир зумда тарқалиб кетади, баҳслар ва мупозараларга сабаб бўлади.

Совет ҳалқи Улуғ Ватан уруши бошлангунга қадар, урушининг олдини олиш, айни пайтда ғафлатда қолмаслик учун ўзининг мудофаа қувватини кучайтиришга иштилган эди. Бу ерда урушгача нашр этилган «Мудо-

фаа» («Қизил қўшини 15 йиллигига багишланган адабий альманах», ЎзССР Давлат нациёнтн, Тошкент — 1933—Боку) альманахига кирган Ф. Тожининг «Шаҳар ўти-ичида» («Босмачи Холхўжа тўғрисида ёзган эсдаликларимдан бир бўлаги»), И. Пелитиновнинг «Амир Олимхон қайтиб келмаяжак», «Иброҳимбекнинг кирдикорлари». З. Диёрнинг «Паҳлавонлар пойгаси» асарларини эсга олиш мумкин.

Урушга бўлган кескин муносабат душман билан юзма-юз туриб олишган кишилар хулқи, одати, ишларидагина эмас, балки кичкнитойлар, мактаб ўқувчилари ва ўсмирларининг ўйинлари, муомалалари, хатти-ҳаракатларинда ҳам сезилиб туради. Афсуски йиллар ўтган сари орамизда уруш кўрган «эски солдатлар камайиб бормоқда... Уларнинг хотираларини эшитсангиз, ҳикояларига қулоқ тутсангиз, уруш фақат отишмалардан иборат бўлиб қолмай, балки меҳр-оқибатни, эзгуликни, одамийликни ҳам ҳимоя қилиш эканини чуқур ҳис қиласиз. Зеро, дунёдаги турли миллат ва ирққа мансуб бўлган меҳнаткашлар урушга қарши кураш одамийликни ва бинобарин, бегубор болалик фаслини сақлаб қолиш ҳам эканини англайдилар. Аммо ҳозирги кунда урушни қоралаш ва нафратланишининг ўзигина етмайди. Уруш оловини ёқувчиларга қарши кураша билиш ҳам зарур. Иккинчи жаҳон урушининг сабоқлари ва садоларни барчани шунга даъват қиласи.

Болалар ва ўсмирлар учун мўлжаллаб ёзилган ҳужжатли биографик китоблар (П. Журба — «Александр Матросов», Е. Ильина — «Тўртинчи балаидлик», С. А. Ковнак — «Путиловдан Қарпатгача»), фактлар асосига қурилган қиссалар (Э. Казакевич — «Юлдуз», В. Катаев — «Полк ўғли», Б. Полсвой — «Чин нисон ҳақида қисса»), уруш қатнашчиларининг хотиралари (Захар Сорокин — «Қорли саҳрода яккама-якка олишув», Иван Кожедуб — «Полкдош дўстлар»), уруш моҳиятини фош қилувчи ҳикоялар ва публицистик мақолалар (Сергей Алексеев —

«Хруш ҳақида юз ҳикоя», Л. Кассиль — «Сепинг ҳимоя-чиларинг», С. А. Цесарский — «Боланинг ҳимояси», комсомоллар шон-шуҳратини мадҳ этувчи «Адреси — дала почтаси») ҳикоялар ва публицистик мақолалар, катталар жасоратини ҳикоя қилувчи (А. Т. Твардовский — «Василий Тёркин» поэмаси, «Солдат ҳақида баллада», «Иваннинг ёшлиги» фильмлари) уларнинг Ватан, юрт, гуманизм ҳақидағи тасаввурини бойитишга хизмат қилади. Ҳа, бу соҳада бирмунча фойдали ишлар қилинаётир. Марказий нашриётлар «Солдатлик шон-шуҳрати», «Ўқувчининг ҳарбий кутубхонаси» сериясигда ҳикоялар, хотиралар, қиссалар эълон қилмоқда. Шулар ораспда М. Алексеевнинг «Дивизионка», Г. Березкоининг «Қизил ракета», В. Кожевниковнинг «Март-апрель», Б. Полевойнинг «Полк байроби», К. Симоновнинг «Учипчи адъютант», Г. Баклановнинг «Тўплар тонгда тилга киради», В. Богомоловнинг «Иван», Е. Воробьевнинг «Сўнгги патрон», С. Смирновнинг «Биз Брестданмиз», И. Вергасовнинг «Крим партизанлари ҳаётидан лавҳалар», Е. Мухинининг «Бобо ва невара» асарларини санаб ўтиш кифоя.

Бу китобларда фақат уруш, жанг картиналари акс этиб қолмайди, балки шу муносабат билан ёшлар тарбиясига доир муҳим маънавий-ахлоқий проблемаларга ҳам қўл урилади. Шу хилдаги асарлар сўнгги йиллар ўзбек совет болалар адабиётида ҳам ёзилмоқда. Аммо улар орасида бевосита болалар ҳаётидан ҳикоя қиладиганлари бармоқ билан санарлик даражада оз. Кўп ҳолларда уруш картиналари катталар тасаввурни орқали берилади. Умуман, уруш мавзуида ёзилган асарларни шартли равишда беш хил гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга уруш йиллари ота-онасиз етим қолган болалар ҳаётини акс эттирувчи шеърлар, ҳикоялар, хотиралар, документал-биографик қиссаларни киритиш мумкин. Иккинчи гуруҳни урушда қатнашган болалар ва ёшлар қаҳрамонлигини ҳикоя қилувчи асарлар ташкил

қиласди. Учничи гурухини уруши йиллари мамлакат ичка-рисида катталар қатори меҳнат қилган болалар ҳаётини акс эттирувчи асарлар эгаллайди. Тўртинчи гуруҳ доира-сига катталар жасоратини мадҳ этувчи лавҳалар, эсад-ликлар, документал-биографик қиссаларни киритиш мумкни. Ва ниҳоят, бешинчи гуруҳ ҳарбий-ватаншарвар-лик мавзуда ёзилган асарлар сирасидан иборат.

Георгий Маръяновскийнинг «Тақдир китоби»да уруш йиллари ота-опасиз қолган етим болаларининг аяичли ҳаёти ҳикоя қилинади. Архив материаллари, хотиралар зосида ёзилган бу китобда киниларимизнинг ишончнаварлик жасорати тилга олиниади. Рақамлар билан кинилар ҳикоялари бирга қўшилиб, бўроидан ҳам кучли, тошдан ҳам қаттиқ дўстлик ҳақида ёрқин тасаввур беради. Шу тариқа китобхон кўз ўнгиде «Фроит йўлларини босиб ўтган, очлик ва ўлим даҳшатларига чидаш берган, вагон эшикларидан настга тушиб тарвуз, қовуи пў-чоқларига ўзини урган болалар», ўн тўрт миллат боласини ўз тарбиясига олган Шомаҳмудов ва Ҳамид Саматовлар оиласи, боғча ходимлари, ҳамширалар, давлат ва жамоат арбобларининг образлари гавдаланади. Шунга ўхшаш воқеалар таникли болалар шонри Корней Чуковскийнинг «Ўзбекистон ва болалар» китобида ҳам зўр ҳарорат билан тилга олиниади. Китобда адабининг ўзи кўрган, гувоҳ бўлган ҳодисалар қандай рўй бергаган бўлса, худди шу ҳолда ҳикоя қилинади. Аммо бу ҳикоялар шу қадар жозиба кучига эгаки, уларин тўлқинлангмасдан ўқиб бўлмайди. Мана шу хилдаги фактларининг айримлари:

«Термиздан Тошкентга келиб, бир қиз ва бир ўғил бола олиб сақламоқчи бўлган нотаниш аёл душанба кунига қадар кутиб туриши лозимлигини билганида, йиғлаб юборади: педагог Оқилхон Шарофиддинов ўн кишилик оиласи бўлишига қарамай, етим болалар сақлашга аҳд қиласди: қорачада келган ўзбек қизи Псковдан келган пучуқ, малла сочли Аниотани налов едиргани

уйига олиб боради; дерматолог профессор Зельманович фақат касал болаларни ўз тарбиясига олади».

Китоб қаҳрамонларидан бири тарбиячи София Ефимовна эндиғина уч ёшга тўлган украин боласини ўз тарбиясига олади, унга ҳарбий кийим кийдиради:

«Полковнигимнинг қорни оғриб қолмаса деб қўрқамаи,— дея ҳикоя қиласи ҳамшира,— чегаки, бизнинг болалар унга шунча кўп ширинлик беришадиларки, ҳеч адади йўқ. Ҳар ким уйидан унга атаб ширин нарсалар келтириади: «Еғиш, полковник» дея унинг оғзига бирор узум, бирор карамель, яна бирори приятик тиқади.

Кичик болалар ўзларни яхши кўрган ширин нарсадан нағсларини тийиб, бошқа болага илинадилар. Бу ҳеч вақт бўлмаган воқеа! Бу нарса тинчлик замонида ҳам уч-тўрт яшар боланинг табиатига тамоман мос бўлмаган ҳодисадир».<sup>1</sup>

Faғур Ғуломнинг «Сен етим эмассан», Е. Тараховскаянинг «Галия ва ўзбек қизи Шарофат» шеърлари, Самад Қодировнинг «Одамдан яхши ном қолсин» документал-биографик қиссаси, Раҳмат Файзийнинг «Сен етим эмассан» сценарийси ва «Ҳазрати инсон» романида ҳам «болалар табиатига хос бўлмаган» фавқулодда жасорат намуналари кўйланади.

Маълумки, рус совет болалар адабиётида кичкинтойларнинг немис-фашист босқинчиларига қарши олиб боргани курашларини акс эттирувчи В. Катаевнинг «Полк ўғли», Е. Ильинанинг «Тўртичи довон» ва пионер қаҳрамонларининг ҳаётини тасвирловчи асарлар бор. Аммо ўзбек совет болалар адабиётида Мавлон Икромнинг кичик ва ўрта мактаб ёшидаги болалар учун мўлжаллаб ёзилган «Ёш партизан» достони, Владимир Тюриковнинг ўсмирлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи «Батальон комсорги» қиссаларигина мавжуд. Достонда ўн уч ёшли Витянинг

<sup>1</sup> К. Чуковский. «Ўзбекистон ва болалар», ЎзССР Давлат нашриёти. Тошкент, 1942, 9-бет.

галстуғини байроқ қилинб қўчага осиб қўйғани ва душман қўлида ҳалок бўлгани енгил-елли баёп қилинса, В. Тюриковнинг қиссасида удмуртиялик Павел Лабузовнинг Будапешт шаҳрини озод қилишда кўрсатган жасорати ҳикоя қилинади.

...Хўш, нима учун биз урушда енгисб чиқдик? Бу саволга жавоб топиш учун бош қотириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Негаки, Октябрь инқилоби туфайли вужудга келган социалистик тузум турли миллат кишиларини янги ахлоқ, янги оғир ва интернационал дўстлик руҳида тарбиялади. Мана шу тарбия совет солдатларининг жанг майдонларида кўрсатилган мислсиз жасоратларида, чоллар, кампирлар, аёллар, болаларнинг фронт орқасида бажаргай улкан меҳнат ғалабаларида ўз аксини топди.

Бу мавзу Худойберди Тўхтабоевнинг «Беш болали йигитча», Ҳ. Назирининг «Лочин қапотлари», Н. Фозиловнинг «Саратон», В. Тюриковнинг «Уруш борар эди...», С. Бринскихининг «Ҳаммаси болаликдан бошланади», Тимур Пўлатовнинг «Ўрмонаро чорлаган мени», Р. Раҳмановнинг «Чангальзордаги шарпа», Самар Нуровнинг «Беғубор тонг», Сафар Барноевнинг «Нур ёғилган кун», Раимбой Собировнинг «Юмалоқ дунё», В. Александровнинг «Бегона-яқинлар» сингари асарларида ёритилади.

Оғир уруш йиллари... Шу урушининг касофати туфайли бутун-бутун қишлоқлар ҳувиллаб қолган. Ёшу қари—барча урушнинг ташвиши билан яшайди. Улар орасида бир оз қув, бир оз шўх-шаддод, бир оз латифагўй, аммо жуда ҳам пок Орифжон исмли бола ҳам бор. Урушнинг кулфатлари унинг ҳам елкаснига тушган. Бу ҳақда унинг ўзи ярим ҳазил, ярим чин қилиб шундай дейди: «Белим сал букироқ, буни ўзим ҳам тан оламан, укаларимни кўтаравериб шунақсанги бўлиб қолганман, бўйим ҳам тенгқурларимга қараганда сал пастроқ, буни ҳам инкор қилмайман. Мен юқорига қараб ўсаман деганимда, укаларим елкамга миниб олиб, паства қараб босишаверган,

Шунинг учун паканароқ бўлиб қолганман. Беш болали дейнишларига ҳам, ростини айтсам, унча жаҳлим чиқмайди. Нега десаңгиз, чиндан ҳам роппа-роса бешта укам бор. Бешовиниям ўзим катта қилганман, ойижоним тракторчи, уруш бошланганидан бўён кечасию кундузи далада».

Орифжон табиатан шўх бола. Оғир пайтларда ўзига ўзи латифа айтиб, овунинб ўтиради. Куни бўйи макка уқалайди, сигирининг тагини тозалайди, поя қирқади, ўтин ёради, кир ювади, баъзан ўзи сингари тенгқурларининг ўйиниларига аралашиб кетишни хаёл қиласди. Аммо ўйини га берилиб кетиб, уйидаги ишларининг қолиб кетишидан қўрқади.

Худойберди Тўхтабоевининг «Беш болали йигитча» романининг қаҳрамони — Орифжониниг қизиқарли, аммо оғир ҳаёт йўли шу тариқа бошланади. Унинг характеридаги баъзи бир жиҳатлар адабининг «Сариқ девин миниб» романидаги ёқимтой Ҳошимжонни эсга туширади. Уларниң шўхлиги, қувлиги, хаёлнарастлиги, адолатга шитилишлари ҳам гўё бир қарашда бир-бирларига айнан ўхшашдек бўлиб туюлади. Аммо «Беш болали йигитча» романини синчиклаб ўқиган китобхон бу хилдаги ўхшашликининг жуда ҳам юзаки эканлигига ишонч ҳосил қиласди. Бу фарқ аввало қаётин материалининг ўзгачалигига, қаҳрамонларнинг турлли шароитларда ҳаракат қилишларинда, уларниң ёрқин тақдирларининг ҳаққоний яратилганилигига.

«Беш болали йигитча» романидаги воқеалар Орифжонининг ҳикояси орқали берилади. Унинг ҳикояси билан танишар эканисиз, гоҳида беинтиёр жилмаясиз, қаҳқаҳа отиб куласиз, гоҳида уруш йилларидағи кечаю кундуз тинименз меҳнат қилган ватанпарвар одамларининг буюк ишларига тасаниш айтасиз, гоҳида кўйчиликдан ажралиб қолга «ортиқча» кишиларининг қилиқларидан жирканасиз. Ҳеч кимга сир эмаски, болаларининг ҳаёт на одамлар ҳақидаги тасаввурлари жуда ҳам тоза ва мусаффо бўла-

ди. Улар борлиқин табиий ҳолда қабул қиласди. Шу сабабли Орифжоннинг одамлар ҳақидағи ҳикоялари кишини ўйлашга, фикрлашга ундаиди.

Мана, унинг дадаси. Бир ўзи «битта тракторнинг ишини бемалол» бажарадиган бу одам армияга чақириув қогози келганида колхоздаги ишининг қолиб кетаётгандигидан кўнгли ўксийди. Туни билан урушдан қайтиб келгунинга қадар етиб ортадиган ўтии тайёрлаб чиқади. Ойнисанинг хатти-ҳаракатлари ва қилиқларига бир эътибор беринг. Бутун умри меҳнат билан ўтган бу аёлнинг оёғида доимо «кирза этик, эркакларнинг нахтали шими, эгинида серпахта пулайка, бошида қулоқчиш, юзларни кир, қўллари мой бўлиб юради. У эрига чақириув қофози келганида, уни ҳижжалай-ҳижжалай ўқиб чиқади-да, ҳузур қилиб ион чайнаётган ўғли Омонининг кир бошига юзини босиб, ўй сурисиб кетади. Уйқусизликдан, чарчаганидан тракторнинг тагида қолиб кетган бу аёлнинг образи узоқ вақт китобхонининг хотирасида сақланиб қолади.

Адаб ҳаётий бўёқлар ва ранглардан жуда ўринили фойдаланади. Шу сабабли романда яратилган айрим образлар ва картиналар ёзувчининг маҳорати тобора такомиллашиб бораётгандигини кўрсатиб турибди. Мен бу ўринда урушда бир оёғини йўқотиб келган, генерал билан қўл берисб сўрашгандигини пеш қилиб гапириб юрадиган Турон амакини ҳам, дарсда афанди латифаларнинг айтиб берадиган Розиқ амакини ҳам, она-бала раисни ҳам, ҳар гапнинг бирида «мозори шариф» деб турмаса, кўнгли жойига тушмайдиган Мели баққолни ҳам, мўйловининг учлари буралиб-буралиб бориб, қулоғининг орқасига ўтиб кетган темир ўйл қоровулини ҳам, пакана бувани ҳам кўзда тутаётирман. Ҳар бири ўзининг хулқи, одати, қилиқлари, тақдирни билан китобхонининг кўз ўнгига равшани гавдаланади. Шунингдек, уруши йилларидаги мактаб манзараси ҳам, болалар уйнадаги етимларнинг тақдирни ҳам жуда тиниқ чизилади. Ёш китобхон кичкинтойларнинг уруш давридаги ҳаёти билан танишар экан, бугунги

кунданаги фарони ҳаётининг қадрига шу қадар етгиси келади.

Романдаги Парни бува ва Үрис хола образлари ҳам ёзувчи томонидан алоҳида меҳр-муҳаббат билан чизилади. Иккала образ талқинида ҳам Худойберди Тўхтабоев ижодига хос энг яхши фазилатлар акс этган. Қолаверса бу образлар Орифжонининг тиниқ тасаввuri орқали берилади. Орифжон бўлса, Парни бува билан Үрис холанинг иносон сифатида тутган ўзига хос фазилатлари ва нуқсонларни самимий ҳикоя қилади. Парни бува — чин ватаншарвар. У бир пайтлар совет ҳокимияти учун қўлида қурорл билан жаиг қилган. Орадап йиллар ўтади. Немис-фашист босқинчилари Ватанимизга хиёнаткорона бостириб киради. Парни буванинг назаридаги «Гирмоннинг ҳар битта ўқи араванинг гупчагидек келади». «Ўша Гирмон деганлари жуда зўр бўлса, Кўршерматча бўлар-да», дейди у. У Гирмонни енгиз учун фронтда жаиг қилаётган ўйилларига замбарак совға қилмоқчи бўлади. Шу мақсадда майизи, ўрни, оқ жўхориси, сигири, бузогини сотади. Тўпланган бир хуржун пул ҳам етмайди. Ҳатто ёмон кўрган киниси Мели боққолдан қарз олиб бўлса ҳам, замбарак сотиб олмоқчи бўлади. Үрис хола Ватанинг бошига оғир кун тушганда, етимхонага тушган болаларининг бошини силайди.

«Беш болали йигитча» романни асоснда Орифжониниг укалари ва дўстларининг ҳаёти туради. Аслида Орифжон ҳамиша тўғри йўлдаи юравермайди. У баъзан адолатни қарор топтириш учун хатоларга ҳам йўл қўяди. Укаси Султонни излаб, кўпгина қийинчиликларни бошидан ўтказди. Қичик синглиси ўлим тўшагида ётганида, унга у-бу олиб келиш учун чайқов бозорида туфлисини сотмоқчи бўлади. Ҳатто бирорларнинг қовунини ўғирлаб бўлса ҳам укасининг кўнглини олмоқчи бўлади. Бола, барибир, бола-да! У доимо адолат бўлишини истайди ва адолат қидиради. Лекин турмуш мураккаб. Турмушнинг мураккаблигини осонгина англаб олиш ҳам қийин. Шу

жиҳатдан романдаги «Сарсонлик саргардонлик» боби ўэининг ҳаётийлиги билан ажалиб туради. Аммо адаб Орифжон билан укаларининг қишлоққа қайтиши тасвирида уларнинг онги, тушунчаси, дунёқарашидаги ўзига хослини унтутиб қўяди.

Худойберди Тўхтабоевнинг «Беш болали йигитча» романини ўзбек совет болалар адабиётининг яхши ютуқларидан бири дейиш мумкин. Бу биринчи павбатда, ёзувчи ижодида реалистик оҳангларнинг яна ҳам бойиганилиги ва кучайгаилигида кўринади. Агар адабнинг аввалги романларида сеҳрли қалпоқча ёрдами билан эзгуликни қарор топтириш йўлида ҳаракат қиладиган беғубор Ҳошимжон билан танишган бўлсак, бу асари орқали оғир уруш йилларида ҳаётнинг қийинчиликларини катталар билан баробар тортган, яхши кишилар таъсирида тарбия тоғган, эзгуликни қарор топтириш йўлида тишибинчимайдиган, адолатшарвар Орифжон ва унинг укалари билан дўстлашиб қоламиз.

Грузин Нодар Думбадзенинг «Мен, бувим, Илико ва Илларион», тожик П. Толиснинг «Саратон» асарлари билан «Беш болали йигитча» орасида ҳамоҳанглик бор. Бу биринчи павбатда учала асар қаҳрамонларининг эзгуликни қарор топтириш йўлида олиб борган курашлари, хатти-ҳаракатларида кўринади.

Шу хусусиятии Н. Фозиловнинг «Саратон» қиссаси ва Ҳ. Назирининг «Лочин қанотлари» романидаги ҳам сезини мумкин. «Саратон»да рўй берган воқеалар республика-мизининг чекка қишлоқларидан бирида бўлиб ўтади. Ишга яроқли эркакларнинг барчаси фронтда. Улар ўрнини чоллар, камнирлар, аёллар, болалар эгаллашган. Вазият кун сайни оғирлашиб бормоқда. Ҳосилнинг аҳволи кўнгилдагидек эмас. Шундай оғир дамларда қишлоққа уруш уқубатларидан қийналиб қолган рус, украин, поляк оиласлари кўчиб келишади. Буларнинг ҳаммаси қўшилиб, қишлоқ ҳаёти ўзгача маизара касб этади. Поляк боласи Франтишек эридаи қорахат олган Зулайҳо холанинг сузмасини

ўғирлайди. Кўндаан бери дард-ҳасратини кимга сочишини билмай юрган бу аёл поляк боласидаи ўч олмоқчи бўлади. Аммо орага Тўра тушади ва нотаниш болани ҳимоя қиласи. Уруш кулфатлари туфайли ҳаётдан безиб кетган Зулайҳо хола жаҳл устида Тўра билан Қамола орасида куртак очиб келаётган бегубор туйғуларни ҳақорат қиласи. Ҳа, урушнинг қийинчиликлари-ю, асоратларига ҳаммаям дош беравермайди. Уруш руҳан нимжонларни эзиз ташлайди. Фақат руҳан бақувват кишиларгина бу синовларга чидайди. Уруш қишлоқ кишилари учун ҳам мардлик ва юксак интернационаллик синови бўлди. Уруш туфайли қишлоқда озиқ-овқат танқеслиги кучли бўлса ҳам, колхоз правлесинеси, Тўра ва унинг ўртоқлари топған-тутганини «Ўч хонадон руслар, бир хонадон поляклар, бир хонадон украинлар билан баҳам кўришди». Ҳатто, ошиҳалол йигишади. Ошиҳалол дегани, ҳар бир хонадонининг ўз топған-тутганини бир идишга йигиши, ўртада баҳам кўриши дегани. Тўғри, ошиҳалол тасвири «Саратон» қиссасининг гоявий-бадиий тўқимасига қўшилиб кетмайди.

«Саратон» бир қарашда иккى қисмдан иборатдек бўлиб туолади. Биринчи қисм Тўра билан Қамола орасида тугилган бегубор туйғулар ҳақидаги ҳикоя, иккинчи қисми — қишлоққа кўчиб келган хонадонларнинг ҳаёти тасвири. Назаримда, бу икки сюжет линияси бир-бирига боғланмай қолган.

«Лочин қанотлари» романининг қаҳрамони Ўқтам ҳам қайси бир жиҳатлари билан Тўрага ўхшаб кетади. Тўра сингари Ўқтам ҳам жамоатчи бола, ўқишилари ҳам чакки эмас. У бир вақтлар авиомоделчиларнинг мусобақаларида қатиашиб, мукофот ҳам олган. Ўқтам барча ишларда пионерларга бошу қош. У ишни пионер фарности тузишдан бошлайди. Пионер фарности ёзда лагерларга боролмай қолган болаларни бир жойга уюштириб, ҳар хил фойдали, кўнгилли ишлар билан шугулланади. Турли тўгараклар тузади. Аммо пионер фарности иш бошлаши ҳамон уруш бошланиб қолади.

Уруш Үктамнинг ижтимоий фаолиятига ҳам таъсир қиласди. У пионерларнинг фойдали иш қилишлари учун кўриш жоп кўйдирадиган бўлади. Щу мақсадда ишченинг оровкалар тайёрлаш ва уларни аҳолига кўрсатиш учун қишлоққа бориб, аммасининг ўғли Жўранинг тойчогини келтиради. Щу тариқа уруш йилларида шаҳар билан қишлоқ орасидаги муносабатлар тилга олишади.

Ҳаким Назир Үктамнинг руҳий дунёсини кўрсатишга алоҳида эътибор беради. Бу қувонарли ҳодиса. Негаки, сўнгги йиллар болалар адабиётида ўсмирлар қалбида туғилиб келаётган илк муҳаббат тасвирига эътибор кам эди. Щу жиҳатдаи Үктам билан Умрининг муносабатларига багишланган саҳифалар қизиқиб ўқиласди. Эндиғина ўн оати ёнига қадам қўйган кўҳликкина, дўлворгина, кўзлари таббассумга мойил бўлган соддадил Умрининг ҳаёт йўли ҳам, ўзига хос руҳий дунёси ҳам маҳорат билан чизилган. Энг муҳими, романда ёш авлодининг оталар ашъапаларини давом эттираётганлиги алоҳида таъкидланади. Аммо роман композицион жиҳатдан ҳали анча бўш. Асарда ёш китобхонлар эътиборини тортишга қодир ҳаётий драматизм етишмайди.

Уруш мавзуига мурожаат қилиш орқали болалар ва ёшлар тарбиясига оид ахлоқий муаммоларни кўтариб чиқишига интилиш Тимур Пўлатовнинг «Ўрмонаро чорлагин мени», Рустам Раҳмонавнинг «Чаңгалзордаги шарпа», Раимбой Собировнинг «Юмалоқ дунё», Фатхиддин Насридиновнинг «Боғистон қушчалари», Самар Нуровнинг «Беғубор тонг», Ҳамид Тожибоевнинг «Солдат ўғли» қиссалари, Наримон Орифжоновнинг «Моникага мактублар» ҳикояларида сезилади. Аммо адиллар кўпинча уруш даврида кечган болалик йиллари ҳақида ёниги уруш хусусинда китобларда ўқиган ва эшитганларини шунчаки баён қилиш билан чекланиб қолаётирлар. Натижада қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, мӯомалалари, қилиқлари айнан бир-бирига ўхшаб қолмоқдалар.

Раимбой Собировнинг қаҳрамони Абдивоий, Рустам

Раҳмоновнинг қаҳрамони Оташ, Самар Нуроннинг қаҳрамони Содиқ бир-бирларига жудаям ўхшайдилар. Учаласининг ҳам дадалари фронтга кетишган. Уларнинг бир-бирларидан ажралиб турадиган фарқи — касбларида. Абдивой этикдўзга шогирд бўлиб тушади. Оташ якка ўзи янги ер очиб, чигит экмоқчи бўлади. Содиқ онаси далага чиққанида, укасини овутади, холос.

Тимур Пўлатовнинг Магдиси ҳам қайси бир жиҳатлари билан уларга ўхшаб кетади. Унинг ҳам отаси фронтга кетган. У ҳам гоҳида фронтга боришини орзу қилади. Аммо адиб Магдиининг тақдирин тасвири орқали муҳим ижтимоий масалаларга қўл ура билган. Аввало биз Магдиининг тасаввури орқали у нафас олиб яшаётган муҳит билан яқиндан танишамиз. Мана, унинг ҳамшира бўлиб ишлаётган ойиси ўз уйига нотаниш ярадор жангчини олиб келди. Ойисининг қилаётган эзгу ишлари Магдии чексиз хурсанд қилади. Аммо таниш-билишлар ва қўни-қўшнилар бу ишга бутунлай бошқача маъни беришади. Шу тариқа Магдиининг одамлар ҳақидаги тасаввури аинча мураккаб тус олади. Адиб ўз қаҳрамонини катталар дунёси ичига олиб киради ва эзгулик билан худбислик орасида юз берган курашни рўй-рост тасвирлайди. Воқеалар жараёни ҳар қанча мураккаб ва қалтис бўлмасин, Магдиининг яхин одамлар ҳақидаги тасаввури тиниқлашиб, яна ҳам бойиб боради.

Ф. Насрiddиновнинг «Богистон қушчалари» қиссалари тасодифий воқеалар асосига қурилгани. Қиссада Богистон қишлоғида яшовчи болаларнинг чегара бузувчиликага қарши олиб борган матонатли кураши ҳикоя қилинади. Болаларнинг барча шиларида мактаб директори Қодир Азизов бошу қош. У беш йилдан берин мактаб директори. У чегара бузувчиларга қарши отланган ўқувчиларнинг кўрсататётган жасоратларини ўйлар экан, ўзининг урушда ўтказган йилларини бирма-бир эслайди.

«Қодиржон Үрмон четига чиққач, йигитларга бир да-

қиқа нафас ростлаб олишни буюради. Ўзи қишлоқ яққолроқ кўринадиган тепаликка кўтарилиб, атрофии кузатмоқчи бўлди. Қараса, қўйидаги катта бир қайин дарахти остида бир немис офицери чалқанча тушганича донг қостиб ухлаб ётибди. Қўлида кимнингдир ғижимланган дуррачаси. Ёнда ароқдан бўшатилган шиша, консерва башкаларى, олма, колбаса, тухум пўчоқлари. Тунни хилват топиб, ким биландир бу ерда майшат қилмоқчи бўлгану, аммо у майшат қилмоқчи бўлган қиз қувлик қилиб, бунинг олдига похол солиб, маст қилган-да, қочган.

Йигитлар бургутдай човут солиб, унинг устига етиб боришиді ва оғзига дурра тиқишиди. Ёнидаги бор қуроласлаҳаларини олиб, қўлларини орқасига чирмаб боғлашиди. Урмон ичкарисига олиб кириб кетишиди».

Душман ҳақида шу хilda ёзиш, албатта, кулгиллик бир нарса. Кичкинтийларининг ахлоқий-маънавий оламини бойинтишда катталар жасоратини акс эттирувчи лавҳалар, ҳикоялар, хотиралар, документал-биографик қиссалар айрича аҳамият касб этади. Рус совет болалар адабиётида Лев Кассиленинг «Сенинг ҳимоячиларинг», Сергей Алексеевининг «Уруш ҳақида юз ҳикоя» асарлари, уч марта Совет Иттифоқи қаҳрамонлари И. Кожедуб ва А. Покришкинларнинг эсдаликларида, Сергей Смирновнинг Ленини мукофотига лойиқ кўрилган «Брест қалъаси» «Брест қалъаси қаҳрамонларини излаб» номли документал-биографик қиссаларида совет кишиларига хос бўлган фидойилик фазилатлари жўшқин ҳикоя қилинади. Ўзбек совет болалар адабиётида ҳам шу типдаги асарлар яратилмоқда. Улар орасида Адҳам Раҳматнинг ҳарбий ватан-парварлик мавзуида ёзилган лавҳалари, ҳикоялари, очерклари, документал қиссалари алоҳида ажралиб туради. Бу адид узоқ йиллар давомида дом-дараксиз йўқолиб кетган солдатларнинг жасоратини тиклаш йўлида тинимсиз изланишлар олиб бормоқда. У «Изларни излаб»... китобида ўз қаҳрамонлари изидан юриб, республикамизниң колхоз ва совхозлари, Белоруссия ўрмонлари, Кар-

пат тоғлари, Болтиқ бүйи республикалари, қаҳрамон шаҳарлар, социалистик мамлакатларни кезиб чиққани, минглаб уруш ветеранлари билан суҳбат қилгани, архивларда бўлгани, кўплаб хотиралар йиққани, юзлаб хатлар ёзганини тилга олади. Шу хилдаги ижодий изланишлар меваси сифатидаги унинг «Брест лавҳалари», «Қамал кунлари», «Ғалабага чорлаган мактуб», «Тошкентлик казак», «Жаңг суронларида», «Марду майдонлик» сингари китоблари эълон қилинди. Бу китоблар болалар учун мослаб ёзилмаган бўлса ҳам, аммо уларнинг тарбиясига кучли таъсир кўрсатади ва бинобарин, болалар китобхонлиги доирасини шубҳасиз кенгайтиради.

Адаб ўзбек жангчиларининг мислсиз жасоратини на-  
мойиш қилювчи ҳар бир фактдан ўринили фойдаланади. Булар — уруш қатнашчиларининг хотиралари, хатлари, газета хабарлари, беваларнинг дард-аламлари билан тўла ҳикоялари, музей экспонатлари, турли документлар, ёдгорликлар ва ишҳоят, жаңг бўлиб ўтган муқаддас жойлар. Адҳам Раҳматнинг изланишлари туфайли Брест қалъасини ҳимоя қилишда қатнашган ўн тўрт ёшли ўзбек қизи Ширииннинг, италян партизанлари сафида туриб, немис-фашистларга қарши жаңг қилган Аҳмаджон Мамажонов, Турғун Қўчқоров, ковпакчилар сафида туриб жаңг қилган Йўлдош Холиқов, оддий аскарликдан командир даражасига кўтарилган Ҳайдар Ҳамидов, Исмоил Салимовларининг номи кўпчиликка маълум ва машҳур бўлди. Ҳар бир лавҳа, ҳикоя, хотира совет кишилари кўрсатган мардлик, матонат намуналарини эсга туширади. Фаҳр туйғуси уйғотади. Шу жиҳатдан ўз кўксини қалқон қилиб жаңг қилган Брест, Ленинград, Новороссийск, Киев, Москва, Сталинград ҳимоячилари ва ўзбек жангчи аёлларининг ҳаётини акс эттирувчи эпизодлар қизиқарли.

Адабнинг «Тошкентлик казак», «Қаҳрамоннинг туғи-  
лиши» ҳужжатли қиссаларида уруш қаҳрамонларн ҳаётини  
ацча кенг плаңда ёритилади. Биринчи қиссаларни ас-  
карликдан полк командири даражасига мажбутлини



Ҳайдар Ҳамидовининг болалик ва ўспириилик йиллари, эшон Миён Ҷабборхонининг уйи, ўтилар гуруҳига қўшилиши, чека ходими Сергей Иванович билан учрашуви, аскарликка ёзилгани, боемачиларга қарши курашин анча қизиқарли тасвирланади. «Тошкентлик казак» қиссасининг қаҳрамони Исмоил Салимовининг ҳаёт йўли ҳам Ҳайдар Ҳамидовникига бирмунча ўхшаб кетади. Аммо отлиқ аскар сифатида жангга кирган Исмоил Салимовининг кўрсатган жасорати ўзи яна кўнгина асарлар учун мавзу бўлишга лойиқ. Етимлик азоб-уқубатларини тотиб кўрган Исмоил ўқиши шишиёқида турмушининг турли кўчаларига кириб чиқади. Темирчига шогирд бўлиб тушади, сўнгра болалар уйи, ФЗО, солдатлик ҳаёти, фронт... У батальони комиссари сифатида казак жангчилари ҳурмат-эътиборини қозонади. Оғир дақиқаларда мардлик, матонат намуналарини кўрсатади.

Болалар китобхонлиги доирасини кенгайтиришда Л. Юсуповининг генерал-майор Собир Раҳимовининг ёрқини ҳаётини ҳикоя қилувчи «Сўнгги кунлар» деб номланган хотиралари, А. Голишевининг разведкаси Сирожиддин Валиевининг жасоратини куйловчи «Яна қайтиб келди ўқитувчи бўлиб...» ҳужжатли қиссаси ҳам бир қатор фазилатлари билан ажралиб туради.

Ўйлаймизки, ҳалқимизнинг маънавий ҳаётида чуқур из қолдирган уруш ва унинг жароҳатлари ҳақида, ҳар қадамда қулоққа чалиниб турган акс-садоси ҳақида гоявий-бадиий баркамол асарлар яратилади.

# ◆ ҮГИТ ЖОИЗМИ? ҲА... ЛЕКИН ҚАҲРАМОН ҚЕРАК! ◆

Одатдаги кунларнинг бирида дўстлари Насрилдин Афаиддан сўрадилар:

— Нега ҳар гал ўз ўйнингизга киратуриб гўё билмагап одамдай дарвозангизни тақиллатасиз? Табиий, биз ҳайрон бўламиз, негаки дарвозангиз, сиз тақиллатганда, доимо очиқ турган бўлади.

— Тарки одат амри маҳол,— дея жавоб берди буюк донишманд. — Шуни билиб қўйнинглар. Мен ўз уйимнинг очиқ дарвозасини тақиллататеётганилигимни кўрганларнинг кўз ўнгига қадрим ошади.

«Литературная газета» саҳифаларидаги давом этаётган «Турмушин ўйлаётган ўсмирга» мунозараси ва шу мавзуда ёзилиб ҳимоя қилинаётган айрим диссертациялар, адабий-танқидий мақолалар билан танишганда, умри боқий Насрилдин Афаиддининг бу сўзлари бенхтиёр эсга тушади. Гап шундаки, ўсмирлар адабиётининг проблемалари ҳақида фикр юритаётган мунаққидларнинг кўпчилиги назаримда, танқид найзасини ўсмирлар адабиётида дидактика керакми ёки нокеракми, деган муаммога қараб итқитишади. Масалан, В. Брюгген («ЛГ», № 31) нийғ фикрича, адабиётининг «жони» деб ҳисобланган воқеа ва ҳодисалар—тасвири ўсмирлар учун «ўгит тарзида эмас, балки сабоқ бўлиб ўз вазифасини ўташи лозим». Минг афсуски, бу фикр айнан аксиоманинг ўзи. Табиийки, шу сабабли ҳеч ким бу хилдаги фикрлар билан вақтини кес.

кизиб, тортишиб ўтиришии истамаса керак. Негаки, бундай талаблар ўн-ўн беш йиллар олдин ҳам қаттиқ талабчалик ва жон-жаҳд билан ҳимоя қилишар эди. Теварак-атрофингизга мундоқ бир жиддийдоқ разм солинг. Вақт имиллаб эмас, балки кўз қамашадиган даражада шиддат билан ўтаяпти, гоҳо қоп-қора соchlар, ана-мана дегунча бўлмай оппоқ қорга ўхшаб қоялпти-ю, лекин биз ҳаиуз Насриддин Афандига ўхшаб, ланг очиқ турган эшикларни маъноли таққиллатишда давом этяимиз.

Ўсмирлар адабиётининг ўзига хос проблемаларини тадқиқ қилаётган И. А. Маркуша, А. Лиханов, А. Талалаева, Л. Воронкова сийгари мунсаққидлар ўсмирлар учун ёзилаётган асарлариниң дидактик характерниң майдонига чиқиши мумкин бўлган барча рақибларидан фидоийларча ҳимоя қиласди ва унинг қонуний бир нарса эканини күйиб-пишиб тасдиқлашади. «Меи,— деб ёзади, масалан, А. Маркуша,— дидактика тарафдориман. Лекин ялтираб турадиган, тищ оғригидек жонга тегиб кетадиган, араванинг бир маромда гичирлашидек юракни зардоб қилиб юборадиган панд-пасиҳат, ўгит тарафдори эмасман. Мен шўх, мафтункор, уддабурро ўгит тарафдориманап» («ЛГ», № 14). А. Талалаева «Совет болалар адабиётида ўсмир образи ва унинг тарбиявий аҳамияти» деб номланган илмий ишида бунга мутлақо қарама-қарши нуқтаи назарда эканини ошкора айтишдан қайтмайди. Унинг фикрича, ҳар қандай шўх, уддабурро, мафтункор ўгит педагогик нуқтаи назардан тўгри, мукаммал, баркамол бўлиши лозим.

Мен ўсмирлар адабиётининг ўзига хос проблемаларини таҳлил этувчи кўнгина баҳслар ва мунозараларнинг боришини диққат-эътибор билан кузатдим, мунсаққидларининг тутгани нозициясини, уларниң даъво ва далилларин манбаъсини терап ва ҳар томонлама аниқлашга иштildim. Баҳслар жараёнини шунчалик диққат билан кузатибманки, узлуксиз бўлаётган бу баҳсларнинг алла-

қаочон ўз «изи» дан чиқиб кетгашни ҳам сезмай қолибман. Тортишувлар қизиги билан рақиблар ва «норақиблар» кўзланган аниқ мақсадни мутлақо эсдан чиқариб қўйганлар. Тўғри, айрим мунаққидлар масалага бирмунча тўғри ёндошганлар. Менимча, мунозара «изи»дан анча событлик ва дадиллик билан борган, бошқалардан кўра ҳақиқатга аичча яқинроқ келгани муаллиф В. Коркин бўлди. «Мабодо шу муносабат билан ўсмирлар адабиётининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида ўйланса,— дейди В. Коркин,— унинг мазмунин ва магзи ҳақида фақат қаҳрамонларининг хатти-ҳаракати ва ўй кечинмалари қанчалик ифодаланиши шуктани назаридангина эмас, балки қаҳрамоннинг туйғу ва фикрлари энг авж нуқтасида — эҳтирослар меъёрида берилиши нуқтани назаридан баҳолаш тўғрироқ бўлармиди?» («ЛГ» № 28) В. Коркин, менимча, муайян адабиётининг ва шу жумладан ўсмирлар адабиётининг савиғаси ҳақида сўз борганида бу адабиётда яратилган ҳаётин, тўлақопли ҳаракетларини, образларини назардан соқит қилиб туриб фикрлаб бўлмайди, деганида мутлақо ҳақдир. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир дэврнинг ёш китобхонларга ибрат бўла оладиган ва уларни ўз кетидан эргаштириб кета оладиган баркамол қаҳрамонларни бўлади. Социологларниң таъбири билан айтсан, ўсмирлар болалик ёшидан ўтиб, катталар ҳуқуқини қўлга киритиш арафасида турган ёш гражданлардир. Улар фақат ўз тенгдошларни ҳаётини акс эттирувчи асарларнига эмас, балки дунё адабиётининг «Жиноят ва жазо», «Ўлик жонлар», «Уруш ва тишчлик», «Чол ва денгиз» синигари дурдона китобларини ҳам завқ-шавқ билан ўқиудилар. Шундай экан, ўз-ўзидан аёнки, ўсмирлар учун баркамол асарлар ёзиш жуда ҳам қийини иш. Ахир, Ибн Синонинг «Саломон ва Ибсол», Абдураҳмон Жомийининг «Баҳористон», Алишер Навоийининг «Ғаройибус-сифар» («Болалик ғаройиботлари»), Абу Райҳон Берунийининг «Китобут-тафҳим» (Тушунтириш китоби), «Бобирнома» ва «Шоҳнома»нинг айрим саҳифалари. Гётининг «Ёш Вер-

терининг изтироблари», Ф. Достоевскийнинг «Ўсмир», Л. Толстойнинг «Болалик», «Ўсмирлик», М. Горькийнинг «Менинг университетларим», «Одамлар орасида» асарлари, «Орзигул», «Кунтуғмиш», «Ширин ва Шакар ва «Гўрўғли» циклидаги ҳалқ достонлари ҳам ўсмирларниг ўзига хос ҳаётини акс эттиради. Ҳатто бир пайтлар буюк пролетар ёзувчиси М. Горький «XIX аср ёш одамининг тарихи» сериясими мунтазам равишда нашр қилиб туриш ғоясими илгари сурған эди. Афсуски, бу ғоя амалга оширилмай қолиб кетди. Рост ганин айтганида, ўсмирлар ҳаётида ва ўсмирлар учун баркамол асар битини ниҳоятда қийин. Буйинг учун ёзувчилик истеъоди бўлинидан ташқари, бугунги ўсмирларниг ўзига хос мураккаб ҳаётини чўқур билишлик ҳам тақозо қилинади. Негаки, эндиликда ўсмирлар ҳаётида информациянинг роли ниҳоятда ошиб кетди. Шу сабабли пашриётларимиз ёшлар ҳаёти ва фаннинг турли соҳаларини акс эттирувчи социологик очерклар нашр қилишга катта аҳамият бермоқда. Сўнгги бир-икки йил ичida «Ёш гвардия» нашриёти томонидан тайёрланган академик В. Қобуловнинг «Кибернетика», О. Абдуллаевининг «Сизни физика қизиқтирса»... Р. Худойбердиев, М. Маҳмудовларининг «Орзу ва қаюот», М. Салом, Т. Ҳусановларининг «Шифобахи қўллар», медицина файларни кандидати Ю. Тарниавский ва врач-пенхнатр Г. Блиновларининг «Болалар ва қизлар» китоблари кичик мактаб ёшидаги болалар ва ўсмирларниг эътиборини қозонди.

Шундай қилиб, сўз навбати бугунги ўсмирлар адабиётининг ҳақиқий қаҳрамонлари кимлар ва уларниг ёшлар ҳаётида тутган ўзига хос мавқеи қандай? Афсуски, ўсмирлар адабиётининг долзарб проблемалари юзасидан фикр олишган мунозара иштирокчилари бу муҳим саволга жавоб бўлгулик жиддий гап айтмадилар. Аммо бу ҳодиса, шу кечакундузги ҳаётимизда чинакам қаҳрамонлик намуналари кўрсатаётган ватанпарвар ёшлар кам деб, ўйлашга ҳуқуқ берадими? Лоақал шу ўринда

мисол излаб узоққа бориб ўтирмаи, беш миллион уч юз минг тонна нахта бунёд қилишда туну кун тер түкиб меҳнат қилаётган ўсмирларни тилга олиш мумкин. Бўлмаса Иттифоқ миқёсида оғизга тушган БАМ қурувчиларини ёки Узбекистондан бориб ноқоратупроқли ерларда меҳнат қилаётган мардонавор ва саботли ёшларни эслаш кифоя. Лекин булар ҳам ҳаётимизда онда-сонда учраб турадиган фавқулодда ҳодисалар сирасидан эмас. Албатта, намуна сифатида донмо ижобий, фавқулодда, қаҳрамонона воқеалар, ҳодисалар, образларгина эмас, айни бир найтда салбий қаҳрамонлар хулқи-одати, хатти-ҳаракатлари ҳам келтирилади.

Яқинда девор-дармиён қўшнимнинг ўғлини халқимзининг барча расм-русумларига амал қилган ҳолда тупроққа қўйдик. Эндинга катта ҳаёт йўлига қадам қўйган ўн беш ёшли бу шижоатли йигитчани безорилар нобуд қилишди. Жону жаҳони куйиб кетган ота севимли ўғлининг қабри атрофини гулзор қилди, шу билан юрагининг тафти андак босилгандай бўлди. У одатдаги кунгларнинг бирида ўғлининг қабрини зиёрат қилишга бориб, танг қолди: шундоққина қабрнинг тепасида бир неча ёшяланг жазавага тушиб ўйин тушишар, кетма-кет ичишар, бетартиб ҳолда гулларни узишар,— яна ҳам ҳайрон қоладиган жойи,— овозларини баралла қўйишиб, шеър ўқишар эди. Бу ғайри-табиий ҳодисани кўрган қўшним тўлиб-тошган ҳолда: — сизлар мозорнинг муқаддас жойлигини билмайдиган қанақа одамсизлар?— деб сўради. Шунда ҳалиги олифта йигитчалар: «Биз ПТУ ўқувчиларимиз», деб жавоб қилишнбди.

Қўшним билан ПТУ ўқувчилари ўртасида яна шундай савол-жавоб бўлиб ўтган: «Ўғлим боёқишини безорилар ўлдириб кетганлигини биласизларми? Ахир, қабристон — оёқ ости қиладиган жой эмас, балки зиёратгоҳку?!»—«Сенга ганириб нима ҳам қилдик? Барни бирон нарсани тушунармидинг?»

ПТУ ўқувчилари шуидай деб қўшнимни эрмак қилиш-

гай, гулларни узиб найҳон қилишган, тилига келганларини айтишиб, уни жуда қаттиқ ҳақорат қилишган. Эҳтимол, бу ўсмирлар аудиторияларда ўтириб жимгина дарсларни тинглар, ҳаваскорлик саҳналарида ўйнар, бўш пайтларида китоблар ўқир. Лекин, афсуски, шундай бўлса ҳам уларниг хулқ-авторида кишини сергакликка чорлайдиган маънавий карлик ақс этиб турибди.

Айтгандек, Агния Барто «Комсомольская правда» мухабри билан сұхбатда худди шу ҳақда фикр юртади. «...фақат зоҳиран, жисмоний вояга етган, аммо маънавий жиҳатдан етилиб улгурмаган баъзи ўсмирларни гоҳо зоҳирий балогат дөғда қолдиради. Уларда хирадлик, бач-каналик пайдо бўлади, уларга обнавателлик ва мешчанлик осонгина юқиб қолади».

Совет болалар ва ўсмирлар шеърияти пешталқинларидан бири бўлмиш бу ажойиб адабанинг кузатишлари бизнинг мулоҳазаларимизни болалар адабиётининг муҳим муаммоларига ва аввало, кундан кун аҳамияти ошиб бораётган ижобий қаҳрамон масаласи ўзанига қаратади.

Бир гурӯҳ адиллар ва комсомол ходимлари билан биргаликда яқинда Мирзачўлга борган эдик. Баландпарвоз гап айтишдан қўрқмаган ҳолда шу нарсанни таъкидлашим мумкинки, биз у ерда асл, чинакамига рўй бераётган улуғ ишларнинг шоҳиди бўлдик. Тан олиш керак, бу афсонавий чўлда ёшлар насибасига оғир маънавий ва жисмоний синоқлар тушиши турган гап. Улар кези келганда чарчайдилар, тинкалари қурийди ва ҳатто қўлларини қимирлатишга қурби етмай қоладилар. Ўша кунгиг учрашувда сўзга чиққаи йигитлардан бири— жуда ҳам куйиниб гапиреди: «Бугунги ёшларнинг ҳаётини бутун мураккаблиги билан кўрсатиб берадиган китоблар оз, инҳоятда оз ёзилянти. Мана исча ўн йиллар бўлдики, кўп китобларниг саҳифалари бўйлаб босмачилар сафи узилмай ўтади. Биз яқинда тўпланиб, Ё. Шукуровнинг «Қасос» романини муҳокама қилдик. Роман қаҳрамони бизнинг тенгдошимиз. Лекин унинг айрим хатти-

ҳаракатлари ишонарсиз чиққан. Бу шуни кўрсатадики, . айрим ёзувчиларимиз бугунги ёшларнинг ўзига хос, у қадар жўн бўлмаган қизиқарли ҳаётини етарли дикқат ғизиқарли ҳаётини етарли дикқат эътибор билан, синчковлик билан ўргаимайдилар».

Бу гаплар мунозара руҳида айтилган, албатта. Аслида, сўнгги йиллар адабиёти бугунги ёшлар ҳаётини ҳаққоний акс эттирувчи кўпгина асарлар берди. Лекин, айни вақтда, одил бўлайлик ва шу билан ёш чўлқувар йигитнинг ҳақли эътиrozига қулоқ солайлик: биз назарда тутаётган асарларда чинакамига қизиқарли, ўзига хос ҳис-туйғуларимиз, ўй-кечималаримизни эгаллаб оладиган, маънавий ҳаётимизда сезиларли мавқе тутадиган қаҳрамонлар кўпми? Агар бу ерда умумсовет болалар адабиёти тажрибаси эътиборга олиниадиган бўлса, у ҳолда бир мунича баркамол асарларни тилга олини мумкин бўлади. Албатта Фраерманнинг «Ёввойи ит Динго ёки илк муҳаббат қиссаси», Н. Дубовишиг «Етим», «Ёлғиз отнинг чанги чиқмас» романлари, К. Паустовскийнинг «Ҳаётим ҳақида ҳикоялар», В. Тендряковнинг «Баҳор дақиқалари», В. Астафиевнинг «Ўғирлик», В. Амлинскийнинг «Эриест Шаталовнинг ҳаёти», Ойбекнинг «Болалик», А. Қаҳҳорнинг «Утмишдан эртаклар», Н. Сафаровнинг «Кўрган-кечирганларим», «Наврўз» Ҳ. Назирнинг «Кенжатой», Х. Тўхтабоевнинг «Беш болали йигитча». К. Икромовнинг «Пиёда қўшинлари капитани», Л. Маҳмудовнинг «Қопга яширинган одам», Э. Раимовнинг «Ажаб қишлоқ» сингари асарларини тилга олиб ўтиш мумкин. Аммо бу асарларнинг савияси турлича.

Асқад Мухтор «...бона табиатининг мантиқини бузмаган ҳолда уни ижтимоий ҳаётга яқинлаштира олиш қобилияти» деб таърифлаган негиз-фазилат мавжуд. Бутун социалистик реализм адабиёти тажрибаларига суннаган ҳолда, уларда колективизм руҳида тарбияланган, табиатан ижодкор бўлган, ахлоқий ва маънавий камолот йўлида дадил бораётган болалар ва ўсмирлар образла-

рини чизишга ҳаракат қилинган ва бу мақсадга маълум даражада эришилган.

Аммо барча адиллар ҳам ўсмирларнинг ўзига хос катта оламини, ёш қалбнинг мураккаб кочинималар билан тўла, борган сари мураккаблашиб, бошнаб бораётган олам сифатида тушунавермайди.

Нодир Назаровнинг «Самолёт» қиссасида ҳам гражданлик руҳи, ижтимоий салмоқ этишмайди. Унда Восил деган бир ўсмири боланинг қандай қилиб «Самолёт» лақабли отни тарбиялагани ва мусобақаларда қатиашгани узундан-узоқ бაён қилинади. Қаҳрамоннинг ажабтовур саргузаштлари бир-бирига шундай уланиб кетадики, қайси воқеа қаерда бошланиб, қаерда тугаганлигини билмай, унинг мағзини чақолмай гангид қоламиз.

Бу нурсиз, парвози йўқ иншоларни ҳар гал ўқиганингда, БАМ ёки Мирзачўл қаҳрамонларининг драматик улугворлиги нуқтаи назаридан қараганда ҳам улугвор ва гўзал бўлган ҳаётининг тўлақонли тасвири билан танишинг келади. Шу маънода мен айрим мунаққидлар қаҳрамон, қаҳрамонона характер тушунчаларини гоҳо бир ёқлама шарҳлаётганларини аниқ ҳис қиласман. Бу хилдаги талқинларнинг мантиқига кўра, кимда-ким катталарнинг насиҳатини қулоққа осса, ким ишга кечикмай ўз вақтида келса, ким дўйстларига ҳурмат ва муҳаббат билан қараса, ким билиб-бilmай қnlган хатосини зудлик билан тузатса, ичмаса, чекмаса, шундай одатларга эга бўлган ҳар бир ўсмирнинг қаҳрамон деб аталиши кифоя қиласди. Яна бу парса гражданлик бурчиннинг фаол туйғуси ва чинакам масъуллик деб ҳисобланилади.

Мана, масалан Ҳамид Тожибоевнинг «Солдат ўғли» қиссасининг қаҳрамони ҳарбий хизматга чақирилади. Қаҳрамон барча ёш солдатлар қатори ўз гражданлик бурчини ўтаётганида, тасодифан бобосининг бир пайтлар Совет Йиттифоқи қаҳрамони унвони билан тақдирланганини билниб қолади. Бу хабар ёш йигитни аввал бир оз шошириб қўяди. Бобосининг қаҳрамон бўлиб чиқиши

невараси ҳаётида улкан бурилиш ясайди. Энди Қаримжон барча жойда: қуроллош дўстлари орасида ҳам, хизмат қилаётган ҳарбий қисмидан ташқарида ҳам қаҳрамоннинг невараси сифатида ҳурмат ва эҳтиром билан қарши олинади. Ҳўш, адаб ўз қаҳрамоннинг қайси хатти-ҳаракатида қаҳрамонлик намунасини кўрди?

Худди шу хилдаги ўгит қилиш касаллиги Фарҳод Му-сажоновнинг «Бўш келма, Алиқулов» қиссасига ҳам хос. Қиссанинг илк саҳифаларида Алиқуловпинг ўзига хос қилиқлари — унинг лалайлиги, ялқовлиги, ишёқмаслиги анича жонли ҳикоя қилиниади. У ўй вазифасини ишламайди, синф раҳбарини алдайди, укасишинг тинччини бермайди. Шунга қарамай унинг кўпгина ижобий жиҳатлари бор: телевизорда қизиқроқ кинолар бўлса кўради. Насиҳат бўлса кўнгли озади. Адабнинг бу тарздаги таъриф тавсифларига ишонилса, Алиқуловни ҳаётдан орқада қолгаи, қолоқ деб бўлмайди. У тез-тез она тили ўқитувчиси Насиба опанинг «қобилияти, маҳорати йўқ ёзувчининг асарларида насиҳат бўлади» деган сўзларни эслаб туради. Синфдошлари билан темир-терсак йигини учун борганида кўп ишлаб, дўстларига намуна бўлади, мактаб маъмуриятишинг раҳматини олади. Ҳатто бир куни синф раҳбари Алиқуловга шундай дейди: «...Сен аслида ёмон бола эмассан. Мияиг ҳам ишлайди. Одам сифатида эса жуда яхисан. Сахни, олижаноб, камтарсан. Фақат айбинг — дангасасан, ўтакетган ялқовсан».

Бу фикрии адаб ҳам бир неча бор тилга олади. Алиқуловнинг ялқовлиги, дангасалиги учун ойиси ҳам, синфдошлари ҳам унга дашибон беришади. Хулласи, Алиқулов ўзи яхши бола-ю, аммо унинг катта айби дангасалиги. Ёзувчи асосий диққат-эътиборин ана шу масалага қаратади. Ўқувчи қаҳрамоннинг ялқовлиги, дангасалиги туфайли рўй берадиган драматик курашларни кутади. Аммо адаб масалани енгил-елпи ҳал қилиб қўйиш билан чекланади, холос. Бир сафар она тили ўқитувчиси унинг кундалик дафтарига «икки» баҳо қўймайди. Шу ҳодиса

туфайли Алиқулов руҳига ёнишиб олган ялқовликни ташлаш учун аҳду-паймо қиласи. Шу тариқа қаҳрамоннинг руҳий оламида юз берган ўзгаришлар ўз бадиий ифодасини тополмай қолган.

Мен бу ўринда таниқли болалар ёзувчиси ва мураббийси А. Шаровнинг «Баъзи бир бўлиб ўтган фантастик ва реал воқеалар хусусинида» деб номланган эртагида берилган бир нақлни келтириб ўтмоқчиман. Аллақачон кексайиб қолган бўлишига қараманӣ хушрӯйлиги, ақли, фаҳми-фаросатини сақлаб қолгаи бир аёлнинг маслаҳати бўйича «бир болакайни ўрмонга олиб бориб, Лисички тарбиясига берини керак; мен Лич-Лисички — сарин замбуругларни пазарда тутяпман. Улар бижилдоқликка-бижилдоқ, лекин бирор ҳафта сергагап бўлиш болага зарар қилмайди, чунки у гапиришни ўрганиши керак. Кейин уни жуда ҳам қартайиб қолмаган, лекин жуда ҳам ёш бўлмаган оқ замбуруғ қўлига топширинг: Оқ замбуруғ индамаснинг индамаси, бироқ гапирадиган бўлса, гапнинг ростини айтади қўяди. Сўнгра бола бир неча кун ботқоқда, бўтакўзлар орасида, моҳ босган пуштада, Қизил қўзиқорин деган замбуруғнинг васийлигида бўлсин. Ҳаммага аёнки, эртакка, қизиқчиликка ва қўшиқка бўтакўздан устаси йўқ; Қизил қўзиқоринини ҳам истиносно қилиб бўлмайди. Кейин-чи? Мулойим жилмайганича сўзида давом этди бу хушфеъл эртакчи аёл.— Мен уни Тўқайчумчук қўлига топширишни маслаҳат берардим. Тўқайчумчук қўзга кўримли эмас-ку, лекин арча сўтасининг уруғини чўқилай туриб, унда тумшуғини юқорига қаратган қуий осилиб туради ва жуда баландлаб учадиган, жуда синчков қалдирғочлар кўролмай қоладиган нарсаларни ҳам кўради.

Қайси сайдера арча ва арча сўтаси бор-йўқлигини ҳеч ким билмаса ҳам, у билади.

Кейин-чи? Кейин болани ўрмондан олиб чиқинг-да: униси ким? Буниси ким? Ановси-чи? — деб савол сўранг. Бола синовинигиздан яъши ўтганида ҳам, энди тарбиялан-

гапи киғоя деманг. Бир ўзини йўлга солиб юборшидан олдин, уни албатта типратиконнинг уясига бошлаб боринг. Бола бир неча кун офтобин кўрмаса, ҳеч нарса қилмайди. У типратиконнинг яшаш тарзини миридан-сиригача ўргансин. Йўқса, ёлғиз қолганда ўзига қийин бўлади. Дунё шунақа қурилганки, бир эмас бир кун ёлғиз ўзи ҳаёт билан юзма-юз келиб қолади. Шунинг учун эсида тутсинки, типратикон ўрмондан уясига келгач, ўзининг тиконли пўстинини ечиб, михга илиб қўяди-да, юмшоқ-қина уйлик кийимини кияди. Типратикончалар ҳам ўрмондан уяларига қайтгач, тикошли пўстинларини ечиб, уйлик кийиб олишади. Лекин уясидан ўрмонга чиқиб кета туриб, типратикон ҳеч қаочи тикошли пўстинини кийиб олишни упутмайди; буни типратикончалар ҳам эслан чиқармайди. Дунё шунақа қурилган. Мана шу кўп ҳам қийин бўлмаган типратикон илмиши эгаллаб олгач, бола йўлга чиқса бўлади».

Бу эртакнома ҳикоя замирида чуқур рамзий маънио яширингаи; болалар ҳаётини акс эттирувчи ҳар бир асарда ҳаётнинг ўзига хос қирралари, раиглари жилолари берилсин; токи асар билан танишган ўсмир турмушда дуч келиши мумкин бўлган қийинчиликлар олдида довдираб қолмасин. Негаки, илмий-техник инқилобининг ютуқларидан баҳраманд бўлиб, сайёра бўйлаб социализм голибона бораётган бизнинг кунларимизда ишон шахсни ҳар томонлама ва уйғун равишда тарбиялаш масаласи айниқса муҳим ҳисобланади. Ана шундай бир шароитда тўлақонли қаҳрамонлар образлари яратиш алоҳида аҳамият касб этади. Ҳақиқий қаҳрамон устида гап борар экан, биз дарҳол Николай Островскининг Павел Корчагини, А. Гайдарининг Тимурини, С. Михалковининг Степан амакиси ва бошқа яна кўплаб қаҳрамонларни эслаймиз. Ҳали биз ўсмирлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи қўнгина асарларда қаҳрамонларга нисбатан қўйиладиган маънавий талабларнинг сусайтириб юборилганини айтган эдик. Лекин сўнгги йилларда бу масалада ижобий ўзгаришлар рўй берганини

сезмаслик мумкин эмас. Масалан, X. Тўхтабоевнинг «Беш болалии йигитча» романидаги табиий ва ҳаётий воқеалар бизнинг кўнглимида уруш йиллари мамлакат ичкарисида мардана меҳнат қилганларнинг қаҳрамонлигига нисбатан ҳавас, ўлгичларга нисбатан эса, нафрат уйготади. Латиф Маҳмудовнинг «Қопга яширинган одам» саргузашт романида ўсмиirlар ҳаёти билан катталар ҳаёти уз-вий алоқада берилган. Ҳар бир қаҳрамоннинг хоҳ каттаю, хоҳ кичиги ўзларига яраша мураккаб руҳий олами, ўзларига хос қувончлари ва ташвишлари гавдаланади.

Аввало ўсмиirlар тасаввuri орқали катталар қиёфаси чизилади. Мана колхоз ранси Мўминжон ака. У раис бўйлини ва колхозининг беҳад ташвишларига қарамай, тез-тез мактабга кириб туради. Болаларнинг ўқишилари ва ишлари билан қизиқади, каттаю кичикининг илтимосини тинглайди, уларнинг айримларини этиги қўнжика олиб юрадиган чарм муқовали дафтарчасига ёзиб олади. Унинг галати одати бор. Мўминжон ака наст бўйли, чувак юзли, яккам-дуккам соқолига оқ оралаган чойхоначи Мулладўстни кўрса чиройи очилиб, кўнглининг ғубори тарқаб, ўзини енгил ҳис қиласди. Ҳўш, чойхоначи Мулладўстнинг ўзи ким? Нега колхоз раиси уни ҳар сафар кўрганида баҳри-дили очилиб кетади. Адиб китобхонларни Мулладўст билан таништиришга кўнам шошмайди. Рост-да, бир қарасаигиз бу чойхоначи раис билан учрашганида тоиғаштутган гапларини уига тўкиб солади, кечакимнинг уйидаги овқат бўлгани-ю, қай бирининг сигири қаҷон түққанингача ярим жиддий, ярим ҳазил билан гапириб беради. Унинг билмаган нарсаси ва қилмаган иши йўқ; арава ҳайдайди, машина тузатади, ғишт теради, эшик-ром ясади. Раиснинг ибораси билан айтганда: «Мулладўст қўли гул, оёқ-қўли чаққон одам». Аммо Мулладўстнинг киши тушуниб бўлмайдиган галати қилиқлари ҳам бор. Сўққабош бу одам қари бир холаси билан қишлоқнинг чеккасида, эски ташландиқ уйда туради. Янги уига кўчиб чиқиш таклиф қилишганида кескин рад қиласди. Раис колхоз терак-

ларини аллаким қасддан қуритаётганини айтганида, хиёл бошини қимпратиб қўя қолади. Яна бир марта қишик спорт зали қурилиши хусусида сўз борганида, кўнглидагини очиқ айтмайди, аммо хонаси келганда гап орасида: «Асли шу ишни кейинга сурсаигиз бўларди, Мўминжон ака,— дейди Мулладўст,— болаларга ишониб бошлаяп-сиз, ўлда-жўлда бўлиб, қолиб кетмасмикин, деб қўрқаман».

Мактаб спорт зали пойдеворига гишт терила бошланнини билан Мулладўст ҳаловатини йўқотиб, талмовсираб юради, аммо қурилиш чала қолиб, усталар фермага ўтиб кетганидан кейин яна аслига қайтади. Бир қарасаигиз, юмшоқ, ҳурматни, одоб-икромни жойига қўйиб юрадиган одам. Бир қарасаигиз, турган-битгани жумбоқ. Қурилиш қизиса очилиб-сочилимайди, қишлоқ чеккасидағи эски ташландиқ уйига бекиниб олади. Яна буининг устига Мулладўст чап оёғининг тўпигидан юқориси ногирон, кўзларин аланинг-жаланг ўшаб турадиган индек ингичка бўйинли, узун, беёхшов қўлли Аизор исмли бола билан яширинча спрланиб туради...

Йўл бўйига экилган тераклар тагига керосини сенилини, колхоз раиси Мўминжон акаининг ташвишлари, чойхоначи Мулладўстининг ғалати қилиқлари ёш китобхонларни ўлашга, фикрлашга чорлайди.

Шу тариқа «Қопга яширинган одам» романининг сюжет йўллари тайинланади. Бир томондан Мулладўст ва Овсар холаларининг сирли ҳаёти чизилади. Адиб ўз қаҳрамонларининг бугунини яна ёрқинроқ кўрсатини мақсадида уларнинг ўтмишига ҳам нигоҳ ташлайди. Шу жиҳатдан Раиса Максимовна образи қизиқарли тасвирланган. Унинг чекка қишлоқлардан бирига келиб, таи тортмасдан болаларни ўқишига жалб қилиши романининг энг гўзал саҳифаларидан бирини ташкил қиласиди. Бахтга қарши, Раиса Максимовнанинг эзгу ишлари бирин-кетин қаршиликка учрайверади. Нортой қўшчининг қизи Гулнора мактабга бораман деб, уйидан чиқиб кетганича бедарак йў-

қолиб кетади. «Раиса Максимовнанинг қидирмаган жойи, сўрамаган одами қолмади. Домлалар қутқуси билан Нортой қўшчи гандираклаб ўрнидан турди, кўзлари соққасидан чиқулем алганг-жалаиг бўлиб, Раиса Максимавната-мон кела бошлади. Фақат шундагина қўшчининг титроқ қўллари билап белига қиетирилган болтани олайтганини кўриб, ҳамма бирдаи орқага қалқиб кетди. Раиса Максимовна билан қўшчи бир лаҳза рўбарў туриб қолишиди, қўшчининг қўзлари қонга тўлгап эди! Мамат бува эс-ҳушини ростлаб, то Раиса Максимовнанинг олдига ўтгунча қўлидаги болтани Раиса Максимовиага қараб улоқтириди, аммо қўшчининг хотини чиққириб, Раиса Максимовиани зарб билан туртиб юборди. Болта шундоқ, Раиса Максимовнанинг қулоғи тагидан ўтиб, ўн-ўн беш қулоч жойга бориб тушганда одамлар ҳұшларига қелиб, қўшчига ташланишиди. Бироқ қўшчига ҳеч ким бас келолмасди; олдидаи келганини муштлаб, орқадан яқинлашганини жон-жаҳди билан тепиб, уч-тўрт одамини четга сурини ташлади. Оломон тарафма-тараф бўлиб тўзиб кетди, домла билан сўфи ўзларини базўр четга олишди. Эшонқул сўфи Раиса Максимовиага қараб жон аччиғи билан, «қоч палакат», деб қиҷқириди, аммо овозини ўзидан бўлак ҳеч ким эшиг-мади. Раиса Максимовна чаққонлик билан ердан болтани олди-ю, одамларнинг қуршовидан чиқиб, тўшиш-тўғри бостириб келаётган қўшчининг оёғи остига ташлади:

— Олинг! — деди ҳаммани ҳайратда қолдириб.— Олинг, шу билан дардигиз енгиллашса мен розиман».

Раиса Максимовианинг бошлаган иши янги тузум душманларига ёқмайди. Улар дили тоза, илм-маърифат йўлида жонини тиккан бу ажойиб аёлни йўқ қилиш пайига тушадилар. Мактабнинг очилиши, Раиса Максимовнанинг дарс бериши Мулладўстнинг Овсар холасига мутлақо ёқмайди. Ростини айтиш керак, бу Овсар хола образи романда онда-сонда кўзга чалиниб турса ҳам, аммо унинг бири-биридан ғалати қилиқлари китобхон кўз ўпигида ёрқин гавдаланади. Умуман «Қонга яширишган одам» ро-

манининг сўнгги саҳифаларига қадар Овсар хола, Мулла-дўст ва Анзорларнинг ниятлари сир тутилади.

Адибнинг тўлақонли қаҳрамон яратиши маҳорати Равшан, Мунира, Шаҳло, Асқар образларида яққол кўринади. Айниқса қишки спорт зали қурилиши муносабати билан қизлар ва болалар орасида туғилган муҳаббат туйғулари қизиқарли тасвирланиади. Шу жиҳатдан Равшан билан Мунира, Шаҳло билан Асқар орасидаги муносабатлар Натиғ Махмудов ижодининг янги-янги қиралари очилиб, тиниқиб бораётганини англатади.

Шаҳарлик меҳмон қиз Шаҳлони яйловга олиб чиққап Асқар, ўзини дунёдаги энг бахтпёр болалардан бири деб билади. У ажойиб-гаройиб мўъжизалар фақат эртаклардагина эмас, ўнгида ҳам рўй беришпни зориқиб кутади, хаёл қилади.

«Асқар зимдан орқасига қараб қўйди, дарҳақиқат, ойдин кечада танҳо от миниб келаётган Шаҳло жингалак соchlарининг калталиги-ю, эгинга шим кийиб олганлиги демаса, маликаларга жуда-жуда ўхшаб кетаркан-а! Асқар отининг жиловидан ушлаб кетаверса, кетаверса, ниҳоят йўл юришса ҳам мўл юришса, тоққа бориб қолишса! Шунда анови аламига чидолмай ўлим талвасасинда тиширчилаб ётгац аждарининг амри билан тоғлар йўлларини тўсиб, икки баробар, уч баробар ўсиб кетаверса. Пўг-е, малика уввос солиб шаҳло кўзларидан эртакдагидек марварид доналари каби маржон-маржон ёш тўкиб, энди холимиз нима кечади, деганда, Асқар, «қўй, йиғлама, малика, аждарнинг ичак-чавоини бошига салла қилиб ташлаған паҳлавон учун бу қаққайған тоғ нима деган гап» деса-ю, маликани ҳайратда қолдириб, от-поти билан даст елкасига қўйиб, ҳар лаҳза ўсиб бораётган тизма тоғларнинг энг баланд чўққисидан ҳам бир ҳатлаб ўтиб кетса».

Кичик одамнинг катта ўйлари, туйғулари... Узига хос одамийлиги... Ўнгида ҳам мўъжизалар рўй бериб туришини истаган одамнинг романтик ўйлари... Аммо баъзан дўстлари унинг беғубор туйғуларини англай олмай

қолишиади. Ахир Мулладўстининг ҳайласи билан тұхматга қолганида Шаҳлодан бошқа ким қўллади уни... Ҳечким. Ажаб. Қишик спорт зали қурилиши бир текисда кетаётган бўлса-ю, аммо кимдир ўрага тўкилган семон устига сув сепиб қўйган бўлса! Умуман Асқарининг қурилишдан ҳайдалиши асарга дедектив тус беради, воқеалар чигаллаша бошлайди. Қишик спорт зали қурилини қизиган сарп Мулладўст билан Аизорининг юрини-туринида киши тушишини қийин бўлган қилинклар найдо бўла бошлайди. Аизор асли ўзи истеъодли бола. Баъзан туппа-тузук шеърлар ҳам ёзди. Ҳатто ажойиб байтлар тўқиб, меҳмои қиз Шаҳлонинг кўнглини олмоқчи, уши чойга тушган қандек эритмоқчи ҳам. Аммо у болаларга араланиб кетолмайди, қурилишга ёрдам беролмайди. Кечалари Мулладўстининг эски ҳовлисига мокининг ўқидек қатнагани қатнагани. Мулладўстининг алмисоқдан қолган эски ҳовлиси янги қурилишининг шундоққина биқинида, чорсигина ҳовли юзида на тиккайган дараҳт-у на бирорта гул бор, деворининг остига шоҳ-шабба босилган. Фақат эски бостирилага ўхшаган бир нарса бор, йўғ-е, негаки лой томдаги бир туртса қулагудек аҳволда турган бесёнақай мўри-сидаи онҳонага ўхшаган дейилса, ҳам бўлади. Қишилоқ ҳовлилари билан бу ҳовлининг орасида катта тафовут бор: кўримсиз, пастқам, зах, аяничили аҳволда. Бу ерга дафъатан кириб қолган одам ўтмишга қайтиб келиб қолгандай эти жунжикиб кетади. Тарих музейидаги чарх йи-гириб ўтирган муштипар кампир кулбасининг худди ўзгипаси. Аммо Мулладўст ҳам, унинг овсар холаси ҳам бу эски кулбадан кўчишини хаёлига ҳам келтирмайдилар. Улар баъзан кечалари қурилиш ичига кириб йўқ бўлиб кетадилар. Бу ҳовлида рўй берадўтган сирли ҳодисаларни Асқар, Равишан, Мунира, Шаҳлолар сезиб қолишиади. Улар куандузи қурилишида тер тўқиб меҳнат қилсалар, кечалари овсар холанинг ҳовлисими зимдан кузатадилар. Шу тариқа романининг сюжети яна ҳам шиддатли тус олади. Болалар билан катталар орасидаги муносабатлар

яна ҳам таранглашади. Овсар холанинг эски уйи ҳам эртакларда тасвирланган сеҳргар кампирларнинг уйига ўхшаб кетади. Кечалари бу уйга аллақандай нотаниш одамлар келадилар. Тонг отар-отмас яна бир зумда ғойиб бўладилар. Улар орасида Анзор ҳам бор. Баъзан у кечалари овсар холанинг уйига нималарнидир келтиради. Хуллас, росмана дедектив. Аммо адид шунчаки олди-қочди тасвирларга берилни кетмайди. Балки болалар ва Мулладўст, овсар хола, Анзорлар орасидаги рўй берадиган курашини бўяб-бекамай, бутун мураккаблиги билан тасвирашга итилади. Романинг ҳар бир қаҳрамони ўзининг индивидуал қиёфаси, руҳий оламига эга. Агар Латиф Маҳмудовнинг ҳикояларида қаҳрамонлар таърифтавсифларига кўп эътибор берилган бўлса, адиднинг бу яниги асарида психологик тасвирнинг биринчи ўринга чиққанини кўрамиз. Яна кишини қувонтирадиган бир нарса, ҳаётни бўёқларнинг меъёрида берилгани. Романинг бошдан охирига қадар адиднинг стилиб, тўлишиб бораётганини англатиб турадиган тиниқ тасвири бор.

Владимир Барабашнинг «Слава Маслёнкин — оғир одам» қиссаси унинг қаҳрамони ўн уч яшар Славка Маслёнкиннинг файритабии қилиқлари тасвири билан бошланади:

«...Бутун мактабдагилар Славка Маслёнкинни «оғир феълли» бола дейишар, баъзи бирорлар уни ҳатто «ижтимоий хавфли»га чиқариб ҳам қўйишганди.

Бупчалик шов-шув беҳудага эмас. Славка мушугини синфга кўтариб келиб, худди география дарсн пайтида миёвлатади...»

Сал бўлмаса, кимё кабинетини портлатиб юбораётгани ҳам — шу Славка! Унинг бу қилиғидан пақадар даргазаб бўлган мактаб директори педсоветни бошига кўтаради: «Бунинг охири вой бўлади!.. Улар аввал сизни, кейин мени, мактабни, ҳатто бутун бошли Районони портлатиб юборишдан ҳам қайтишмайди!»

Яна шу Славка оғайини Шокир билан синфдоши

Лола Багировашиг лаблари-ю, бутун афти-башарасига бўёқ чаилаб ташлайди...

Славка ишчиларга илтимос қилиб, «қаровсиз занг босиб ётган» темирии — кейинчалик маълум бўлишича, шаҳар трамвайчиларига қаинчалик зарур бўлган дастгоҳни кестириб, металломоломга тошириб юборади. Уининг бу «ташаббускорлиги» директорининг бошинга не-не маломатлар солмайди...

Славка уйнадаим ўзини роса кўрсатади: таингачаларни қирилмаган иккита ажойиб сазан балиқини қозонга солиб қайнатади. Мана шу тариқа Славка китобхонининг бутун диққат-эътиборини ўзига тортади, чунки муаллифнинг яқин кунларгача мактабда педагоглик қилгани, ҳали ҳам мактаб тарбияси муаммоларига багишланган мақолалар ёзиб юриши асарда бир томонламаликни вужудга келтирган бўлиши мумкин эди.

Профессионализм хавфи, айниқса, ёзувчиининг иш асарида юз бериши табиин. Юқоридаги каби мувавифақи-ятли топилган, ҳаётни, ишонарли деталларни ёзувчи ёт-ғиз бир мақсад — маълум педагогик қонуни-қоидаларни қаҳрамон руҳиятида юз берадиган ўзгаришлар асосида яна бир бор таъкидлаш учун ишлатмаяитимикан? Бошқача қилиб айтганда, асардаги мақсад Славка сингарни ўйинқароқ, ўзбошимча болаларни юксак педагогик кўрсатмаларга мувофиқ шахслар қилиб тарбиялаш керак, деб таъкидловчи дидактика эмасмикан?

Бироқ асар билан чуқурроқ танишиб, образлар дунёсига кириб борганингиз сарн шу хилдаги шубҳалардан кўнгил ёриша бошлайди. Ва оқнбат муаллифнинг насиҳатгўйликдаш, аксарият дидактика билан чекланадиган мазкур ҳолларда қуруқ ўғнитдан қочишга мойиллигини кўриб, унга таҳсин айтасиз.

Автор қаҳрамонини меҳр билан, дилида юз берётган жўшқин ҳис-туйғуларга алоҳида эътибор берган ҳолда, доим ҳам мактабдаги тартиблар қолипига тўғри келавер-майдиган қилиқларига хайриҳоҳона муносабатини ифо-

даловчи енгил юмор билан тасвирлайди. Асарин ўқиёт-ганингизда Андрей Платоновнинг ён дафтарчасида қайд қилинганд: «Болаларнинг ҳаммаси ҳам ақлли кишилар. Үларга осмондан турниб назар ташлаган кишилар адашади: улар аслида қув, ажойиб ва фаросатлидиirlар», деган фикри беихтиёр ёдингизга тушади.

Владимир Барабашнинг Славкаси фақат «оғир феъллик» кинз эмас. Унинг «ажойиблиги, педагогларни ҳурмат қилинни, хушифеъл, жасур ва меҳрибон болакайлини», тиришқоқлиги ҳақида ҳам кўп ганиришади.

Славка мушугини синфга шўхликка тўқлиги учун келтирган эмас, «тирик бурчак»ни бойитиш учун шундай қилган.

Портлаш воқеаси ҳам Славкаининг органик химия дарси пайтида тажриба ўтказаётганида рўй бергай. Лола Багированинг лабларини бўяб қўйиши аслида тарбиявий мақсадда қилинганд иш. Унинг чақимчилигидан шу жазога мубтало бўлганини Славкаиниг оғайниси Шокир айтнаб беради.

Темир дастгоҳининг кўчада занг босиб ётмаслиги учун металломоломга топширилгани аниқланади. Ҳатто райкомдагилар трамвайчиларни хўжасизликда айблаб, ўқувчиларнинг ёнини олишади.

Славка уй ишларидаги ҳамиша онасига қарашинини истайди. Балиқ пишираман деб, сазанларни тозаламасдан қозонига солиши унинг бу ишларда тажрибасизлигидан.

Умуман «у ажойиб! Фақат омади юришмайди: шияти яхшилик қилиш бўлса-да, аксарият ҳолларда қовун тушириб қўяверади».

Демак, Славка Маслёнкин ялангоч педагогик қондалар асосида бир томонлама, зерикарли тасвирланган схематик образ эмас, балки тўлақонли, психологик жиҳатдан ўқувчини ишонтирадига даражада яратилган қаҳрамон бўла олган. Славка Маслёнкин — изланувчан, қизиқувчан, тиришқоқ, эзгулик ва адолат тантанаси учун интилувчи жўшқин кучга тўла серқирра болалар дунёси-

нинг бадний умумлашма, жамловчи типи. Шу маънода қиссанинг бошқа қатор ижобий қаҳрамонлари (катталар ва педагоглардан ташқари) мустақил: индивидуал кишилар эмас, балки Славка образини янги-янги томонлари билан тўлдиришга хизмат қиладиган қўшимча образлар бўлиб туолади.

Бу хусусият одатда ёзувчининг ҳаёт воқеаларига бир ёқлама қарашини, образ яратинидаги камчилигини кўрсатади. Мазкур ҳол бизнинчга, Владимир Барабашиниг тасвирилаш усулидаги заиф томони эмас. У сўз юритилаётган даврани иложи борича кенгрок қамраб олиш, шу йўл билан мабодо Славка бошқа ёнда, ёки бошқа шаронитга тушиб қолган бўлганида ўзини қай йўсундада тутиши мумкилигини равшанроқ бериш учун худди юқоридаги усулда ҳикоя қилишни афзал кўрган бўлиши эҳтимол.

Вовка Корнеев қўрқувдан дағ-даг титраётган ўқувчини шу пайтда иккинчи синф вожатийси бўлган Славка олдига оқиелиб, «буфетда тартибсизлик қилгани учун одобга чақириб қўйинци»ни сўраши, ёки ҳайвонот боғига экспурсияга боришганда намунали ўқувчи ҳисоблангай Алик Караевининг «тирик бурчак»ка деб товус патини юлиб олишга уриниши эниздларини ўқиркаимиз, бу хил қиликлар Славканинг ҳам Лола Багированинг лабига қандай қилиб бўёқ чаплаганию, география дарсида мушукни миёвлатганинга шунчалик ўхшашини ҳис қиламиз. Қиссадаги шу ва шу таҳлилдаги бошқа мисоллар юқоридаги фикримизнинг далили бўлиб хизмат қилади.

Биз Владимир Барабаш қаҳрамонларини меҳр, хайриҳоҳлиқ билан тасвирилашга мойил, дедик. Лекин бу муаллифнинг болалар характеридаги баъзи салбий кўринишларни четдан муросасозлик билан кузатишини, қаҳрамонни қай аҳволда тасвирилаётган бўлса, ўқувчига худди шу ҳолида тақдим қилишини англатмайди.

Ёзувчи ёш китобхонни ҳаётга ижодий кўз билан қараш, машақатли изланишга иштиёқ, муваффақият қозониши жараёнида содир бўлишин мумкин бўлган турли умид-

сиэзлик ва хатоларни бартараф эта олиш руҳида тарбия-лашдек юксак гоявий, маънавий ҳамда педагогик мақсад-ни илгари суради. Яъни бадний ва ижтимоий жиҳатдан намуна бўла оладиган образ яратиш муаммоси ҳал қилинади.

Ўз соҳасини шу даражада билишга, бироқ бу хислатни асар саҳифаларида бадниятдан холи, ялтироқ қонун-қондалар мазмунига бўйсундирилган фактларни ҳадеб келтириши билан нисанде қиласкермайдиган професионализмга ҳар қандай адаб ҳам ҳавас қилинни табдии.

Шу маънода қўйидаги мисолнинг моҳияти катта: қис-сада мактаб директори Арутюн Григорьевичнинг бошнионервожатийга «оталарча йўл-йўриқ кўрсатиши» очиқ киноя билан баёни қилинади: «Азизим! Ўларнинг ижти-моий фойдали фаолиятга бўлгага умумий иштилишларни қўллаинг! Темир-терсак йигинг, макулатура тўплаинг — бу ажойиб иш-ку! Бу соф фойда! Ана шунаقا! Экскурсияга олиб боринг, театрга тушишлар — бу ҳам яхши иш!.. Биз сизга ёрдам берамиз, қарашамиз...» Бу пичинда ёзувчининг хўжакўрсингагина ўтказиладиган баъзи тад-бирлар, сийқаси чиқиб кетган формал ташаббускорларга қарши қатъий эътиroz билдирувчи ўқувчилар билан ҳамфирлиги яққол ифодаланади.

Аммо асардаги асосий тадбирлар ҳам ана шундай темир-терсак, макулатура йигиш, музейларга экскурсияларга ўхшаш қатор «фойдали» ишлардан иборат. Бу «фойдали тадбирлар»нинг аҳамиятини синаш, улардан дидактик хуносалар чиқариш билан чеклашиб қолмаслик учун адабнинг мактаб ҳаётини миридан-спирингача билиши, мурракаб тарбиявий жараёнининг моҳият ва мақсадини чуқур англаши билан бирга асарга муаллиф қалбидаги позит ҳис-туйғуларнинг сингиши ҳам лозим эди.

«Санъатининг асосий қонуни» машибаъларининг тагига етиш борасида изланган Лев Толстой «асар мароқли бўлиши учун унда маълум ғоянинг илгари сурилишигиниа

етарли эмас, балки унга муайян ҳис-туйғу ҳам сингдирилған бўлиши лозим» деган эди.

Шу муносабат билан қиссада ишлаб чиқариш жараёни тасвирининг ҳаддан ортиқ кўп ўрин олиб қолиши ма-саласини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим бўлади. Умуман меҳнат мавзуи кўнгина иқтидорли ёзувчиларни ҳам га-рангситиб қўймоқда. Лекин баркамол адиллар ҳамиша ҳаётининг рағ-барағ бўёқларини қуюқлаштириб тасвирилайди. Бу нарса қаҳрамонлар қиёфасининг ёрқин ва тў-лақонли чиқишига хизмат қиласди. Чунончи, таниқли болалар ёзувчици, СССР Давлат мукофоти лауреати И. Дубов-нинг «Ётим» романидаги Лешка Горбачевининг машҳуриятини турмуш йўли ҳаққоний берилган. Ҳаёт тўлқинлари уни турли хил оинг, тушунча, характеристики одалар билан тўқ-наштиради. Шулардан бири ўз маифаатидан болиқа ҳеч нарсанни таън олмайдиган амакиси бўлса, иккичици, узоқ йиллар қаровсиз болалар билан ишлаб келган болалар уйи директори Людмила Сергеевна. Бу хушмуомила аёл етим болалар қалбинонг қай даражада нозик бўлишини чуқур ҳис қиласди. Ҳатто бир куни Лешка ҳеч кимга айтмай кетиб қолганида Людмила Сергеевна уни сўкиш, ко-йиш ўрнига, бутун оналиқ меҳрини тўкиб, багрига босади. Лешка учун оғир бўлган дамларда яхши одалар уни доимо қўллаб-қувватлайдилар. М. Коршуновнинг «Ўсмирлар» романидаги ҳам ўсмирларнинг мураккаб ҳаёти қаламга олинади. Бир пайтлар ўз шогирдлари орасида ҳурмат-эътибор қозонгандай мастер Виктор Скудатин нусладаридан кўз бўямачилик билан машғул бўлади. Унинг ўз маъна-вий қиёфасини йўқотиш йўлидаги саргузаштлари ёш ки-тобхонлар учун ибратли. Умуман меҳнат мавзунга ба-гишланган истеъодли асарлар бармоқ билан санарли даражада оз. Аммо эллигинчи йиллари ёзилган И. Ликс-тановнинг «Болакай», А. Мусатовнинг «Стожари», И. Ва-силенконинг «Юлдузча» қиссалари ҳалига қадар ўсмирларнинг севимли китоблари бўлиб келмоқда. Сўнгги пайтларда бу қутлуғ мавзуга ўзбек болалар ёзувчилари ҳам

тез-тез мурожаат қилишмоқда. Шу маънода Ҳаким Назирнинг «Кенжатой» қиссаси бир қатор жиҳатлари билан ажралиб туради. Адид ўсмирларнинг ўзига хос мураккаб ҳаётини яхши билади. Сўнгги пайтларда уларнинг тарбияси хусусида ҳикоялар ва қатор публицистик мақолалар ёзди. Радио ва телевизорда чиқишилар қилди. Адид ўзининг янги қиссасида ҳам яна шу мавзуга қўл урган. Албатта, ҳар бир адид китобхонлар қалбини жизиллата-днган сўзларни тоғиб айтабилиш билан бирга ҳаётнинг мураккаб томонларини чўчимай кўрсатиб бериши зарур. Одатда адиднинг юрагини тўлқинлантирган, қалбини бе-зовта қилган фикри, айтадиган зарур гапи бўлмаса унинг китоби «совуқ» бўлади. «Кенжатой» қиссасида Ҳаким Назирининг китобхонга кўпдан бери айтмоқчи бўллаб юрган фикрни бор. Бу—асар қаҳрамони Собиржонининг мураккаб ҳаёт йўли. Аввало китобхон Собиржон тарбия тоғиган ойла муҳитни билан танишади. Бу муҳит ташқарида қараганда жуда кўримли, тартибли, саранжом-сариштали. Собиржоннинг буваси кўпни кўрган, ҳаётнинг пасти-баландини биладиган, тадбиркор бир одам. Дадаси Қодиржон машҳур механизатор, эл кўзига тушган ташқиلى пахтакор. Лекин ҳар бир оиласда бўлгани сингари бу ойланинг ҳам зимдан разм солиб қаралса ўзинга яраша потекис жойлари — Собиржонининг ойиси Соттихонининг ҳавоий орзулари, миннатли қилиқлари ўқувчини жиндай сергаклантиради. Она ҳушига келганида — унда ҳам шароит тақозоси билан тарбия ҳақида ўйлаб қолади. Бу билан айтмоқчимизки, Собиржон бола учун энг азиҳ, энг қимматбаҳо парса — ота-она меҳрига тўймай ўсади. Тўғри, Нодир бува астойдил певарасининг тарбияси билан шуғулланади. Бу албатта етарли эмас ва бишобарин, тарбияда кемтиклик пайдо бўлади. Боланинг дадаси чўлқувар Қодиржон aka ҳамиша иш билан бандлиги туфайли тарбия учун вақт топа олмайди. Етмишдан ошса ҳам қўлидан болтаси тушмаган Нодир бува у ёқ-бу ёққа кетганида гоҳо унинг йўқлигини билинтирумай Собир

қуйманишга тушади. Ҳагто бир куни у қўшилари чиқариб берган тикув машинасини «текширмоқчи» бўлиб буткул синдириб ҳам қўяди. Ҳуллас, Собиржонининг оиласадаги саргузаштлари, унинг дадасини излаб чўлга бориши, сув тошқинига дуч келиши анича қизиқарли тасвиirlаинган. Унинг ойиси Соттихон отарчиллик билан овора бўлиб, оиласи ташлаб қўяди, буваси ўз ёғига ўзи қоврилиб, ранги чиқмайди, Собиржон ҳам гарангисиб қолади. Собиржон Тошкентга ўқинига боришини ўйлади, ойисен унин оиназлийка ишга жойлаб қўймоқчи бўлади. Шу тариқа Собиржонининг саргузаштлари китобхони кўз ўнгидаги аниқ гавдаланади. Бу фазилат Собиржониниг шаҳарда кечгани ҳаётни тасвирида ҳам сезилади. Тўгри, кўни ҳолларда қаҳрамони маънавий оламида рўй берастган ўзгаринилар тасвири ўринини узундан-узоқ баёнлар эгаллайди. Шу иуқсон туфайли унинг Сўфиев билан учрашувлари, безорилар билан тўқиашуви, ётоқхона ва устахонада кетма-кет рўй берган воқеалар тасвири керагидан ортиқ даражада чўзинб юборилган. Аммо унинг иштим олами, Раиса билан қилингани сұхбатлари, зарур буортманин ясаш учун иштилишларни қизиқиши билан ўқилади.

Ҳамид Ғуломининг «Капитан Арбусониниг ўғли» китобига кирган ҳикоялар, мақолалар реал фактлар, воқеаларгоҳо адабининг ҳаёт ва адабиёт ҳақидаги ўйлари, фикрлари, мулоҳазалари билан алмашиниб туради. Бу ҳолиса турли ёшдаги китобхонларда кучли қизиқиши уйготади. Масалан, китобдан ўрин олган Куба ҳақидаги ҳикояларда номи тилларда достон бўлган Съерра Маэстра тоғларида рўй берган инқиlobий воқеалар, озодлик оролининг афсонавий қаҳрамонлари Фидель Кастро ва Раул Кастроларининг оддий халқ орасида тутган мавқен, ҳурмат-эътибори, самимий ишонлиги ҳароратли сатрларда берилади. Команданте Фидельнииг чет эл меҳмонлари билан учрашув пайтидаги хатти-ҳаракати «бу новча, барваста, оқиши юзида шинкоат барқ уриб турган кенг нешанаси, калта қора соқоли, беретини чап қулоғига бостириб кийи-

ини, хушчақчақлиги, ҳар күм билан гурунглаша билиши — айни вақтда унинг ўйчан кўзлари китобхон кўз ўнгидаги гавдаланади. Куба қоролли кучлари министри Раул Кастронинг оддий меҳнаткашлар билан учрашувлари, солдатлар орасида тутган мавқеи, унинг революция йўлида жонини фидо қилган кубалик ватанпарварлар ҳақида тўлиб-тошиб айтган нақллари кимни ҳаяжонга солмайди, дейсиз.

Китобхон кўз ўнгидаги Куба революциясини амалга оширишда иштирок қилган балиқчи Карлос Гарсиа ва Батиста солдатларининг боплаб адабини берган Тони Гарсианинг жасорати тарихи ҳам, янги тузумнинг шарофати туфайли миллий кутубхона директори мавқеини эгаллаган Мария Тереса Фрейре де Андреаде хоним, Куба оролининг Марказига жойлашган Санта Қларанинг инқилобий шон-шуҳрати, одамлари, Куба аёллари орасидан бириничилардан бўлиб отилиб чиқсан Ольга Чеварранинг мардлиги, шижаоти тарихи, бугунги Куба ва ажойиб ватанпарвар одамлари намоён бўлади. Булар орасида Фидель Кастронинг жанговар ёрдамчиси Қапитан Арбусионинг ўғли, ўн уч яшар озғини, пакана бола Эрнестонинг образи алоҳида ажралиб туради. Ёш ватанпарвар Эрнесто қизлар батальонининг разведкачиси бўлиб ишлайди. У душманлар жойлашган ерларга деҳқон қизи кийимида боради, аччагина муҳим маълумотлар олади. Шу тариқа у Фидель Кастро партизапларига катта ёрдам беради. Эрнесто Қубада ииқилоб галаба қозонса ҳам автоматини қўлидан қўймайди. «Эрнесто мактабга қатнаётган бўлса ҳам, автомотини қўлидан қўймайди. У нега автомат кўтариб юрибсан? — деган саволга:

— Агар Америка босқинчилари ватанимга бостириб кирса, ер тишилатаман — деб жавоб беради».

Адид озодлик оролининг ҳаёти, манзараси, одамлари ҳақида тўлиб-тошиб куйлайди. Аммо Ҷазоир ҳақида ҳикоя қилувчи «Жазоирда тонг» (Мағриб қўшиғи) ҳикояларида янги ҳаёт қуриш иштиёқида ёнган Ҷазоирликларга

ҳамдардлик билдиради. «Жазонир ҳалқи, — деб ёзади адид, — шу қадар ҳисобсиз уқубатлар чекканки, уни сўз билан ифодалаш амри маҳол. Буни куйй билан ифодалаш мумкин». Ҳа, ёзувчи «минг-минг қора кулбалар бир-бирига тирмашиб, қашшоқликнинг аянч тимсоли» ҳисобланмиш ғариблар кулбаси — Бидонвиллии кўрганида ҳам, Қабиғия вилоятининг маркази Тизнузудаги поликлиникага борганида ҳам ана шу туйгуни ўз бошидан кечирган. Бу туйфу, айниқса «Анри Аллег ва унинг дўстлари» ва «Франция фожиаси» ҳикояларида яна кучлироқ акс этган.

Анри Аллег Жазонрининг миллий қаҳрамони. Унинг «Қийноқ остида сўроқ» китобининг довруғи бутун дунёга тарқалган. Француз мустамлакачиларининг Жазонир ҳалқига қарши босқинчлилк урушини фош қилган бу асарга Франция мукофотининг берилиши ва мамлакатда маданият заршунослари уруш зўравонларидаи аинча зўр эканини кўрсатувчи яна бир далилдир. Қенг пешанасини иккι қатор ажин тилган, чаккасида билинар-билинмас ямоги бор бўлган бу журналист ажойиб нисон, оташин инқилобчи, Жазонир ҳалқининг бахт-саодати ва келажаги йўлида бир зум ҳам тинмайди. «Франция фожиаси» деб номланган ҳикоя мустамлакачиларниң жиркач ва қабиҳ ишларига қўйилган кескин айнома. Бир пайтлар ер-сувлар хўжайини бўлган мулкдор Ребо ўз юрти — Францияга қувилган бўлса ҳам, ўтмишини қўмасб Жазонрга келишини кандо қилмайди. «Тўлачадан келган, ўрта бўйли, кичкинагина мўйлови бурни тагида нашшадай қўндирилган, кўзлари ўйноқ, тиниб-тиничимайдиган бу одам, «туни билан ухламай, йўқотган фойдаларининг процентларини чиқиллатиб санагани-санаган. Эрталаб нонуштага кўз осталари кўкариб, кўзлари нурсизланиб тушади».

«Барибир, Жазонир Франциясиз яшайдайди, — дейди у, — кеча ерларимни бориб кўрдим, бир тўда оёқ яланглар тузган камбагаллар комитети эгаллабди. Ҷумғир қуийшини қарамай, тартибсиз дон сочиляпти. Ўйинши бўлса, жўл-

дурвоқпилар эгаллаб олишибди. Қапи, аввалги ҳаммом, сокинлик, қани, у мусиқий, рақс!»

Адиб Жазоирнинг қайси бир жойига бормасин озодлик нурларини кўради. Жазоирликлар билан бирга қувонади, уларнинг бунёдкорлик ишларига тахсиллар ўқийди. Лекин китобининг Япония ҳақида ҳикоя қилувчи «Минг турна» деб номланган қисмида бошқача турмуш манзараси гавдаланади. Бу ерда бир амаллаб оиласини боқиши дардида ҳаётнинг турли кўчаларига кирган ишсизлар, ўз она юртидан янкиларни ҳайдаб чиқариш дарди билан ёнган оддий японлар, Хиросима ва Нагасаки фожиаси азобини тортаётган болалар, аёллар, кексалар билан танишамиз. Япон пиёласида Хиросима фожиасини гавдалантиришга иштилган рассом Огова-Сан ва унинг ажойиб рафиқаси Сато-Сан, гейшалар уюшмасининг таъсирига тушиб қолган Казуко, ёши элликларга бориб қолган, ияги, бўйнидаги куюқдан қолган ямоқлар, ўнг қўлинишга бир-бирига қопланган бармоқлари, паникасила жароҳат излари кўриниб турган Икава-Саннишг сўзлари ва ишларида ишқплобий рух кўриниб туради.

Хиросима фожиаси «Минг турна» ҳикоясининг қаҳрамони Томоко тақдирида кучлн акс этган. Бошқа Япон қизлари каби, Томоко ҳам ўрта бўйликини, жажжигина, бежиримгина. Дугоналари каби унинг ҳам руҳи маъюс, қисиқ қурагай кўзлари ўйчан. Унинг ота-онаси ҳам нур касалига йўлиққап. У «Нур касалидан» қўрқиб узоқяқин оролларга тарқалиб кетган кишилар, дардини яшириб эрга теккан қизлар ва улардан тугилган майнб болалар, тўй кечаси беҳуш ишқилган бемор куёвлар, кўчаларда соялардек жимгина кезиб юрган телбз чолкаминрлар ҳақида кўп эшитган, уларнинг баъзиларини ўз кўзи билан қўрган. Энди у фақат бир нарсанн ўйлайди: қандай қилсам дадам тузалади? Қандай қилсам онам руҳий касалтиқдан қутулади, у мактабда минг турнанинг баҳт келтиришини эшитиб қолади. Агар қоғоздан мингта турна ясалса баҳтии чақирган бўлади. Шу тариқа

Томоко тунни кунга улаб, эски дафтар муқоваларидаи, оқ, қизил, кўқ, сариқ қозголардан турна ясайди. «Токио минораси» ҳикояси қаҳрамони Эми Миуранинг тақдири бундан ҳам фожиали. У Нагасакидан саккиз километр масофадаги қишлоқда туғилди. Шаҳар марказида атом бомбаси портлаганда у ҳали бир ёшга ҳам тўлмаган чақалоқ эди. Қизнинг онаси бундан ўн йил аввал бирдан ҳушидан кетди-ю, қайтиб ўзига келмади. Отаси балиқ овлайди. Эми Миура ҳардоим отаснга ёрдам беради. Лекин ҳар замон-ҳар замонда ўзини лоҳас сезади, боин айланади. У бир амаллаб иш тоини мақсадида Токиога жўнайди. Бу ерда бир йигит билан аҳди-паймон қилишиб, турмуш қурмоқчи бўлишади. Аммо нур касалига йўлиқкан Эми Миура тўй арафасида вафот қиласди.

Кейинги йиллар болалар адабиётида илмий фантастика жанри тобора кўпроқ ўрин эгалламоқда. X. Шайховнинг «Рене жумбоги» ва Т. Хобиловнинг «Фалак» қиссалари, М. Маҳмудовнинг «Мен-мен эмасман» ҳикояларида Жюль Верн ва Г. Уэлснинг, Р. Брэдбериининг ҳамда ака-ука Стругацкийларнинг таъсири сезилади. Бу асарларда саргузашт интригаси ҳали ҳал этилмаган илмий муаммолар, шунингдек муҳим ахлоқий масалалар билан чатишиб кетади. Лекин фантастик китобларнинг энг яхшиларида ҳам инсоннинг руҳий дунёси теран таҳлил этилмайтгани афсусланарлидир.

Аввалгидек, эртак — болалар адабиётининг эиг оммавий жанри бўлиб қолмоқда. Эртакка бўлган эҳтиёж ўқувчиларда шу қадар кучлики, ўз ижодий ўйнилиши шуқтап назаридан қараганда, эртак жанрларидаи узоқ бўлган: А. Алексин, Ю. Яковлев, С. Баруздин, В. Петкевичюс, Б. Чалий, Г. Михасенко, Д. Кугультинов, К. Тангриқулиев каби адиллар ҳам бу жанрга мурожаат этишиди. Бугун кўплар эртак ёзмоқда. Лекин жуда кўп ҳолларда гоявий пият ва унинг бадиий ифодасининг янгилиги ўринини халқ эртакларини жўнгина айтиб бериш эгаллаётир. Бундай пайтда халқ бадиий оғзаки пижоди наму-

наси ўзининг бош хусусиятини, бетакрор ва тагдор юморини, адабий тилининг ифодалилиги ва образлилигини йўқотади. Албатта, гап олтинни мисга айлантиришга қарши кураш олиб борини тўғрисида бораётир. Аксар вақт одатдаги ҳурмат маънавий фазилат деб талқин қилинади.

Ҳа, биз ўсмирлар адабиётининг тарбиявий ролига кўн эътибор берамиз. Лекин бош гапни: ёшлар ҳақидаги ва ёшлигарга атаб ёзилган асарлар аввало санъат асари бўлиши лозимлигини унудиб қўяётганимиз йўқми?

Юзаки, яланғоч, қуруқ дидактикага қарши, ўсмирларга бағишлиаган китобларнииг бадинийлигини сусайтириб юборадиган дидактикага қарши,— ҳақиқатан ҳам,— мутлақо ва қатъни равишда, муросасизлик билан курашиш керак. Ўқувчига уқувсиз косиб қўли билан, асарга елимлаб ёпиштирилган «ўгит»лар эмас, балки ёш замондошимизнинг бутуп тўлақонлилиги ва мураккаблиги билан қўрсатиб берилган бой ички дунёси, қарама-қаршиликлари билан ифодаланган ахлоқий изланишлари, бир сўз билан айтганда, бу сўзининг тўла маъносида, шахснинг қаҳрамонона хатти-ҳаракатлари ва кечинималари керак. Фақат ана шу асосда таркиб топган образларгина улардан талаб этиладиган этик ва эстетик юкни кўтара олади, шунда қўзланмаган мақсадларга хизмат қиласидиган бўлиб қолмайди, балки ҳақиқий тарбиявий роль ўйнайди.

## ♦ ШЕЪРИЯТДА ГРАЖДАНЛИК РУҲИ ♦

Сентябрь ойининг бошларида Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхознинг катта клубида қизғин шеърият кечаси бўлди. Колхоз клуби шеърият шинавандалари билан лиқ тўлди. Залга синчнклаб қараган одам тингловчиларнинг асосий қисми болалар ва ўсмирлар эканини дарров сезиб олиши мумкин эди. Бирин-кетин минбарга кўтарилиган шоирлар камида беш-олтитадан шеър ўқишиди. Аммо бир хил ўқилган «жиддий» шеърлар жимгина кутиб олинди, уларга деярли қарсаклар чалинмади. Бу ғайритабиий ҳодисани кўриб ҳайратга тушган болалар шоирларидан бири залга мурожаат қилиб деди:

— Шу қутлуғ минбарга чиқиб шеър ўқиган ҳар бир шоирнииг ўзига хос услугиши, адабиётда эгаллаган лойиҳа ўрни бор. Шеърни тушуниш, ҳис қилиш учун юксак маънавий олам, гўзал тўйғу ва нозик дид бўлиши керак. «Темирлар ўйини», «Нафисаой билан Қишишжон», «Салимжон — нимжон» типидаги ҳажвий-юмористик шеърлар ўқилганида қарсак устига қарсак чалишиб, зални гумбурлатиб юбординглар. Афсуски, жиддий гражданлик руҳи билан суғорилган айрим шеърларни жимгина, бесас кутиб олдинглар.

Шу билан ҳалиги шоир сўзини тугатиб, минбардан тезгина тушиб кетди. Лекин гувуллаган зал дарров тинчиб қўя қолмади. Шеърият шинавандалари Мирализ Аъзам, Турсунбой Адашбоев, Ҳабиб Раҳмат, Сафар Бар-

ноев, Рауф Толипов, Аивар Обиджонларининг фалсафий, лирик, ҳажвий-юмористик шеърлари ўқилишини қатъий талаб қилишди. Бир зум ўтмай ҳали минбарга чиқиб «жиддий» шеърлар хусусида сўз юритган шоирнинг ўти-ти барчанинг хаёлидан чиқиб кетди. Хўш, ўша шоир жиддий шеър иборасини қўллаганида нимани назарда тутди экан? Ҳар қалай, жиддий шеърлар деганида чуқур ижтимоий мазмун ташувчи асарларга ургу берган бў-лиши аниқ. Мабода бу фикр, мулоҳаза тўғри бўлганида ҳам яна бир қанча саволларга жавоб топиш лозим бўла-ди. Гоҳида чуқур ижтимоий мазмун ташиган шеърлар ҳам кичкинтоларниpg ҳурмат-эътиборини қозонмай, йиллаб китоб магазинларида чаңг босиб ётади. Демак, асосий гап шеърнинг мавзуси ва илгари сурган поэтик гоясида ҳам эмас. Долзарб мавзу, теран фалсафий фикр болаларнинг руҳий оламини бойитишга йўғрилмаса, шунчаки «ўлик сўзлар» тизмасига айланиб қолади. Шу сабабли шоирлар олдида икки масала кўндаланг бўлиб туради: биринчиси, кичкинтоларнинг руҳий дунёсини бойитишга, дунёқарашини шакллантиришга хизмат қи-лувчи фикрларни қаламга олиш; иккинчиси, ёзилган шеърларнинг баркамол санъат асари сифатида жа-ранглаши. Ахир, С. Маршакининг «Ёнғин», «Почта», «Мистер-Твистер», К. Чуковскийнинг «Мойдодир», «Док-тор Айболит», «Паша-хархаша», С. Михалковининг «Стёпа амаки», Қ. Мұхаммадийнинг «Темирлар ўйини», «Нафисаой билап Кишмишжон», «Душ», Қ. Ҳик-матининг «Тутун», «Мих», П. Мўминнинг «Салимжон-нимжон» сингари шеърий асарларининг турли хил онг, тушунча, савиядаги китобхонлар орасида кенг обрў, эътибор қозониши сири нимада?

Бу фикрлардан келиб чиқадиган хулоса шуки, бола-лар шоири деган қутлуг номни қозонишига чоғланган одам юксак савиляли, замон талабларини чуқур ҳис қи-лувчи, кичкинтоларнинг маънавий оламини бутун му-

раккаблиги билан акс эттиришга кучли эҳтиёж сезувчи, нозик таъб ҳам бўлиши лозим.

Шеъриятда гражданлик руҳи мавзуси бўйича фикр юритишдан аввал С. Баруздининг «Болалар адабиёти ҳақида мақолалар» деб номланган китобида берилган бир ҳикояни айлан келтириб ўтмоқчиман.

«Дўстлик уйнда учрашув ўтгаётир,— деда сўз юритади С. Баруздин.— Бу ерда эзгу, яхши, баъзан эса, мураккаб, яъни ҳар турли учрашувлар бўлади, аммо буниси қандайдир бошқача, кўнгилга ўтирамайдиганроқ. Бир гарбллик меҳмон кўнгли учун ўтказилгаётган учрашув. Биз ҳаммамиз кўриб-билиб турибмизки, у ҳеч нарсани сира тушуигиси йўқ. «Болалар адаби!» Лекин «катталар адаби»дан кўра кўпроқ билиши ва тушуниши керак. «Катталар адаби»нинг китобхони ҳам катта. «Болалар адаби»нинг эса...

Учрашувни С. Михалков олиб борарди.

— Демак, сизларда ҳамма нарса сиёсат, сиёсат; ҳатто болалар китобларидаи ҳам сиёсат сирқиб туради!

— Сизларда-чи?

— Биз нима ёсак... шуни нашир қиласмиз, — деди меҳмон.

— Бу ҳам сиёсат,— деди С. Михалков.— «Биз нима ёсак»— дегани нима? Болаларни сиз яшаб турган мамлакат ҳаётидаи, унинг муаммоларидаи бошқа ёққа олиб кетаётган китобчалар деганими? «Галинг сираси, бўлаҗак гражданлар, келинг, мавҳум бир дунёга, борингки, ҳатто нариги дунёга кетамиз, социализм билан фаровон турмушни биз учун бошқалар қуриб беради» деганими?

— Биз Сизнинг «Стёна амаки» деган китобингизни босиб чиқардик,—деди меҳмон.—Бундан ташқарин...

— Лекин, «Стёна амаки» сиёсий китоб,— деб гапни бўлди Михалков.— Сиз уни ўқидингизми ўзи?

— Мен ўзим ўқиганим йўқ, лекин эшитдим,— деди меҳмон...— Бу ерда сиёсат нима қиласди? Бу — хушичақчақ бир китоб, шеърлар...

— Хушчақчақ китоб сиёсат, шеърлар ҳам сиёсат!»<sup>1</sup>

Сергей Михалковнинг бу ибратли сўзларини шунинг учун ҳам атайлаб тилга олаётимизки, сўнгги йилларда айрим болалар шонрлари жиiddий мавзуларга қўл уриб, нуқул қуруқ панд-насиҳат, ўғит қилиш билан овора бўлиб қолмоқдалар. Натижада «жиддий» мавзуларнинг мавқеи анча насайиб, ҳиссиз, рангсиз, нуқул шалвираган сўзлар тизмаси кўпайиб кетмоқда. Бугунги кунда ҳеч кимга сир эмаски, болалар ва ўсмирлар ҳаётида информациянинг роли бекиёс даражада ошиб кетди. Шунчаки панд-насиҳат, шунчаки ўғит, шунчаки сўзлар тизмаси тўқиши, табиий равишда кичкинтойларнинг энсасини қотиради.

Бир пайтлар С. Маршак болалар адабиётини «Кенжак ўғилнинг кўчаси» деб атаган ва шу кўчада яшовчи болалар ҳақида баркамол асарлар яратиш ғоясини илгари сурган эди. Мана шундан бери орадан кўп йиллар ўтди. Эндиликда «Кенжак ўғилнинг кўчаси» ҳам, ундаги болалар ҳам таниб бўлмас даражада ўзгарди.

Келажакнинг гагаринлари, королевлари, курчатовларн, шолоховлари, маршаклари шу кўчада яшаб, шу кўчада илм олаётганлиги ҳаммамизга маълум, улар дунёда рўй берадиган барча воқеалардан хабардор.

Айтишларича, Қарл Маркс «Капитал» асарининг ғоясини бойлар билан камбағаллар орасидаги тенгизлилкка асосланган муносабатлар, яхшиликнинг ёмонлик устидан галаба қозониш масаласини болалар онгига етказиш учун кўп ўйлаган ва ниҳоят сеҳргар ҳақидаги ажойиб эртакни тўқиб чиқарган экан. Сеҳргар Ротли Ганс кун бўйи қўғирчоқ ясаса ҳам, унинг қўғирчоқларини капиталиниг вакили ҳисобланган қассоб йиғишириб олаверган. Қараигики, ақлли қўғирчоқлар турли хил йўллар билан сеҳргарнинг уйига бирин-кетин қайтиб келишаверган. Маркс сеҳргар билан қассоб орасидаги кучли зиддиятларни кўрсатиш

<sup>1</sup> С. Баруздин. «Заметки о детской литературе», Москва, Изд-во «Детская литература» 1975, стр. 27—28.

орқали эзгулик билан ёмонлик орасида рўй берган кураш ҳақида ажойиб эртак яратган.

Гафур Ғуломнинг «Ўйлашин ўрганамиз» деган шеърн бор. Унда Мухторжон исмли бола олти ёшга тўлган синглиси Мунисхондан ўйлашни билин-билимаслигини сўрайди. Табиний, синглиси дастлаб акасининг ғалати саволини «ҳазм» қила олмайди. У ҳам ўз навбатида худди шу савол билан акасига мурожаат қиласди. Ҳамма болаларда бўладнган қувлик, кеккаймачоқлик, қизиққоилик. Бир-бирини мот қилиш истаги акаси билан синглисида ҳам озгинади бор. Мухторжон синглисини қойил қолдириш ниятида дейди:

— Мана мен ўйлаяпман.  
— Нимали ўйлаяпсан?  
— Жуда кўп ўйлаяпман:  
Морожпайдан тоғ бўлса,  
Пуқул гилос бօғ бўлса,  
Бир қозон қаймоқ бўлса,  
Туядай пишлоқ бўлса.

Мунисхон ҳам анои қизлардан эмас. Унинг хаёлига келган биринчи нарса шу бўлдикни. «Битта қўгиричоқ бўлса-ю, калити бузилмаса, кўзини юмганида мени ҳам кўриб турса». Синглисининг бу тарздаги топқирлиги акасига унчалик маъқул тушмайди. У ўйлашда Мунисхонни «мот қилиш» ниятида «катта бўлганда дада бўлиб, юзта қизи бўлишини» айтганида, Мунисхон киноя билан: «Ҳе, менинг юзта ўғлим бўлади, унинг оти Пухтор бўлади», дейди.

Ака билан синглисиниг тортишуви бир қарашда, болаларининг ўзларига хос ҳазил-хузулларидан иборатдек бўлиб туюлса ҳам, аммо унинг замирида жуда катта маъно бор. Мухторжон билан Мунисхоннинг сўз ўйинида кичккитойларга хос хаёлчанлик, топқирлик ва катталарнинг хатти-ҳаракатларини ўзлаштиришга бўлган интилиш ўз ифодасини топган.

Маълумки, умумсовет болалар адабиётининг таниқли

вакиллари С. Маршак, С. Михалков, А. Барто, К. Мұхаммадиіларнинг зийрак қаҳрамонлари кибернетика, космос, табиат муаммолари билан қызықсалар ва ўзаро тортишсалар, итальян шоири Жанни Родарининг қаҳрамонлари хаёлан бутун оламии айланиб, дунё тақдирига лоқайд қарашмаса-ю, биз ҳадеб уй-ҳайвонлари, дов-дараҳтлар, нарандалар ҳақида жүнгина маълумотлар берини билан овора бўлиб қолсак.

Аммо сўнгги йилларда кичкинтойларнинг ўзларига яраша қизғин фалсафасини акс эттиришга интилиш кучайди. Маълумки, болалар фалсафасининг замирида дунёни танишга, билишга бўлган кучли интилиш мавжуд.

Истеъоддли шоир Ҳабиб Раҳматнинг «Бомба» шеърининг қаҳрамони «амал қуроли бомба» ясайдиган одамлардан жирканади.

Умуман, кичкинтойлар фалсафасини тушуниш, ҳис қилиш, туйиш — болалар шоирлари истеъоддини тайцилайдиган фазилат. Мана шу фазилатни Қуддус Мұхаммадиининг «Табиат алифбеси», Пўлат Мўминнинг «Одоб ва офтоб», Мираизз Аъзамнинг «Ёрга довруқ соламиз», Турсунбой Адашбоевнинг «Арслонбоб шаршараси», Ҳабиб Раҳматнинг «Улоқ солмади қулоқ», «Али билан болари», Сафар Барноевнинг «Дадамнинг қўллари», Рауф Толиғовнинг «Она юрт» тўпламларига кирган айрим шеърларда ҳам кўрамиз.

Кичкинтойларни табиат гўзаллиги билан танишитиринида Қуддус Мұхаммадиининг «Табиат алифбеси» китоби бир қатор ўзига хос фазилатлари билан ажралиб туради. Шоир нима тўгрисида ёзмасин, доимо ўша нарсадан болалар ҳаёти нуқтаи пазаридан маълум маъни топади. Бу маъни кичкинтойларнинг таассуротларини изоҳлайдиган, тўлдирадиган, дунёқарашини шакллантирадиган маъни бўлади. Шоирининг деярли барча шеърлари аниқ сюжет асосига қурилган бўлади. «Табиат алифбеси» тўпламига кирган шеърлар ҳам шу жиҳатдан ибратли. Маълумки, совет болалар адабиётида ишони билан табиатнинг ало-

қасипи акс эттирувчи М. Пришибининг «Турналар юрти», «Замбуруғлар нони», В. Бианкининг «Үрмон газетаси» сингари асарлари ёрқин образлар, тили орқали табиатнинг ўзига хос гўзаллиги, сеҳри, нафосатини тиниқ акс эттиради.

«Болалар китобчаларининг ҳаммаси,— деб ёзган эди М. Горький «Адабиёт болаларга» деб номланган мақоласида,— ҳеч бир мустасиосиз билим берниш лозим деб, ўйламаслик керак. Бизнинг китобларимиз дидактик, қўнол, тенденциоз китоблар бўлмаслиги лозим. Китобларимиз образлар тили билан гапириши, бадиий бўлиши керак. Бизга болада юмор ҳиссини ўстирадиган, қувноқ вақтичоглик учун ўқиладиган китобчалар ҳам зарур». Ўз фикрини давом эттириб, буюк адаб болалар учун ўсимликлар олами, ер марказига саёҳат, материалларнинг қаршилик кўрсатиши, техникада бўшлиқнинг аҳамияти, ўлчов ва оғирлик, инсоннинг тузилиши ҳақида ҳам асарлар ёзишини таклиф қиласди. Негаки, болаларнинг ҳар қадамда учраб турувчи «нима учун» деган саволларига жавоб берниш осон эмас. Бир пайтлар Б. Житков журналистларнинг «ижодий ниятларингиз ҳақида сўзлаб беринг» деган саволига «Нима учун» мавзуда асар ёзмоқчиман ва бу асаримда болаларнинг мураккаб руҳий оламини акс эттироқчиман, деб жавоб берган эди.

Қуддус Муҳаммадийининг «Табиат алифбеси» китобида ҳам зийрак ва уқувли болаларнинг кўнглиса «нима учун» ларига жавоб берилган. Китоб саҳифалари орқали шонир тут—шотутнинг минг бир дардга даво шарбати, бодга даво бодом, ҳил-ҳил бўлиб пишгунча ранги саргайиб кетгани ўриклар, меваси кичиклиги туфайли қизариб турувчи олчалар, ерга кўзу қош бўлиб ўсувчи узумлар, гулласа ҳам мева қилмайдиган толлар, чўтири тиканак игнали итбурунлар, барглари аччиқ бўлса ҳам, меваси ширин шафтотлилар, қурт-қумурсқа еб кетмасин деб, болаларини авайлаб ўстирадиган ёнгоқлар образи китобхон кўз ўнгидаги рўй-рост гавдаланади. Гоҳо табнатнинг гўзал ман-

зараси чизилади, гоҳо дов-дараҳтларининг бири-биридан қизиқ сұхбати берилади. Гоҳо болалар тилидан мевали дараҳтлар ҳақиқида қизиқарли ҳикоя айтнлайди. Масалан, Эркинжон исмли бола шоирининг «Үрик дараҳти данак боласини қандай яхши күради» деган саволига үзига хос оқилюна жавоб беради:

Бизнинг бодга ўсар қантак ўрнажон  
Ҳар баҳорда ошоқ чаман гул ёяр,  
Гулларни ранго-ранг атлас нур ёяр.  
Гуллар шамалоқ довуучча түгар.  
Довуучаси муш-муш шохларни эгар.  
Довуучча гүраси етилар тезда,  
Гүраси шишида ҳолвадай ёзда.  
Холваси ичида данак бўлади,  
Дашагида магиз бўлак бўлади.  
Магиз бўлак нарда йўрғак ичида  
Магиз ёққа ўралган гўдак ичида,  
Гўё бўйрак, қуриқ ёғи ичида.  
Еса тайёр қаймоқ оғиз ичида.  
Ўраб-чирамаб, эҳтиётлаб қўяди,  
Данак боласига жони кўяди.

Қуруқ насиҳат ёш китобхонни чўчитлади, беҳдиради. Лекин ҳақиқий болалар адабиёти образли, магизли ўғитсиз бўлмайди. Ҳамма гап ўғитни, панд-насиҳатни шеър қалбига сингидиришда. «Табиат алифбеси»га кирган кўнгина дидақтиқ, баъзан қувноқ шеърларда шоир ўз «қаҳрамонлари» даги камчиликларни кулгига билан ҳажв қилилади.

Пўлат Мўмин шеърларидаги табиий туйғулар, самимий оҳанглар, беғубор маизаралар, қувноқ сатрлар, бир чимдим шичинглар болаларининг маънавий оламини бойинтишга хизмат қиласиди. Шоир шеъриятига хос бўлгани бутарздаги фазилатларининг маибалаарини ўрганишига интилиб кўрдим. Билсам, шоирининг шахсиятидаги фазилатлар шундекқина унинг ижодига кўчган-қўйған экан. Ҳадарвоқе Пўлат ака билан илк марта сұхбат қилган одам ҳамиша унинг кулиб турувчи мулойим чехрасини, лутф-

ларини, ҳазил-мутойибаларини, гоҳо бир чимдим кинояларини ёқтириб қолади.

Шоир баъзан ўзаро сұхбатларда ижод қилишнинг нақадар қийин ва мاشаққатли иш экани, айрим ёшлар ва ҳатто «суяги қотган» шоирларнинг шоша-ниша, хом-хатала шеърлар битаётганини айтиб қолади. Дўстлари ва шогирдлари ижодига нисбатан талабчан шоир ўз шеърларининг ҳам ғоявий-бадиий жиҳатдан баркамол бўлиши устиди жиддий ўйлайди. Масалан, унинг «Пахта қўшиғи» мана печа йилдирки кичкинтийлар тилидан тушмайди. Байрамларда, пионер сборларида, тантанали йигилишларда албатта шу ашула айтилади:

Олтин пахта оқ пахта,  
Биз сенга иноқ пахта.  
Ҳосилинг мўл бўлганданда  
Ҳаммамиз қувноқ пахта.

Пўлат Мўминининг кичкинтийлар учун ёзган ҳар бир ашуласи, тез-тез ўзгариб турувчи ўйноқи оҳангиги, ритми, ҳар бир сўзициг тежаб ишлатилиши, турли хил шакллардан унумли фойдаланиши билан ажralиб туради. Шу туфайли бу хилдаги қувноқ ашулалар болалар ҳаётига тезда сингиб кетади.

Бу фикр шоирнинг ҳажвий-юмористик шеъларига ҳам таалуқли. Витамин сингари шифобахш кучга эга бўлган бундай шаърларни ўқишингиз билан лабингиз кулгуга жуфтланади. Ҳам куласиз — ором оласиз, ҳам дангаса, бебош, бегам, танбал болаларнинг хулқи, одати билан танишасиз.

Бултур ёзда бир гурӯҳ ёзувчилар кичкинтий китобхонлар билан учрашиш ниятида Хоразм обlastининг мактабларида бўлдик. Биз бўлган мактаблардан бирида Пўлат Мўминининг «Салимжон-нимжон» шеъри машҳур экан. Ҳатто ўша мактабда ҳамиша «ники» баҳо олиб ўқувчи — қолоқ, дангаса болаларни ҳажв қилувчи «Салимжон-шимжон» деб номланган деворий газета ҳам бор экан.

«Салимжон-нимжон» шеърининг болалар орасида бунчалик машҳур бўлишининг боиси нимада?

Салим, Салим, Салимжон.  
Бунча бўлдинг сен нимжон?  
Копток мисол семирдинг,  
Гўё танинг ҳамиржон,  
Салимжон, нимжон.

Хеч бир чиқмай офтобга,  
Рангинг ўхшар бетобга,  
Нйқу босиб кўзингни  
Каролмайсан китобга.  
Салимжон, нимжон!

«Салимжон-нимжон» шеърининг ҳар бир сатри ўйно-қи, оҳанги товланиб, жиҳимрлаб туради. Шу сабабли уни яйраб-яйраб, кулиб-кулиб ўқилади-ю, бегам, ишёқмас болаларининг «юзига тарсаки» бўлиб урилгандай бўлади. Бу ҳодисанинг ўзинга ҳос муҳим бир сабаби бор. Шоир болалар ҳаётини беш қўл панжасини қандай билса, ўшандай яхши билади. Ҳамиша ўз ўқувчилари орасида — мактабларда, пионер лагерларида тез-тез бўлиб туради. Шоир шеърларининг болалар ҳаётига тез сингиб кетишининг сири шунда.

«Кунлардан бир кун,— деб ёзади Пўлат Мўмин,— қў-лимга бир ўқувчининг дафтари тушиб қолди. Уни бундай варақлаб кўрсам, кўзим тиниб кетди. Бундай қинғир-қийшиқ ҳарфлар кўпчиликда учрашини билардимку, бунақа ғалатисини биринчи кўришим эди. Шу ҳақда шеър ёзишни ўйлай бошладим. Охири «Парпининг ҳарфи» деган шеър ёздим. У «Гулхан» журналида босилиб чиқди. Шундан кейин андижонлик бир ўқитувчидан қўйидағнча хат олдим: «Худди сиз айтган гап, мен ўқитаётган 3- синиф ўқувчилари орасида ҳам топилди. Кўпчилик болалар янги дафтарга ўтишлари билан уларнинг ёзуви бузилиб, ҳарфларни қинғир-қийшиқ ёзадиган бўлиб қолишли. «Парпининг ҳарфи» шеърингизни дарсда ишлаб чиқдим. Ўқувчилар уни ўқишиб ҳам хурсанд бўлишди, ҳам кулишди.

Кўнчиллик болалар энди яхши ёзишга ҳаракат қилишияти».

Шоир ижодидан конкрет вақеалар таъсирида ёзилган яна кўплаб ҳажвий-юмеристик шеърларни мисол таринкасида келтириш мумкин.

1959 йили Москвада бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати декадаси даврида Пўлат Мўминининг асарлари Москвалик адаблар ва мунаққидлар тилига тушди.

«Пўлат Мўмин ёътиборни жалб қиласиган шоир, — деб ганирган эди ўшаида таниқли болалар ишонраси Агния Барто. — Унинг «Эҳ, роса ширни экан» («Мирзачўл қовуналарни») жуда ажойиб шеър. Унда жозибадорлик ва аниқ, сюжет бор. Сюжет ҳамишиша шеърда тартиб ўриатади. Ортиқча нарчаларни чиқариб ташлашга мажбур этади, сюжет вақеаларни композицои изга солишга ёрдам беради».

Шоирнинг илҳом билан йўғирилган ижодий меҳнати туфайли «Тўғри ўсган гул бўлар», «Ақл қаерда бўлар», «Энди адашмайди», «Раҳматга раҳмат», «Газполвои эртак айтар», «Чаңгютар ботир», «Одоб ва офтоб», «Яхшиларга ўхшасам» сингари бақувват шеърий тўпламлар, «ТашМИ қизлари», «Ётти қиз», «Кўйлагим», «Хурсандмисиз, хурсандмиз», «Саёҳат-роҳат» каби дилбар ашула-лари найдо бўлди. «Апрелой билан Майхон», «Чаноқвой билан Қовоқвой» эртаклари, пьесалари китобхонлар тилига тушди.

Миразиз Аъзамнинг шеърларида кичкнитой гражданларининг ҳаёти ва одамлар ҳақидаги фалсафасини тўлдирадиган, бойитадиган ўз фалсафаси бор.

Шоир шима ҳақида ёзмасин доимо ўз ўқувчиларини қизиқтирадиган, ўйлантирадиган масалаларни қаламга олади. «Бир чўнтақ ёнгоқ» шеърлар туркуми муносабати билан: «Енгил тортди ишхонам, шеърий ёнгоқ улашдим. Ёнгоқ, бу бир баҳона, мен ишон деб курашдим. Инсонлар ҳам, ёнгоқ ҳам, турфа хилдир ва лекин тез ҷақади бир одам, ҷақа олмас аллаким», деб ёзади. Шоирнинг бу хил-

даги қиёсларп табиний. Миразиз Аъзам ёнгоқлар баҳонаси билан болалар ҳаётидан бир қатор манзаралар чизади. Шу жиҳатдан унинг «Эсда қолган ёнғоғим» шеъри бир қатор фазилатлари билан ажралиб туради. Бу шеърда бир ёнғоғининг эсда сақланиб қолиш воқеаси берилган. Аслида бу жуда ҳам оддий воқеа. Аммо ана шу оддий воқеа баҳонасида шоир мұхым бир масалани тиљга олади: ҳар күни болалар бөг күчада ёнғоқ ўйнаб юрнинади. Баҳодир деган бола бир ўрганининг соққасини олиб қочади. Ўялиниб-ёлворса ҳам қайтариб бермайди. Шундан кейин у Баҳодирнинг бир туп ёнғоғига кесак отади. Баҳодирнинг дадаси Аҳмад ака суроштириб-нетиб ўтирумай уни койиади. Шоир хулоса қилиб ўтирумайди. Қичкентойлар ўта сезгир халқ. Улар зиғнирдек адолатсизликни ҳам күтара олмайдилар. «Эсда қолган ёнғоғим» шеърининг қаҳрамони ҳам ана шундай болалардан бири. У Аҳмад акашынг адолатсиз мұомаласидан раңжиди. Шунинг учун ҳам «қаерда иисоф күрмаса, Аҳмад акани эслаб юради».

Миразиз Аъзамининг қаҳрамонлары мұхофаза донраси кенг, үқувли, зийрак болалардир. Улар дүнё, уруш, мұстамлакачилик, одамлар, жониворлар ҳақида ўйлайдилар, фикр юритадилар. Бундай болалар билан ҳаёт хусусида суҳбат юритнис, баҳс қилиш учун файласуф шоир бўлишнинг ўзигина кифоя қилмайди. Айни замонда тарбиячи, мураббий ҳам бўла биллии керак. Зеро ҳар бир истеъоддли шоир болаларни ҳаёттй ҳодисалар билан ташштириб-гина қолмай уларнинг тўғри тушунишига ҳам кўмаклашиши керак. Яхшиямки, шоирининг қаҳрамонлари зийрак, үқувли бўлишлари билан бирга айни замонда хаёлпараст болалардир. Улардан баъзилар «етти ёшга кирса,» «осмондай катта бўлишини», «самолётга мишиволиб офтоб олдига кетиш»ни орзу қиласидилар. Яна бошқаларни хаёлан «жиближипон билан гаплашадилар».

Шоирининг қаҳрамонлари хаёлпараст бўлсалар ҳам

одамий бўлишини унутмайдилар, табиат гўзаллигидан завқлана биладилар. Улар «жимжитликнинг ажиг бир оҳангини», барглар ва шохларга ёпишиб олган, аммо офтоб чиққандада «мезонга маржон бўлиб тизилиб олган туман» дан баҳра оладилар.

Миразиз Аъзамнинг «Булут бўлиб қоламан» ва «Йўлини топди» деб номланган шеърлари ҳам бор. Иккала шеърининг қаҳрамонлари шоирининг бошика шеърлари қаҳрамонларига мутлақо ўхшамайди. «Булут бўлиб қоламан» шеърининг қаҳрамонин ўта нозик табнат. Қилча ҳам ортиқча муомалалин кўтаролмайди. У акасига «агар мени урсангиз, булут бўлиб қоламан, узоқларга кетаман, тогларга йўл оламан. Сира қайтиб келмайман, ёмғир бўлиб йиғлайман, сув бўлиб тўпланаман, дарё бўлиб оқаман», дейди. «Йўлини топди» шеърининг қаҳрамони Шернинг хатти-ҳаракатлари ва қилиқлари ўта кулгили. Уни ўртоқлари чўмилишга таклиф қилганиларида «кит, балиққа ем бўлиш»дан чўчийди. Уйига кириб тинчгина ухламоқчи бўлади. У ҳамма нарсадан ҳадиксирайверади. Гўё «Бошидан офтоб ўтса миаси суюлиб қолади» олма тагига кириб ухласа «олма тушиб кўзи чиқиб» қолиши мумкин. Шоир Шернинг ажабтовурлиги ҳақида ҳукмни зийрак китобхонларининг ўзларига ҳавола қиласди:

Шер ақлли бола-да,  
Чора топди бирпаста:  
Каравотнинг тагига  
Кириб чўзилди аста.

Баъзан Миразиз Аъзамнинг шеърларида тасвир меъёрига риоя қилмаслик ҳоллари кўзга чалишиб қолади. Бундай пайтларда унинг шеърларн қуруқ насиҳатга айланиб кетади. Шу хилдаги қусурлар унинг «Қуёши бизни эркалар», «Йўлчилар қўшиғи», «Тонг билан бирга турдик», «Тун» сингари шеърларида аниқ кўринади. Баъзан шоир

шеъриининг сўнгидаги пима демоқчи эканлигига ҳадеб изоҳ бераверади.

Сафар Барноевнинг шеърлари ҳам болалар шеъриятининг мавзу уфқини кенгайтиришга хизмат қилади. Шоирнинг қаҳрамонлари шўх, ақлли, эйирек ва хаёлнараст болалар. Улар «кафтидаги сон-саноқсиз чизиқлар»га қараб умрнинг мазмуниг устида бош қотирадилар, «Чопсам исинарман деб эсаётган шамол, тоигдан қовоғини солиб кутаётган паға буутлар, том тепасига чиқиб қолган палаклар, жунижукканидан «кам-кам нур сочувчи қуёш»га қараб завқ оладилар. Гоҳо улар «расм шуидай чизилар» деб, деворларга ғалати расмлар чизадилар, гоҳо учқур хаёллари ёрдами билан бепоён осмонга чиқиб, қийин масалаларни бир зумда ечувчи машиналар ясашни орзу қиладилар. «Қўғирчоқлар подшоси» эртагининг қаҳрамонлари ҳам катта орзулар, ширин хаёллар оғушида яшайдилар. Шодлик деган кеңг саройда яшовчи қўғирчоқлар подшосининг якка-ю, ягона орзуси — болаларни хурсанд қилиш. Аммо орзу қилиш осон, лекин яшаш қийин. Ҳар қадамда ҳаётнинг ўзига хос «мўъжиза»лари рўй бериб туради. Ҳатто қўғирчоқлар билан болалар дўстлиги учун курашган подшо ҳам гоҳо турмуш проблемалари олдида ўйланиб қолади. Эртакда ҳар бир қўғирчоқ — ўзи юрар машиналар, қайиқчалар, тулкивойлар, мушуклар, қўзи-чоқлар болалар муомаласидан гоҳ ранжиб, гоҳ қувнаб ҳикоя қиладилар:

Яна мажлис давом этар, давом этар.  
Орқадаги қўғирчоқлар оидга ўтар.  
Қўл кўтариб сўз сўради малла кучук,  
Думин ялаб миёвлади аста мушук.  
Қўғирчоқлар подшоси ҳам кулиб қўйди,  
Жим деб тилла қўнғироқни чалиб қўйди.

Эртак болаларни олижаноблик, инсоний меҳрии эъзозлашга чорлайди. Мана шу жиҳатлари болалар шеъриятида ўзига хос мавқени эгаллайди.

Рауф Толипов лирик шоир. У ёш авлодининг она-Ва-

таи, жонажои ҳалқига муҳаббатини, дўстларга, меҳнатга муносабатини лирик планда ёритади. Унинг «Она юрт» тўпламига кирган шеърлари шу хусусияти билан ажратиб туради.

Илк нурлардан водий  
Жилловланади.  
Ҳифқ этаклари  
Тиллоланади,  
Тўймай далаларга  
Қанича қарасам,  
Кўз олади водий  
Киниб беқасам.

Шоирининг шеърларида «қор кўрпага бурканиб, мириқиб ётган ерлар», пахтадан қалпоқ кийган «қуз тоға», ёш боладек кулиб, энтикиб турувчи тоғ, илк баҳор юз очган бишашалар, юлдузгуллар оралаб юрувчи оймоможои, ақл уфқини кенглигги олдида ҳайратга тушган болалар образлари, дениз шоҳи бўламан деб қорин ёрилиб кетган бадиафс Чўртсан саргузашти ҳароратли сатрларда чизилади.

Афусуки, Қуддус Муҳаммадийдек таниқли болалар шоир Рауф Толиповининг ижодий қиёфасини тайинлаїдиган шеърларни таҳлил қилиш ўрнига гоҳида акснича иш тутади. У истеъододли ёш шоирининг «Йлмилар минг яшар» — китобига ёзган сўзбошинин мана бундай бошлайди:

«Рауф Толипов тенгдошлари қатори серҳавас, ҳамма парсага қизиқувчи, излаб-қидириб билувчи, билганини жақжи ўқувчиларга содла, қизиқ қилиб айтиб беришга интилевчи ёш қаламкаш. Менга мана шуниси ёқади. Бунга бир мисол,

Мен кўрдим шундай китоб,  
Ким кўрган бундай китоб.  
Муқоваси самодай,  
Ҳар вараги фазодай,  
Хати юлдуз жимжима,  
Маъноси дениз, кема».

Назаримда ушбу келтирилган мисраларни Рауф Толи-  
повнинг ютуғи деб бўлмайди. Ваҳоланки, тўпламда кич-  
кинтойларнинг маънавий оламини тиниқ акс эттирувчи  
қўпгина шеърлар Қўдлус Муҳаммадийшинг назар-эъти-  
боридан четда қолган.

Рауф Толиев шаънига айтган илиқ сўзларни Ҳабиб  
Раҳмат шеърлари хусусида ҳам айтсан арзийди. Ўнинг  
услубига хос характерли хислат — юморга мойиллик.  
Шонришинг қаҳрамонлари — қувноқ, ҳазил-мутонбани се-  
уввучи болалар:

Қуёш коптоқ юмалар  
Боботог нарёғига  
Болалар гувиллашар  
«Жўнади ётогига»  
— Ўхлашгамас — дер Али  
Ҳам ўзича кулади.  
— Биласизми, у ҳали  
Кечаси ой бўлади.

Китобхонни қулдириш ҳар кимнинг ҳам қўлидан кела-  
вермайди. Бунинг учун истеъоддан ташқари табиий ма-  
ҳорат ҳам бўлини лозим. Фикримизча, Турсунбой Адаш-  
боев, Йўлдош Сулаймон, Аивар Обиджон шеърларида  
қувноқ юмор, иафис мисралар ачагина бор.

Умуман олганда сўнгги йиллар ўзбек болалар шеъри-  
тигининг мавзу донраси хийла тор. Ҳали шеъриятда замон-  
дошларимизнинг жўшқин ҳаёти, ижодий меҳнати етарли  
даражада куйлашмаётир. Айниқса, қишлоқ ҳаётининг тас-  
вири қониқарли эмас. Ёзилган ва ёзилаётган шеърларнинг  
кўпроги кичик мактаб ёшидаги болалар учун мўлжалланган.  
Балоғат ёшига етаётган ўсмирларни кўпинча унтиб  
қўяётпремиз. Уларнинг савиясига мос лирик ва қаҳрамон-  
лик шеърлари жуда кам.

Гоҳо бир эмас, ўнлаб шеърий китобчалардан «ҳуррак  
қўёилар», «ботир айиқлар», «айёр тулкилар», «ваҳший  
бўрилар», «доно қалдирғочлар», «қорин тўймагунча  
тиниб-тинчимайдиган қув мушуклар» (Х. Эрматов «Мақ-

тачиоқ мушук», М. Бобоев «Муштум»), «бир-биридан ширин ҳандалаклар, қовунлар, сабзилар, карамлар» «барглари кўп бинафшалар» (Н. Рўзимуҳамедов «Бинафша») тизмаси саф тортиб, китобхон кўз ўнгидан бирмабир ўтади. Бу хилдаги рангпар, омонат бўлиб турган сатрлар, шеърлар бошловчилар ижодида ҳам, кекса тажрибали шоирлар ижодида ҳам озмунча эмас. Негадир сўнгги наитларда кичкинтоиларни катта ҳаёт билан ташнитирувчи ҳажвий-юмористик шеърлар, сўз ўйинлари, жуда кам ёзилмоқда. Аксинча, қутлуғ, муҳим мавзулар ўта жўн, ҳиссиз баён қилинаётир. Ҳамидулла Ёқубовнинг «Ишчи бўламан» шеърида мана шундай сатрлар бор:

Кўк бўйи бино қуриб,  
Бункердан пахта тўқай,  
Бульдозерда донг қучай,  
Ишчи бўламан!  
Майли қабарсин қўлим,  
Ёш тўкмас ҳечам кўзим,  
Танланган тўғри йўлим —  
Ишчи бўламан!  
Ишчи номи улуғдир,  
Шон-шуҳратга тўлиқдир.  
Касбим жуда қутлуғдир —  
Ишчи бўламан!

Шоирнинг бола тилидан «бульдозерда донг қучай», «ёш тўкмас ҳечам кўзим» — сатрларини ишлатишини тушуниш қийин. Аммо шеър қаҳрамонининг сўзлари поймапойлиги аниқ билиниб турибди. Сўнгра, нега энди катта одам бола тилидан ганириши керак. Болаларнинг ўзларига хос фикрлаш тарзи, тушунчаси, маънавий олами қаёқда қолди. Үмуман болалар шеъриятида кичкинтоилар ролига кириб, сўз юритолмаслик иллати мавжуд.

Совет болалар адабиётининг яратувчиларидан бири С. Я. Маршак «Маяковский болаларга» мақоласида қизиқ бир мисол келтиради.

«Маяковскийнинг болаларга бағишлиланган китобларга

қандай аҳамият берганини чет эллик бир журналист билан қиlgап суҳбатидан ҳам билса бўлади.

Жўриалист буидай ҳолларда бериладиган оддий саволни сўраган.

— Ҳозир нима устида ишлайпениз?

Маяковский:

— Болалар учун китобча ёзиш устида алоҳида қизиқиши билан ишлайпман,— деб жавоб бергани.

— О, бу қизиқ. Бундай китобчаларни қандай кайфиятда ёзасиз?

— Менинг мақсадим — болаларга баъзи бир элементар ижтимоий тушунчаларни тушунтириш. Албатта, мен буни эҳтиёткорлик билан қиласайман.

— Масалан?

— Айтайлик, гилдиракли тойчоқ ҳақиқидаги ҳикоя. Мен болага ана шу отчани яратиш учун қапча одам ишлаганини тушунтиришдан фойдаланаман.. Ёки саёҳатни тасвирлайман ва шу йўл билан болани фақат география билан гина эмас, бошқа нарсалар билан ҳам, масалан, баъзини кишилар — бой, бошқалар — камбагал экани билан ҳам танишиштраман».

Давримизнинг улуг шонри болалар китобига ана шундай жиҳдий муносабатда бўлган. Бизнинг ҳурматли катта шонрларимиз ана шу буюк ашъянани буидан кейин ҳам давом эттиреалар яхши бўларди.

Ташқали болалар шонраси Агния Барто «Комсомольская правда»нинг мухбири билан бўлган суҳбатидан бу гунги болалар ҳақида фикр юрита туриб шундай дейди:

«...фақат зоҳираи, жисмоний вояга етган, лекин маънавий етилиб, ултумраган баъзи болаларни тоҳо зоҳирий балоғат додга қолдиради. Уларда хираки, бачканалик пайдо бўлади, уларга обивателлик ва мешчаплик осон юқади».

Совет болалар ва ўсмирлар шеърияти пешқадамларидан бири бўлмиш бу ажойиб шонранинг кузатишлари бизнинг мулоҳазаларимизни болалар шеъриятининг му-

ҳим муаммоларига ва аввало, кундаи-кун аҳамияти ошиб бораётган лирик қаҳрамон масаласи ўзанига қараб буради. Бу масалада шеърият қанақа билим берини тӯғрисида ўйлар экан, киши бенхтиёр Қулдус Муҳаммадийнинг «Табнат алифбеси», Турсунбой Адашбоев, Ҳабиб Раҳматларниң ҳажвий юмористик шаърларини, Миразиз Аъзамнинг чуқур ижтимоний мазмун ташувчи достонларини, катталар учун асарлар ёзил танилган Миртемир, Асқад Муҳторларниң кинчкитойлар ҳаётини ҳаққоний акс эттирувчи жажжи китобларини эслайди.

Аввалгидек, шеърий эртак — болалар адабиётининг энг оммавий жанри бўлниб қолмоқла. Эртакка бўлган эҳтиёж ўқувчиларда шу қадар кучлики, ўз ижодий йўналиши нуқтаи назаридан қараганди, эртак жанридан узоқ бўлган. А. Муҳтор, Шуҳрат каби шоирлар ҳам бу жанрга мурожаат этишди. Бугун кўплар эртак ёзмоқда. Лекин жуда кўп ҳолларда ғоявий пият ва унинг бадиий ифодасининг янгилиги ўринини ҳалқ эртакларини жўнгина айтиб бериш эгаллаётир. Бундай пайтла ҳалқ бадиий оғзаки ижоди намунаси ўзининг бош хусусиятини, бетакрор ва жанговар юморини, адабий тиљининг ифодалилигини йўқотади. Албатта, гап олтиини мисга айлантиришга қарши кураш олиб бориш тӯғрисида бораёттир.

Хуллас, болалар шеъриятининг қони, жон томири ҳисобланган гражданлик руҳи ҳаётини ҳаққоний акс эттириш, муҳим ижтимоний масалаларни тиниқ, қувноқ сатрларда ифода қилиб бериш маҳоратини тақозо қилади.

## ♦ ПОКИЗА ТУЙГУЛАР ҚУЙЧИСИ ♦

Бу воқеанинг бўлиб ўтганига мана йигирма йилдан ошиб қолибди-ю, аммо уни ҳечам унотолмайман. Ўша пайт кеч куз фасли эди. Далаларда етиштирилган ҳосил аллақачон йиғиб-териб олингган. Куз ҳавосидан қишининг нафаси сезиллиб турарди. Осмонинн булут қоплаб олган.

Ҳузур-ҳаловатини йўқотиб, сурункасига ёмғир ёғади. Тирикчилик ташвишида юрган катталар-у, куни бўйи ўйиндан қўли бўшамайдиган болалар ҳам уйга қамалиб олишган. Ҳар ким нима биландир банд. Бундай пайтларда айниқса болаларга қийин бўлиб қолади. Улар нима биландир овунгиси, ўйнагиси келади. Ана шундай серёмғир куиларнинг бирида мен ҳам уйга қамалиб, зерикиб ўтирар эдим. Бир замонда девор-дармиён қўшнимиз Фозил қўлида китоби билан кириб келди. Қарангки, иккимизга овунчоқ ҳам топилиб қолди. Гоҳида Фозил ўқиди, мен тингладим, гоҳида мен ўқидим, Фозил тинглади. Баъзан китобнинг қаҳрамонлари ҳақида тортишиб ҳам қолардик. Гоҳ тортишиб, гоҳ ҳамфирк бўлиб, Ҳаким Назирнинг «Қўкорол чироқлари» қиссасини ўқиб чиқдик. Ўқиб чиқдиг-у, Қоля билан Қудратнинг ажойиб дўстлиги, ўйинқароқ Раҳимнинг бир-биридан ўтиб тушадиган қилиқлари тасвири билан қизиқиб қолдик, уларнинг ўйлари, тушунчалари, хатти-ҳаракатлари, қилиқлари бизларнинг тасаввуримизни бойтди.

«Қўкорол чироқлари» қиссаси туфайли Ҳаким Назир ижодига хос самимийлик, беғуборлик, одамийлик хислат-

лари бизга маъқул бўлиб қолди. Орадан йиллар кетини қувиб, йиллар ўтди. Ҳаким Назир билан танишиб, дўстлашиб кетдик. Билдимки, самимийлик, беғуборлик унинг шахсиятига хос ажойиб бир фазилат экан. Ҳа, дарвоҷе бу тиниб-тинчимас адиб доимо ишманингдир ташвиши билан юради. Гоҳо газета ёки журналда босилган шеърин ўқиб қолади-ю, дарров унинг авторини тоғиб ганилашади, ёрдам беради, зарур бўлса барча ишларини бир чеккага қўйиб, оқ йўл ёзди. Бугунги кунда ҳеч кимга сир эмаски. Хоснят Лутфуллаевани илк бор адабиёт даргоҳига бошлаб келган ҳам Ҳаким ака. Бир куни ўш шаҳрида истиқомат қи-лувчи болалар шоир Турсунбой Адашбоевининг биринчи тўпламиши ўқиб қувонгани, нашриёт директори билан тў-либ-тошиб ўртоқлашгани ҳамон кўз олдимида. Бир пайтлар болалар шоирни сифатида ўртамиёна шеърлар ёзиб юрган Эргаш Раимовининг прозага қўл уришини қувватлаганлардан бири ҳам Ҳаким ака.

Мураббий, жонкуяр устоз, очеркинис, фаол жамоатчи. Таниқли болалар адиби. Лоқаҳ шу ўринда адиб ҳи-кояларининг рус, қозоқ, қирғиз, эстон, литва, украин, белорус, арман, грузин, озарбайжон, туркман, тожик, татар, бошқирд, қорақалпоқ, пемис, булгор, мўгул тилларига, «Сўймас чақмоқлар»нинг қирғиз, қозоқ, эстон, литва тилларига, «Ёнар дарё» билан «Сўймас чақмоқлар»нинг ук-раин тилига ўғирилиши, рус тилида нашр қилинган ки-тобларининг умумий тиражи миллион нусхадан ошиб ке-тишини ҳам айтиб ўтсак, Ҳаким Назир ижодининг кўла-ми ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин. Аммо бари бир Ҳаким Назир ҳақида сўз юртилиб қолиса, иккни нарса-ни—Ҳаким Назир—самимий иносон билан Ҳаким Назир — болалар ёзувчини алоҳида таъкидлаб айтиб ўтишга тўғри келади. Этни тирноқдан ажратиб бўлмаганидек, бу иккни тушучани ҳам асло бир-биридан ажратиб бўлмайди. Аёни, самимий, беғубор иносон бўлмай туриб, кичкин-тойларининг покиза туйғуларини куйлаш пашшадан фил ясашдек бир гап. Ҳаким Назир шахсиятига хос поклик,

сәмимийлік ү мөхнаткаш ва айни замбнда китобхон оила мұхитида озиқ олгани, камол топгани шак-шубҳасиз. Эндигина саккиз-тұққыз ёшга кириб, у «Минг бир кеч», «Тоҳир ва Зұхра», «Юсуф ва Зулайх», «Учар гилам», «Семур қүшнинг эртаклари» ва «Гүрӯғли», «Алпомиши» достонларини тинглаб тұлқинланади. Афсонавий қаҳрамонлар, гаройиб воқеалар билан таиншади. Сўзниң сеҳрли кучини ҳис қиласи. Эҳтимол ушбу ҳодисалар бўлажак адибнинг түйғуларига ғулғула согандир.

«Бир куни,— деде ҳикоя қиласи Ҳаким Назир,— рус тили мұаллимим қўлимга Максим Горькийнинг ҳикоялари босилган китобчани тутқизди.

Бошлаб ўқиганим «Архип бобо ва Лёнка» бўлди. Камбағал болаларининг Октябрдан илгариги оғир, машаққатли ҳаётини тасвирловчи бу ҳикоядан чуқур таъсирландим. Фақат мавзуси эмас, ёзилиши ҳам мени ўзига мафтун этган эди. Бобо ҳам, набира ҳам, уларни қуршаган ҳаёт ҳам жуда самимий, ҳаққоний тасвирланган эди. Қаҳрамонларнинг характеристи шу қадар жонли, афти-башараси шунча яққол, равшан чиққанки, бу образлар гүё китоб саҳифасидан тушиб, менга доимий ҳамроҳ бўлиб қолган дай эди. Воқеасининг қизиқлиги, тилининг бойлиги, ширадорлиги, аниқ ва донолигига ҳайрон қолдим. Бу ҳикояни қайта-қайта ўқидим, шу билан Горькийнинг бошқа асарларини ҳам ўқишга қизиқишим ортиб кетди. Тўғриси, менда ҳикоя ёзишга ҳавас уйғотган дастлабки манбалардан бирин ҳам Горький асарлари бўлса керак».

Еш Ҳакимнинг дилида туғилган ҳаваснинг зарурий эҳтиёжга айланишида унинг республика болалар матбуотида ишлаши мұхим роль ўйнади. Газетачилик иши Ҳаким Назир қаламини қайраб, адабий ишга ўйлабгина қолмади, балки кенг ҳаёт ичига, болалар дунёсига олиб кирди. Ҳаётий кузатишлар янги мавзуу, янги материал берди. Шу тарзда туғилган асарлардан бирин «Қуёш қачон тутилади» ҳикояси. Ҳикояда ўша давр учун типик ҳодисалардан бирин — хотин-қизлар орасида кенг тарқалган хурофотга

Қарши кураш мавзуси қаламга олинади. Айниқса, пионер Кенжанинг севимли бувисини қолоқ фикр чангалидан қутқариш йўлидаги уринишлари қизиқарли тасвирланган.

Ҳаким Назирнинг уруш ва урушдан сўнгги иш фаолиятининг кўп қисми Республика радиоэшиттириш комитетида ўтди. Хизмат тақозоси билан адид тез-тез қишлоқларга бориб турар ва у ерда ўзининг бўлажак қаҳрамонлари ҳаёти билан яқиндан танишар эди. Шу тариқа унинг асарларида уруш жароҳатларини тиклаш йўлида каттап билан баб-баравар меҳнат қилаётган болалар ва ўсмурларининг образлари пайдо бўлди. Тинимсиз изланишлар, ҳаётдан ва устозлар ижодидан ўқиб ўрганишлар Ҳаким акага ижодда ўз овози, ўз йўлини топиб олишга имкон берди. Маълумки, ўттизинчи йиллар бошларида майдонга келган болалар прозаси ҳали камбағал бўлиб, бадиий савияси паст эди. Faфур Ғуломнинг «Шум бола» саргузашт қиссасини ҳисобга олмаганда деярли болалар прозасининг дуруст намунаси йўқ эди. Шундай бир мушкул вазиятда ҳалқ оғзаки ижоди асарлари, Абдулла Қодирий, Faфур Ғуломнинг ҳикоялари ва қиссалари қатори рус классик ва совет болалар адабиёти вакилларидан Л. Толстой, К. Ушинский, М. Горький, А. Гайдар, В. Осеева, Б. Житков, Л. Воронкова, Л. Кассилярнинг ижоди ёш ўзбек болалар ёзувчлари учун маҳорат мактаби вазифасини ўтади.

«Биз,— дея ҳикоя қилади Ҳаким Назир,— рус болалар ёзувчиларидан реалистик образ, жонли характерлар яратиш, қизиқарли бадиий приёмлар билан болаларни катта ҳаёт ичига олиб кириш йўлларини ўргандик. Рус ёзувчиларининг асарларини, шу жумладан, «Темур ва унинг командаси»ни ўқиш мени «Сўнмас чақмоқлар» қиссасини ёзишга рағбатлантирди. Бу қиссада мен ўзбек пионерлари орасида ҳам темурчилик ҳаракати ёйилганини, болаларнинг катта ҳаётда тутган ўрнини кўрсатмоқчи бўлдим. Оила, коллектив ва дўстларнинг бола характерини шакллантиришдаги муҳим ролига эътибор бердим. Бп-

риичи қиссам ёш китобхонлар томонидан дуруст қабул қилингап бўлса-да, бирмунча мунозарага сабаб бўлди. Танқидчиларниң бир қатор мақолаларида, асарниң ўзбек болалар адабиётида муҳим воқеа экани қайд этилиши билан бирга, жиддий бадиий камчиликлари кўрсатилди. Жумладан, «асар композицияси чочиқ», «фактлар баёни кўпайиб кетиб, асар динамикасига путур етган», «айрим ҳаҳрамонлар образи хира чиққан» дейиши. «Кўкорол чироқлари»да йўл қўйилган иуқсонлар янги ҳикоялари, «Ёнар дарё», «Кенжатой» қиссалари ва «Лочин қанотлари» романини яратишида аччиқ тажриба бўлди. Бу асарларда кичкинтойларниң ижтимоий ҳаётнимизда ўйнаётган роли чуқуроқ тасвиirlанади. Шу жиҳатдан адибнинг «Мени танийсизми» ҳикояси билан танишиш мароқли.

Маълумки, болалар теварак-атрофда рўй берадиган воқеалар, ҳодисаларга ўзларига хос ёндошадилар. Катталарниң уларни менсимай муомала қилишларини сира ҳам «ҳазм» қила олмайдилар. Шунинг учун ҳам «Мени танийсизми» ҳикоясининг ҳаҳрамони ойисининг «ҳалн гўдаксан, ҳеч нарсан билмайсан» деган гапнга «қачонгача гўдак бўламан» деб жавоб беради. Ойисининг уни гўдак деб ҳисоблашидан, ақлига, кучига ишонмаслигидан қаттиқ иорози бўлади. «Илгари ботинкамнинг ипини боғлай олмасдим,— дейди ҳикоя ҳаҳрамони ойисидан гина қилиб,— ҳозир бемалол ўзим bogлаб, ўзим еча оламан-ку! Илгари ойим уйда чўмилтиrsa энди ўртоқларим билан сойда ўзим чўмиладиган бўлдим. Албатта, ойимга билдиримасдан-да, билса қўярмиди. Биринчи синфга кирган вақтимда кунига ойим мактабга етаклаб борарди. Ундан ксийин қаттиқ сел қўйгаида ё бўрон турганда мактабга юбормасди. Бўрон учирив кетади, деб қўрқарди. Менинг бўлса кулгим қистарди».

Бир қарашда кулгили бўлиб туюлган бу гапларниң замирида яхши маъно бор. Катталар болалар билан ҳалол, самимий муносабатда бўлишлари керак. Мана, ҳикоядан келиб чиқадиган хулоса. «Чўл ҳавоси» ҳикояси-

да ҳам Содиқжоннинг чўл ҳаёти билан танишиши қизиқарли ҳикоя қилинади. У чўлда бўлган вақтида янги дўстлар ортиради. Қўполроқ муомала қилса ҳам ҳамиша «отец» сўзини қўшиб гапирадиган Холиқнинг қилиқлари унга маъқул бўлади. «Нима учун барча болалар унинг айтганини сўзсиз бажарадилар. Ахир, Холиқ ҳеч кимнинг ёқасидан тутиб олиб, мушт ўқталаётгани йўқ-ку?» Шу тариқа Содиқжоннинг чўл одамлари билан танишиши бошланади.

«Эллигинчи йилларнинг охирларида,—дея ҳикоясида давом қиласди Ҳаким Назир,— Бухоронинг Қизилқум саҳросида табиий газ—зангори олов конлари очилиб, ишга туширилган эди. Мен бу воқеани кўришга қизиқдим-да, Қизилқум саҳросига сафар қилдим. «Зангори олов» кони Газлида, сўнг газ қувурларни ётқизилаётгани трассаларда кездид. Бир қатор образлар прототиплар асосида ёзилди. Бош образ Султон эса терма образ бўлди. Дамир, Бўрон, Қўлдош каби пионерлар образларини яратища эса ўша қурилишларга ёзда дадаси, акасини кўргани борган болаларнинг ишлари, ўйин ва саргузаштларидан фойдаландим. Мен бу қиссамда кичиклар назари билан катталар дунёсини кашф, ўз жонажон ўлкаси ва меҳнат баҳодирларига меҳр уйғотишини кўзда тутдим».

Адиб «Ёнар дарё»даги Дамиржон образидагина эмас, балки «Лочин қанотлари» романидаги Ўқтам ва Умри, «Кенжатой» қиссасидаги Собиржонларнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини чизишда ҳам тинимсиз заҳмат чекади. Бу борада яна унинг самимий инсон, меҳрибон мураббий сифатидаги фазилатлари муҳим роль ўйнайди.

Демак, аеввало яхши, ажойиб инсон бўлиш ижодкорликка элтувчи сеҳрли дарвозанинг калитидир. Бу фикримизни улкан ўзбек адаби Ҳаким Назирнинг баракали ижоди яна бир карра тасдиқлаб турибди.

## ♦ ТАРИХЧИ ВА ИЖОДКОР НИГОХИ ♦

Ўтмиш ҳақидаги барча билимлар ёшлар-нинг тарихни тўғри англашлари учун мутлақо зарурдир.

М. Горький.

Олис ўтмишининг ўқилмай қолган «саҳифалари», ҳали ҳал қилиб улгурилмаган чигал муаммолари тез-тез ўзини эслатиб туради. Булар зўр-базўр сақланиб қолган сопол синиқлари алмисоқдан қолган кўхна қўргон харобалари, йиллар шамолига дош бериб келаётган тасвирий санъат асарлари, нақшинкор миноралар, титилиб кетган кийимлар, эрамиздан аввал зарб қилинган кумуш ва тилло тангалар...

Уларниг ҳар биринда тарихий воқеалар, қизиқарли урф-одатлар, аждодларимиз ҳаётида содир бўлган қаҳрамонлик намуналари, курашлар нафаси сақланиб қолган. Инсоннинг беҳаловат руҳияти шуниси билан ҳайратланарлики, у ҳеч қачон тарихий воқеалар, муҳим ҳодисалар, ибратли фактларга лоқайд қарамайди ёки уни шунчаки билиш билан қаноат ҳосил қилмайди. Кучли истак ва иштиёқ билан аждодларимизнинг шонли ҳаёти ва шу бугуннинг муаммоларини ақл тарозисига қўйиб ўлчайди, ҳар сафар воқеалар гирдобида айланган кишилар қиёфасини қўргиси, улар ҳаётида юз берган ҳодисаларни ҳис қилгиси, тарихий фактлар магзини чақгиси келади. Одамлар қалбидаги бу маънавий эҳтиёжни санъаткор адаб ўз пайтида туйиб, шундай бир бадиий олам кашф этадики, у кўзгу янглиг аждодларимизнинг ҳақ-хуқуқи озодлиги йўлида олиб борган мардонавор курашини тиниқ акс эттиради. Зеро, тарихий воқеа-ҳодисалар санъаткор қаламининг кучи билан «тирилтирилмаса», ўтмишимиз ниҳоятда қашшоқлашиб, хира тортиб қолган бўлур эди. Тўғри, кўпгина воқеалар, тарихий шахслар хусусидаги тафсиллар ва тафсилотлар жиндай таровати-

ни сақлаб бўлса ҳам, бизга қадар етиб келган. Аммо, шуниси аниқки, илмий манбаларда тилга олинган бу хилдаги тафсилотлар мағзи аксар ҳолларда «чақилмаган» бўлади. Яна бунинг устига ҳар биримиз аждодларимиз ҳаётига доир нимаики тегишли бўлса, барчасини билгимиз, англагимиз келади. Масалан, Мирзо Улубекнинг ўлим олдидан чеккан изтироблари, Абу Райхон Берунийнинг Маҳмуд Фазнавий билан илк бор юзма-юз тўқнашуви, Спитаменинг асирилкдаги кечинмалари кимни кизиктирмайди, дейсиз. Уларнинг ҳар бирида асрлар бўйи эзгулик билан ёвузлик орасида давом этиб келган шафқатсиз курашнинг нафаси уфуриб туради. «Утмиш ҳақидаги барча билимлар,—деб ёзади Максим Горький,—ёшларнинг тарихни тўғри англашлари учун мутлақо зарурдир».

Болалар ва ўсмирлар учун тарихий мавзуда асар ёзиш шарафли, айни замонда ўта масъулиятли иш. Қатталар китоблари олдига қўйиладиган ғоявий аниқлик, бадиий баркамоллик, тарихий воқеаларнинг ҳаққонийлиги, фактларнинг аниқлиги сингари ҳеч қачон эскирмайдиган талаблар болалар адабиёти учун ҳам муқаддас. Аммо болалар учун мўлжалланган асарларга ана шу фазилатларнинг фақат ўзи етарли эмас. Сюжетнинг таранг қилиб тузилиши, қизиқарли фабуланинг танланиши, ҳаракатнинг кескинлиги, тасвирнинг тиниқлиги, сұҳбат оҳангининг самимийлиги маълум ёшдаги болаларнинг онги ва тушунчасига мосланиши зарур. Ва ниҳоят, буларнинг ҳаммаси бирга қўшилиб, ўтмиш ҳақида ёш авлодга тўғри ва аниқ тасаввур бериши лозим.

Аммо шу нарсани ҳам унумаслик керакки, бу ерда болалар нуқтаи назаридан туриб ёзилган китоблар хусусида сўз бормайди. Тарихий мавзуга бағишлиланган деярли барча асарларда воқеалар катталар тушунчаси, нуқтаи назари орқали ҳикоя қилинади. Бу ҳодиса болалар ва ёшлар онги, тушунчаси ҳамда дунёқарашининг шаклланишига ёрдам беради. Шу сабабли, бу хилдаги асар-

ларни ўз-ўзидан болалар китобхонлигининг намунаси сифатида бемалол номлайвериш мумкин.

Жаҳон адабиёти болалар китобхонлигининг ажойиб намунаси атоқли романнавис Жеймс Фенимор Купернинг «Чингачгук—улкан Илон», «Сўнгги Могикан», «Саҳордаги етакчи», француз адаби Александр Дюманинг «Уч мушкетёр», «Иигирма йилдан сўнг», «Темир ниқоб», «Граф Монте-Кристо», шотланд ёзувчиси Валтер Скоттнинг «Айвенго», «Роб Рой», немис ёзувчилари Эрнест Гофманнинг «Олтин сават», «Мушук Мурнинг саргузаштлари», Вильгельм Гауфнинг «Кичкина Мук», Марк Твеннинг «Жанна Д'Арк», В. Яннинг «Чингизхон», «Боту», Н. Тихоновнинг «Вамбери», Н. Заръяннинг «Сосунлик Довид» сингари асарлари жаҳондаги барча болалар томонидан севиб ўқилади, бу адилларнинг китоблари ҳар қанча кўп тиражда нашр этилса-да, болаларнинг уларга иштиёки борган сари ортаверади. Бундай катта ижодий муваффақиятнинг сири нимада? Гап шундаки, бу асарларда тарихий воқеиликнинг мураккаб проблемалари, кучли, иродали қаҳрамонларнинг руҳий олами соддалаштирилмасдан юксак бадиият билан кўрсатилади. Масалан, Жеймс Фенимор Купер Американинг шимоли ва жануби ўртасида, эркесвар кишилари билан қулдорлар ўртасида давом этган узоқ, шиддатли кураш тарихини ёрқин бадиий образларда акс эттиради, Александр Дюма асарларида шахс эркинлиги ва туйғулари гўзаллиги куйланади. Бу қаҳрамонлар ёш китобхонларни мардлиги, олижаноблиги, дилкашлиги, адолат, ҳақиқат учун фидойилиги билан мафтун этади.

Болаларни дунё адабиётининг нодир намуналари билан танишириш соҳасида ҳам катта ижодий ишлар қилинмоқда. Айтайлик, ёшлар Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си, Гомернинг «Илиада» ва «Одиссея» сингари машҳур достонлари, «Махабхарата», «Рамаяна» каби ҳинд халқ эпосларини тушунишлари қийин. Шу хилдаги баркамол асарларни ёш китобхонларнинг онги, тушунчасига мос

тарзда ҳикоя қилиш ҳам ўзига хос санъат. Бу соҳада ҳам бир қатор ижодий ишлар қилинди. «Илиада», «Одиссея», «Махабхарата», «Рамаяна»нинг болаларбоп нусхалари нашр қилинди. Умуман, бу дунё адабиётида маълум ва синалган йўлдир. Масалан, «Алпомиш» достонининг Ян Коморовски томонидан славак тилига насрий таржима қилиниши бизни ўоят хурсанд қилди. Ёш китобхонларга мўлжалланган мазкур нашр «Младе лета» нашриётида 1972 йили чоп этилди.

Бу ёринда Плутархнинг «Киёсий ҳаётномалар»и асосида «Таниқли греклар», шунингдек «Шохнома» достонлари асосида Нора Улуғзоданинг «Фирдавсий қаҳрамонлари», Куннинг юони мифлари асосида яратган «Кадимги Гречиянинг мифлари ва афсоналари», В. Смирнованинг «Эллада қаҳрамонлари» сингари китобларини кўрсатиш мумкин. Айниқса, Сервантеснинг «Дон Кихот», Ж. Свифтнинг «Гулливернинг саёҳатлари»ни болаларга мослаштирилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Машҳур «Минг бир кеча» эртагининг болаларбоп нусхалари, Хўжа Насрилдин латифалари асосида бир қанча асарлар, шу жумладан Борис Приваловнинг «Қувноқ донишманд» киссалари ёзилди. Албатта, бу хилдаги нашрларнинг ёшларни тарбиялашда катта аҳамияти борлигини мутлақо интиб бўлмайди. Бундай ижодий тажриба бизнишгес спубликамиизда ҳам амалга оширилмоқда. Шу маънода буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг «Хамса» достонлари асосида қилинаётган ижодий ишлар айникса, қимматлинидир. Ўйламизки, болалар ва ёшлар китобхонлиги доирасини кенгайтирадиган шу хилдаги нашрлар бундан кейин ҳам давом қиласеради.

Тарихий шахслар, воқеалар ва ҳодисаларни кичкин-тойлар онги, тушунчаси, дунёқарашига мослаб ёзиш ҳодисаси Сергей Алексеевнинг асарларида ўзига хос равишда акс этган. Адаб рус халқи ҳаётидаги муҳим роль ўйнаган Пётр I, Степан Разин, Суворов сингари тарихий шахслар ҳаётидан қизиқарли ҳикоялар келтиради. Аммо

бу асарларда тилга олинган проблемалар мутлақо содалаштирилиб берилмайди. Аксинча, қаҳрамонлар ҳаёти, турмуш тарзи рапг-баранг бўёқларда акс эттирилади. Энг мұхимн, тарихий шахслар ҳаётидан олиб ёзилган асарларда замонавийлик нафаси уфуриб туради.

Тарихий мавзуга бағищланган ҳар бир асарда ўтмиш билан бугунги турмуш тарзини боғлайдиган «ин»лар топилмаса, ўша китобларнинг тарбиявий кучи заиф бўлиши аниқ. Ўз-ўзидан аёнки, ҳар қандай воқеа, ҳодиса бадиий таҳлил қилинмаса, қуп-қуруқ фактлар йигиндисига айланиб қолаверади ва бинобарин қаҳрамонлар маънавий оламини очишга хизмат қилмайди.

Шу ўринда ибратли бир мисолга мурожаат қилиб ўтмоқчиман. Маълумки, меъморчилик санъатининг гўзал намунаси ҳисобланган Гўри Амир мақбарасида Мирзо Улуғбекнинг кул ранг мармардан ясалган сағанаси жойлашган. Ушбу сағананинг пештоқларига мана бу сўзлар битилган:

«Бу муқаддас ва табаррук қабр жаинат боғларига оро берган ва баҳтиёр этган, пок султон ҳалифайи уламо, худо гўрини нурга тўлатгур Мирзо Улуғбек султоннинг сўнгги қароргоҳидир. У 794 йилнинг бахтли ойларидап бирида Султоннида оламга келди. 810 йилнинг Зулҳижжа ойида Мадннатуссалак Самарқандда ҳукмдор бўлди; оллонинг «ҳар ким ўзига берилган умрии яшайди» деган сўзларига амал қилиб, умри охирлаганда ва тақдир қалами билан ёзилган вақти-соати етишганда ўғли падаркушлик қилди, қилич тифи билан ўлдириди. Мирзо Улуғбек қаттиқ азоб билан жон берди, ҳижрий 853 йили размазон ойининг ўнинчи кунида жони марҳаматли худонинг ҳузурига равона бўлди».

Ушбу сўзлар билан танишган синчков китобхон кўп нарсаларга қизиқиб қолади: Мирзо Улуғбекнинг тугилиши, таҳтга ўтириши, ҳаётининг энг сўнгги дақиқалари... Аммо ўқувчини яна сал-пал нимадир қаноатлантирумайди. Бу сағана пештоқларига ёзилган сўзларда Улуғбекнинг

инсон сифатидаги жонли қиёфаси, қувончлари, изтироблари, ташвишларининг йўқлигиги. Мирзо Улугбек ҳаёти билан боғлиқ бўлган воқеани тилга олган ҳар қандай адид масаланинг ана шу муҳим қиррасини унудишига ҳақ-қи йўқ.

«Дониши Афлотун ва ҳашамати Фаридун жамъя» (Мирхонд), «допишмайд подшоҳ» ва «камолоти багоят кўп» (Алишер Навоий), Мирзо Улугбекининг ҳаёти ва илмий фаолияти, хукмрон сифатида олиб борган сиёсати хусусида ёшлар ва ўсмирлар учун Миркарим Осимининг «Улугбек ва шайх Аҳмад» ҳикояси, Глеб Голубевнинг «Улугбек», Еремей Парновнинг «Тумандаги юлдуз» сингари тарихий-биографик қиссалари эълон қилинди. Учала асарнинг ўзига хос фазилати—уларнинг тарихий фактлар, турли хил манбаларда тилга олингани тафсилотларга асосланиб ёзилишида. Булар—Мирзо Улугбекининг болалик ва ўсмирлик йиллари, бобоси Амир Темур тарбияси, тоҷу таҳт учун олиб борган поёнсиз урушлари, диний мутаассиблар билан курашуви, «Зижи Қурагоний»нинг яратилиши жараёни, ҳаётиининг энг сўнгги дақиқалари...

Гап, албатта, учта муаллифиининг айнан бир мавзуга мурожаат қилиши ва айнан ўхшаш маиба ва материаллардан фойдаланганида эмас. Адабиёт тарихидан шу хилдаги мисолларни истаганча келтирса бўлади. Лоақал шу ўринда Степан Разин образининг А. Чапигин, С. Злобин, С. Алексеев, В. Шукшин асарларидан турлича талқин қилинганини эслаш мумкин. Царвоқе, икки томчи сув сингари айнан бир-бирига ўхшайдиган деталлар, вазиятлар манзаралар тўртала ёзувчи қаламида тўрт хил жило олган. Кутузов образи мисолида ҳам худди шунга ўхшаш ҳолни учратамиз. Таниқли саркарда Кутузов ҳақида тарихий китобларда келтирилган маълумотлар билан «Уруш ва тинчлик» романидан тасвирланган Кутузов образи қиёс қилинса, ҳеч сўзесиз ўхшаш деталлар, вазиятлар, манзараларни учратиш мумкин. Демак, Лев Голстой

таниқли саракарда образини яратишда тарихий манбаларга суюниб иш кўрган. Аммо санъаткор сифатида шубҳасиз, тарихий воқеаларни ўзига хос тарзда талқин қилган ва бинобарин бадиий тўқимадан эркин фойдаланган. Шунга қарамай, Лев Толстой романида тасвирланган Кутузов образигина халқнинг хотирасида мустаҳкам сақланиб қолган. Фактлар соясида яшириниб турниб иш кўриш—бу тарихчининг вазифаси. Санъаткор доимо яшги йўлдан, ижодий изланишлар йўлидан борган. Лекин у ҳеч қачон тарихий воқеаларни ҳаққоний акс эттириш масъулиятини унтишга ҳаққи йўқ. Бинобарин, фактлар соясида туриб иш қилолмайди. Яъни, айрим воқеаларни хаёл кучи билан «тирилтириш»га ҳаққи бор. Л. Толстой Стасовга 1872 йил 17 декабрда ёзган хатида: «Ҳозиргача ишлаётганим йўқ. Пётр I ва унинг даври ҳақидаги китобларга шўнгиб ётибман: ўқийман, белги қўйман, ёзишга аҳд қиламан, лекин бўлмайди. Санъаткор учун қанақангি давр бу. Нимага қарасанг, бир масала, топишмоқки унинг тагига фақат шеърият ёрдамидагина етиш мумкин»,—деб бежиз айтмаган эди.

Буюк адид таъкидлаб айтганидек, «фақат шеърият ёрдами» туфайли етиш мумкин бўлган жойларда фактлар «тил»сиз бўлиб қолади. Зоро, тарихий мавзуларда ёзилган асарларни «фактларга кўр-кўрона эргашмаслик»да айбланса, жаҳон адабиётининг кўпгина нодир намуналари унтилиб кетган бўлур эди.

Глеб Голубевнинг «Ўлугбек» тарихий-биографик қиссасида олимпининг ҳаёти ва илмий фаолиятини акс эттирувчи манбаларга суюниб иш кўрилганини сезмаслик мумкин эмас. Қисса Амир Темур ҳаётининг энг сўнгги дамлари тасвири билан бошланади. Қитобхон Амирнинг ҳарбий юришлари, оила аъзолари ва мулозимлари ҳаёти билан яқиндан танишади.

Повестда тасвирланишича, чопар Улуғбек тугилганлиги ҳақида хабар етказганда Амир Темур ниҳоятда қувониб кетганидан, одатга хилоф равишда, босиб олган

Шаҳарининг минглаб ҳимоячиларини қатл этишдай вобз кечади. Амир мулозимлари Муҳаммад Тарагайнинг бешигини ҳафсала билан Арманистоннинг тош йўллари, Ироқнинг ботқоқли ерлари, Эроннинг тоғли довоиларида олиб юришади. Муҳаммаднинг болалик йиллари бобоси Амир Темурнинг кучли таъсири остида ўтади. Амир Темур беҳисоб фарзандлари орасида фақатгина ана шу «ориқ, нимжон» неварасига ортиқча меҳр қўйган эди. Шу меҳр туфайли сарой аҳли айрича хушомадгўйлик билан болани Үлугбек деб атай бошлайди. Болалигига Үлугбек бобосининг олис ўлкаларга қиладиган босқинчилик юришларидан фахрланар, адоги йўқ базмлар ва қийқириқларни кўриб мафтун бўлар эди. Баъзан тақдирнинг гирдоби шундай тезлик билан айланадики, кишининг ақли бовар қилмай қолади. Қаранг-а, Амир Темур сингари шафқатсиз ҳукмдор тарбиясини олган нимжонгина бу бола кейинчалик илму-нужумда шуҳрат қозонади, не-не алломалар ақлини шошириб қўяди. Ҳа, у тинчгина сultonлик кайфи билан айшу-ишратлар ичida юртни идора қилиши мумкин эди. Дин мутаассиблари билан олишиб ўтириши даркормиди унга! Мана бадиий адабиёт учун битмас-туганмас мавзу! Бу мавзу асосида яна ўнлаб, юзлаб асарлар ёзилиши турган гап. Дарвоҷе Мирзо Улуғбекни илм билан шуғулланишга ким ва нима мажбур қилди? Бу саволга турлича жавоб топиш мумкин. Лекин берилган ҳар қандай жавоб бадиий жиҳатдан асосланиши, китобхонни ишонтириши, бинобарин давр ҳақиқатини ҳаққоний гавдалантириб бериши лозим.

Айтайлик, Глеб Голубевнинг китобида Мирзо Улуғбек қонида ҳам барча темурийзодалар сингари бобосининг қони борлиги, худди бобоси сингари адолатсиз, босқинчилик урушлари олиб боришга интилгани ҳикоя қилинади. Мана адид шу ҳақда нималарни ёзади: «Мирзо Улуғбек айёрлик қилар, қўпол, адолатсиз босқинчилик сиёсати олиб борарди. Гоҳида у гуноҳсиз одамларни жазолар ва бу билан ўзига рақиблар ортиради. Бундан

унинг душманлари фойдаланиб, қулай пайт пойлар, шариатнинг буюрганини қилиб, яъни шариатнинг ким гуноҳсиз кишини ўлдирса, унинг бутун қариндошларини йўқ қилиб ташлаб, қасос олиш керак, деган қоидани амалга ошириш учун пайт пойлардилар».

Ушбу сатрлар билан танишган китобхон сал нарироқ бориб, Улугбекнинг подшолик хазинасини тўлдириш учун халқни сон-саноқсиз солиқларга ботиргани, ўзга юртларни босиб олиш эвазига бойишни кўзлаганидан огоҳ бўлади. Аммо китобхон бошқа бир мулоҳазани ўйлаб, иккиласиб қолади. Хўш, шундай экан, «халқ бошига кулфатлар солган, майхўрлик, базм-зиёфатлардан қўли бўшамаган Султон»нинг илм фидойиси бўлиши сабаби нимада? Шунга ўҳшаган кўпгина саволларга жавобни китобхон қўйидаги сатрлар орқасидан топади:—«У мудом зерикарди, чуқур ўй-хаёлларга ботарди. Нега унга худо ҳар нарсани ўйлайверадиган ақл ва ўткир зеҳн берган, неча пиёла май ичганини ёки овлаган қирғовул, ўрдакларини санаши учунми? Бу кундалик ейиш-ичиш, кайф-сафо, қийқириқлар унинг кўнглига урди. У қандайдир муҳим, ажойиб, ақл бовар қилмайдиган буюк иш қилишни истарди. Ахир ҳокимият ўз қўлида, қўли узун, ҳатто юлдузларга чўзса ҳам етади. Аммо бу ҳокимият ҳозирча унга на баҳт берарди, на тинчлик.

Улугбек мунажжимлик илмига қизиқиб қолди, сарой мунажжимлари бу илмнинг сирлари билан уни таништира бошладилар.

Аввало келтирилган бу қайдлар илмий манбаларда учрайдиган баъзи маълумотларга айнан ўхшаб кетади. Лекин бари бир масала худди шу тарзда қўйиладиган бўлса, кўпгина чигал муаммолар ҳал қилинмай қолиб кетган бўлур эди. Хўш, нима учун Мирзо Улугбек мамлакатнинг мутлақ ҳукмдори бўлатуриб, ўзини илм-фан йўлига фидо қилди? Ахир, «Мирзо Улугбек ақл бовар қилмайдиган буюк ишлар қилишни истарди» дейиш билан жумбоқлар ҳал бўлиб қолмайди-ку! Ҳеч кимга сир эмас-

ки, тарих саҳифалари қатламида яшириниб ётган ҳақиқатни кўпинча санъаткор нигоҳи, учқур хаёлининг кучнгина «тирилтириши» мумкин.

Еремей Парновнинг «Тумандаги юлдуз» асарида Мирзо Улуғбекнинг илмий фаолияти бирмунча кенг ва батафсил ҳикоя қилинади. Унинг номаълум юздузларни кузатуви, содик шогирди Али Қушчи билан илмий мавзуда олиб борган мулоқотлари қизиқарли тасвириланади. Хулласи, бу китобда Мирзо Улуғбек ҳаёти билан дурустроқ таниш бўлмаган китобхонлар учун қимматли маълумотлар анчагина учрайди. Шу маънода Султоннинг болалик йиллари, Оға бегимга уйланиши, тахтга миниши, олиб борган урушлари, ўғли Абдуллатифнинг қилиқлари, Кўҳҳак тепалигига жойлашган расадхонанинг тузилиши ва бу ерда узун тунлари олиб борнилган ҳисоб ишлари, боги майдонда давом этган сўнгсиз зиёфатлар, дин мутаассибларнга қарши бошланган гоҳи очиқ, гоҳи пинҳоний курашлар тасвири ёш ўқувчиларни жуда қизиқтиради.

Академик В. Б. Бартольд ёзади: «Мирзо Улуғбек замопаси шундай бир тарихий даврки, бунда текширувчига бир-бирндан мустақил бўлган қатор ёзма манбалар билан иш кўришга тўғри келади, шундай экан, ҳар турли тахминлар ва гипотезаларга ўрин қолмайди». Бу тарихчини шуктап пазари билан айтилган пазарий фикр. Ижодкорлар олдида бўлса, «турли хил тахминлар ва гипотезалар» муаммоси доимо кўндаланг бўлиб тураверади. Негаки, ҳеч қачон тахминлар шунчаки тахминлар ҳолида қолиб кетмаслиги, улар бадний жиҳатдан асосланиши, ўқувчилар дилида тугилиб турган саволларга жавоб бериши зарур. Акс ҳолда тахминлар ва гипотезалар билан тўлибтошгани китоблар даврнииг шафқатсиз ҳукми олдида шунчаки сўник бир парса бўлниб қолаверади, лоақал шу ўринда Мақсад Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» трагедиясидаги Улуғбек образи билан Одил Ёқубовнинг «Улуғбек ҳазинаси» романидаги Улуғбек образи бир-бираига қиёс қилиниса адиллар олдида турли тахминлар ва гипотезаларга суюнишнинг аҳамияти яққол кўринади.

Ўз ўзидан аёнки, бир хил манбаларга таяниб иш кўрган адиллар турли хил ижодий йўлдан боришилари мумкин. Глеб Голубевнинг «Улугбек» тарихий-биографик повестида тож-тахтдан айрилаётган Мирзо Улубекининг дилида тугилган мураккаб галаёнлар, чуқур руҳий кечинималар кўрсатилмайди. Афдарилган пошдо севимли шогирди Али Қушчи билан бемалол дил сухбати қуради ва со-вуқёнлик билан унга шундай дейди:

«Бу ерда ким қолади? Тезда қайтиб келаман, яна ишратимизни бирга давом эттирамиз. Эпди кетинг, кеч бўлиб қолди, осмонни кузатиш учун ҳозирланиш керак». Худди шунга ўхшаш ҳодиса Еремей Парновнинг «Тумандаги юлдуз» китобида бир оз ўзгача тарзда талқин қилинади. Самарқанд таҳтига ўтириши билан шаҳзода Абдуллатиф падари бузруквори устидан қаттиқ назорат ўриналади.

Мирзо Улугбек куни бўйи ўзига ажратилгани махсус хонадан бир қадам четга жилмайди. Онда-соңда Али Қушчи шахмат ўйнаш учун унинг олдига кириб туради. Аммо Абдуллатиф томонидан қўйилган махсус пойлоқчи устоз билан шогирдиниг сухбатига асло йўл қўймайди. Тарихий манбаларда ҳар икки ҳолат ҳам тилга олинади. Афсуски, келтирилган ҳар икки ҳолатда китобхон тасаввурини бойитадиган бадиий таҳлил йўқ. Келтирилган тарихий фактлар Мирзо Улубек шахсининг хатти-ҳаракатига сингдириб юборилмаган. Ростини айтиш керак, Еремей Парновнинг повестида бадиий тўқимадан фойдаланиш хийла кучли. Бу ҳодиса аксарият ҳолларда анча муваффақиятли ҳал қилинади. Аммо синчков китобхон назаридан адилнинг тарихий материалларни пухта ўрганмагани сезилиб туради. Тўғри, ёзувчи фактларга тарихчи сифатида эмас, кўпроқ ижодкор қиёфасида туриб, хаёлларга ортиқча эрк бериб туриб ёпдошади. Адабиёт тажрибасидан маълумки, тиниқ ва асосли тафсилотларга суюнмагани фантазия даврнинг ҳаққоний манзарасини акс эттиrolмайди. Масалан, Мирзо Улубекнинг Хўжа Аҳрор

бошлиқ дин мутаассиблари билан чиқиша олмагани кўпгина манбаларда бир неча бор қайд қилинган. «Тумандаги юлдуз» да ҳам Улугбекнинг ислом душмани эканлиги бир неча бор тилга олинади. Кўчаларда сағиби юрувчи қаландарлар ва ҳатто фуқаро аҳли ҳам унинг динга шак келтирганидан иорози бўлади. «Улугбек юлдузлари» фильмида ҳам Султоннинг Хўжа Аҳрор бошлиқ руҳонийлар билан олишувнга анча кенг ўрин берилади. Бу срда у қатъият билан диндорларни кескин фош қиласди. Атеистик қарашлари туфайли мутаассиблар Улугбекни қандай қилиб бўлмасин таҳтдан агдаришга интиладилар. Шу жиҳатлари билан «Улугбек юлдузлари» фильмни «Тумандаги юлдуз» повестига бирмунча ўхшаб кетади. Аммо шу нарса ҳам аниқки, ҳақиқий ижодкор ҳеч қачон тарихда сезиларли из қолдирган буюк шахслар образини улар яшаган реал заминдан узиб олиб тасвирламаслиги лозим. Улугбекнинг дин мутаассиблари билан тил топиша-олмагани масаласига келсак, бу ўта мураккаб жараён. Ана шу мураккаб жараён таҳлили орқали Еремей Парнов Улугбекнинг руҳий драмасини чуқур кўрсатиши мумкин эди.

«Тумандаги юлдуз» китобида шаҳзода Абдуллатиф образи талқинида ҳам бир қатор чалкашликларга йўл қўйилган. Бутун асар давомида Абдуллатиф ўжар, калтафаҳм, фақат тож-тахт учун курашувчи, инжиқ шаҳзода сифатида талқин қилинади. Тарихий манбаларда неча марта тилга олинган тафсилотлар инобатга олинмайди. Ваҳоланки, шаҳзода Абдуллатиф ўта мураккаб шахс. У бир томондан тожу таҳт дардида ўртаниб юрувчи темурийзода бўлса, иккинчи томондан илм аҳли орасида ўз даврининг билимдон кишиси сифатида ҳам доинг чиқарган.

Миркарим Осимнинг «Улугбек ва Шайх Аҳмад» ҳисоясида Мирзо Улугбекнинг болалиги ва султонлик даврини акс эттирувчи икки лавҳа чизилади. Адид ушбу лавҳалар орқали психологик поёнлар излайди, ҳаётнинг раигларини қуюқлаштириб беради ва уларни Улугбек

образйини очишга йўллайди. Фактларга ижодкор нигоҳи билан қарайди, хulosалар чиқаради, шу орқали китобхонлар тасаввурини бойитади.

Муҳаммад Тарағай бобоси Амир Темур билан Озарбайжоннинг иқлимин юмшоқ, ҳавоси тоза, тоғли Қорабоғ вилюйтида дам олар экан, тасодифан боғ йўллагида Аҳмад номли «қисқа бўйинли», кеңг яғринли, кулча юзли—бир бола билан танишиб қолади. Дўстлар ям-яшил ўтлар, ранг-баранг чечаклар билан қопланган тепаларгага чиқиб ўқ отишар, дарахтларга тирмасиб, қушларнинг уясини қидиришар эди. Гоҳи-гоҳида томчилари инжу доналари-дек сочилиб турган шаршаралар ёнида ўтириб, дилкашлик ҳам қилишарди.

Кунларнинг бирида Муҳаммад тиниқ бир ният билан орзиқиб дўстига дейди: «Агар мен подшоҳ бўлсан, сени ўзимга эшик огаси қилиб оламан. Аҳмад ариқ бўйида ўсган отқулоқнинг баргини узиб олиб сувга ташлади, сўнгра унинг оқишини кузатар экан:

— Сен подшоҳнинг набираси,—деди,—мен эса хизматкорнинг ўғли. Сен тахтга ўтиргач, бизни назарга илмай қолгайсан».

Мана шу болаликка хос қизғин суҳбатдан кейин роса қирқ олти йил ўтади. Бу давр ичидаги фалак шамоллари таъсири билан не-не воқеалар содир бўлмайди дейсиз. Улугбекнинг ҳукмронлиги ҳам аста-секин таназзулга юз тута бошлайди. Кунлардан бир кун оғир сафардан Самарқанд томон қайтиб келаётганида Мирзо Улугбекнинг йўлини кир-чир кийимларга ўралган нотаниш қаландар тўсиб чиқади. Афсуски, бу ерда: «Ё шоҳи-замон,—деб қичқиради қаландар.—Мен сендан хайр-эҳсон тилаётганим йўқ, адолат талаб қилмоқдаман, сен билан бирга Қорабоғда ўйнаб юрган Аҳмад мен бўламан», деганида, Улугбек отдан тушиб, у билан кўришмоқчи бўлади. Аммо қаландар: «Мен пирим эшон Хўжа Аҳрорнинг душмани билан қўл бериб кўришмоқни гуноҳ деб билурман»,—дек жавоб беради.

Адиб қаландар билан Мирзо Улугбек муносабати тас-вири орқали мамлакатда вужудга келгап оғир вазиятга ишора қиласди. Ва шу билан чекланисиб қолади, холос. Аф-суски, бу ерда тарихчининг овози адибнинг овозини босиб кетади.

Миркарим Осим кўпинча тарихий фактларга суюниб бадин образлар яратади.

«Ўзбекистон Педагогика илмий текшириш институтида мен мактабларда тарих ўқитниш методикаси устида иш олиб борган эдим,— деб ҳикоя қилган эди Миркарим Осим биз билан бўлгап сухбатида.—Ўттизиничи йилларда шу мавзуда икки-уч брошурам ва бир печа мақолаларим босилиб чиққан эди.

Ўрта мактабларнииг юқори сипиф ўқувчиларини ўрта Осиёга бостириб кирган истилочиларга қарши кураш олиб борган қаҳрамонлар, жаҳолатга қарши курашган олимлар, адиблар ҳаёти билан таништириш учун мен 1939 йилдан бошлаб тарихий ҳикоя ва қиссалар ёза бошладим.

Ўз асарларимни тарихий манбаларга, баъзач афсо-наларга суюниб ёзганман, уларда уйдирма шахслар йўқ даражада. («Тилсиз гувоҳ» қиссаси бундан мустасно).

«Тўмарис» қиссасида ҳамма шахслар ва юз бергап воқеалар Геродотнииг «Тарих»ида қандай баён қилинган бўлса, шундай ҳикоя қилинган. Аммо воқеаларни бир-би-рига боғлаш, ўша замон урф-одатларини кўрсатиш учун бир-икки уйдирма шахс керак бўлиб қолди. Тўмариснииг келини Зарина ва бир-икки персонажлар уйдирма шахслардир.

«Иби Сино» ҳақидаги қиссамда маърифат душмани мулла Садриддин ва унинг дўсти, «Жайхун устидаги булутлар»даги саройбон ва иккинчи даражали баъзи шахсларни ўйлаб чиқарганман. Уларни хориж қилганда бу икки улуғ олимнинг бошидан ўтган ҳамма воқеалар, ҳатто улар ўртасида бўлиб ўтган мунозаралар тарихий манбаларда қандай баён қилинган бўлса, шундай берилиган.

«Темур малик», «Маҳмуд Торобний» қиссаларида тў-  
қима гаплар ва шахслар йўқ.

«Ўтрор» повестида уйдирма воқеаларга (чунончи Қул-  
назар, Темиртош ва унинг севгилиси бошидан ўтган во-  
қеаларга) нисбатан кўпроқ ўрин берилган. Агар уларнинг  
саргузаштлари батафсил баён этилганда қисса романга  
айланган ва унинг қиймати янада ошган бўларди. Қисса  
асосан тарихий манбаларнинг бадиий иллюстрациясига  
айланниб қолган. Бу жиҳатдан унинг маърифий аҳамияти  
юқоридир.

Навоий тўғрисидаги ҳикоя ва очеркларим бир-бирига  
узвий равища боғлашган бўлиб, улар бир бутун қиссани  
ташкил этган. Уларда уйдирма воқеалар йўқ, фақат,  
«Астробод»даги Ўғонберди тўқима шахсdir.

«Элчилар», «Хоразм элчиси»да воқеаларни бир-бирига  
боғлаш ва замона урф-одатларини кўрсатиш учун Ҳожи  
Бахшилло ва Матмурод каби шахсларни киритганман.

Ҳожи Бахшилло уйдирма шахс бўлса ҳам унинг бо-  
шидан ўтган воқеалар жуда характерлидир.

Тарихий ҳужжатларга кўра 1875 йили Москваага Бухо-  
родан элчи бўлиб борган Ҳожи Фарруҳ йўлда ўзининг хо-  
тини Санталатдан айрилиб қолади. Уни Москва элчиси  
Василий Даудов тортиб олиб қўяди. Василий ҳожини  
маст қилиб уйига жўнатади. Ҳожининг Волгада чўкиб ке-  
тишига оз қолади ва ҳоказо. (Муҳаммаджон Йўлдошев-  
нинг «Москва билан Бухоро хоиликлари ўртаидаги муз-  
носабатлари» деган китобига қаралсин).

Эски ҳужжатларда Хива хоилигига Келдинбека, Ол-  
тинбека номини олган рус аёллари тилга олиниди. Мен  
Олтинбекани уйдирма шахс Матмуроднинг севгилиси  
сифатида тасвир этганман. Қолган шахслар, юз бер-  
ган ҳодисалар, хоилар ва рус князлари томонидан  
элчиларни қабул қилиш тартиби ҳужжатлардан олин-  
ган.

Мен повестимда тасвир этилган кўп жойларни бориб  
кўрдим. Москва Кремли, Бухоро ва Хива шаҳарлари.

Ўтзор тепада бўлиб, улар билан батафсил танишиб чиқдим».

«Тилсиз гувоҳ» повестида асосий қаҳрамонлар Исоҳота, унинг ўғиллари Ҳайдар, Комил, Аббужаббор бой ва Бўрихўжа ва бошқалар уйдирма шахслар бўлсалар ҳам уларнинг саргузаштлари колониал давр учун жуда характерлидир. Бу повестда тарихий шахсларга озроқ ўрин берилган, аммо 1916 йил, 1917 йил воқеалари ҳужжатларга ва революционерларнинг хотираларига асосланган. 1917 йил қўзғолони батафсил кўрсатилганда, революцион воқеалар қўшимча (уйдирма) эпизодлар билан бойитилганда асарнинг қиймати янада ошган бўларди. Адибнинг тарихий фактларни жонлантириш йўлида ўйлаб тоғган тўқималари ўзининг ҳаётийлиги билан ажralиб туради. Аниқ фактларга таяниб иш кўриши жиҳатидан адиб асарларни Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Нисавийнинг «Султон Жалолиддин Мангубердининг сиyrати», буҳоролик машҳур сайёҳ Мирзо Сирожиддинининг «Туҳфа аҳли Буҳоро» (Буҳоро аҳлига туҳфа), Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъхайн ва мажмаи баҳрайн», сайёҳ Ҳакимхон тўранинг «Мунтаҳаб—уттаворих», Афанасий Никитининг «Уч денгиз оша саёҳат»ига ўхшаб кетади. Фарқи ҳам бор. Миркарим Осимнинг асарларида бадий тўқимадан фойдаланиш маҳорати кучли. Адиб зарур фактларга суяна туриб, ўзи тасвирлаётган воқеаларга муносабат билдиради. Шуниси қизиқи, Миркарим Осим мурожаат қилган айрим мавзулар бошқа адиблар томонидан ҳам бир печа бор қаламга олинигаи. Масалан, Алишер Навоийнинг болалиги ва ўсмирилик йиллари хусусида Б. Вадецийнинг «Фоний» романи, Азиз Қаюмовнинг «Ажойиб кишилар ҳаёти» сериясида нашр қилинган «Алишер Навоий» китоби ва Л. Батънинг «Ҳаёт бўстони», Ойбекнинг «Алишернинг ёшлиги» сингари тарихий-биографик қиссалари мавжуд. Бу асарларда тилга олинига кўнгина фактлар ва тафсилотлар Миркарим Осимнинг «Зулмат ичра нур» қиссасида ҳам ҳикоя қилинган. Алишернинг

боловлик йиллари, ота-онаси, мактабдош дўстлари, Ҳусайн билан орасида туғилган дўстона муносабатлар, темурийзодаларнинг тожу таҳт учун олиб борган курашлари. Бир хил ҳаётин фактларнинг ҳар хил талқини.

Масалан: «Алишернинг ёшлиги» қиссасининг ёзилиши тарихи хусусида суюкли адабимизнинг рафиқаси Зарифа опа Сайдносирова қўйидагиларни ёзди:

«Ойбек 1934—1936 йилларда «Навоий» поэмасини ёзди. Лекин адаб айтмоқчи, бу машқ Навоий образини яратиш йўлида чизилгаи бир эскиз эди. Кейин катта по-лотно—«Навоий» романини яратди. Бу романда улуг шоир ва мутафаккир ҳаётининг етуклик даври ҳаққоний тасвиrlанади. Алишернинг ёшлигини қаламга олиш нияти адаб қалбida қирқинчи йилларнинг бошларида туғилган бўлиб, «Навоий» романини ёзиш даврида бу иштиёқи кучайган эди. Тили, услуби жиҳатидан мазкур романга яқин бу қиссани 1967 йилда тугалланган бўлса-да, ўзига нисбатан ғоятда талабчан адаб уни қайтадан ишлаш мақсади бўлгани учун эълон қилишга ошиқмади».

Шоҳруҳ ҳаётининг энг сўнгги кунлари. Улугбекнинг илми нужумдаги кашфиётлари тилларда, элларда достон. Шаҳзодалар ва турли хил вазири вузаролар орасидаги низолар энг сўнгги нуқтасига кўтарилган.

Алишернинг кўз ўнгига шовқин-суронлар билан лиммо-лим тўла ҳаёт картиналари бирма-бир ўтади, турмушнинг турли поғоналарида турувчи одамлар, уларнинг ўзларига хос хулқи-одатлари, хатти-ҳаракатлари, мансаб йўлида олиб бораётган курашлари гавдаланади. Шулар билан бир қаторда ёш китобхон Алишернинг отаси камтар, мулойим феълли, кўзлари ақлли, калта соқоли ўзига ярашган, жуссаси кичик Ғиёсиддин Кичкина, букчайган қаддидга этаклари ерга сургалиб юрадиган зар тўн, оқ шоҳи саллада йирик гавҳар тожи ярқираб турган, қўлларида асл тошдан терилган тасбехни ушлаб юрадиган Шоҳруҳ Улугбек таърифида гап кетса, ҳамиша очилиб-сочилиб кетадиган ажойиб рангдор услугуб эгаси, туркий

шісірлар ила машхур Қобулий тахаллусли, әллик әшлар-даги Мирсаид, доим отасини сүкиш билан овора бўлиб юрган Абдуллатиф, кенг, узун, кўк товар кўйлак устидан майин зарбоғ камзул, оқ нафис шоҳи рўмол устида ғуж-ғуж ёқут, гавҳарлар қўндирилган тож, шода-шода дур, гавҳар, қашқар халқалар, билагузуклар, узуклар таққан Гавҳаршодбегим билан танишади. Уларининг ўзларига хос феъли, юриш-туриши, муомаласи, мавқеидан огоҳ бўлади.

Адаб Алишернинг шаҳзода Ҳусайн билан танишиши ва унинг билан бирга ўтказган пайтлари ҳақида ҳароратли сатрлар битади. «Бошида кичкина ишак салла, устида яиги бахмал тўн, оёқларида зарҳал этик, камарга олтии соили кичик ханжар сўқилган Ҳусайн» образи китобхон кўз ўигида ёрқин гавдаланади. Ҳар бир нарсада иккала дўстни бир-биридан ажратиб турадиган фазилатлар равшан кўрилади. Ҳусайн чуввос ҳайқириқлар билан қиличбозлик қилаётган йигитларнинг машқини ўзгача бир завқ билан кузатади. Алишерни эса «майдонда чониб юрган отларнинг қайси бири сулув, қайси бири чопқирлиги, ка-бутарларнинг ажиб рақси» ўзига мафтуни ётади.

Ҳусайннинг шаҳзодаларга хос хатти-ҳаракатлари, қувлиги, Хонзодабегим билан Абдуллатиф орасида тез-тез бўлиб турадиган сұҳбатлар, Ғиёсиддин Кичкина билан Гулбекимпинг самимий муомалаларин, бобосининг қуит билан ғаровдан най ясаши, Ҳиротининг «Майдони силоҳ» деб аталган катта майдонида паҳлавоилар кураши—буларнинг ҳаммаси ёш Алишернинг тасаввuri орқали берилади. «Ниҳоятда саводли, путқи ўткир йигит билан ичча табъи назм гўзал бир қизнинг» нок севгилари учун йигит қатл қилинганлиги Алишернинг кўзини очиб, ҳаёт ҳақидаги тасаввурини кенгайтиради.

Қиссанинг сўнгига рамзий бир тасвири бор. Алишернинг бобоси ҳар доим шаҳзодаларнинг тож-тахт учун олиб бораётган бемаъни курашларини ҳикоя қилар эди. Ана шундай ҳикоялардан бирини эшитган Алишер қаттиқ ҳаяжонга тушади ва аста кўчага чиқади. «У энди бо-

лаларга қўшилиб ўйинга кириша олмади. Кўнглида бир олам фикр тўғони, қўзларида сирли ҳаяжон ёлқини, баъзан хаёлчан бир зум ўлтириб қоларди. Келажакнинг буюк шоири балки шу он кўнглида шеър тўқир эди».

Севимли адабимиз Ойбекнинг сўнгги асари бўлган «Алишернинг ёшлиги» қиссаси тасвирининг тишиқлиги, образларининг ёрқинлиги, тишининг пишиқлиги билан китобхонни ўзига ром қилиб қўяди.

Б. Вадеецкийнинг «Фоний» романида Тверлик савдогар Микула Тверитни тасаввури орқали Алишер Навоийнинг буюк гуманист шоир ва ажойиб инсон сифатидаги ўзига хос фазилатлари ҳикоя қилинади. Бу асар хусусида фикр юритилганда унинг биринчи навбатда рус китобхони учун мўлжаллаб ёзилганини эътибордан соқит қилиш мумкин эмас, негаки, ўзбек китобхонларига аллақачонлар маълум бўлган Алишер Навоий билан Ҳусайн Бойқаронинг ёшлик йиллари, Султон Ҳусайн Бойқаронинг таҳти қўлга киритиш ўйлида олиб борган курашлари, Ҳиротнинг диққатга сазовор жойлари, ариқлар, хонақоҳлар, малрасаллар, карвоңсаройлар, одамларининг урф-одатлари хусусида умумий маълумотлар берилади, холос. Аммо романда Алишер Навоий билан Гули орасида туғилган муҳаббат тарихига кенг ўрин ажратилади. Нозик дидли, сулув Гули болалигидан бери Навоий газалларини ёд олиб, завқланиб юради, у Алишернинг ўзига нисбатан айрича туйфуларини жуда қадрлайди. Алишер Навоий ҳам давлат ишларидан қўли бўшади дегунча севгилиснинг уйига келади. Аммо уларнинг тотли муҳаббати кўп ҳам узоққа чўзилмайди. Султон Ҳусайн Гулиннинг камбағал хонадопидан чиққанини эшитиб, аччиғи чиқади. Гулиннинг Навоий сингари улуг бир зот учун иомуносиб эканини айтади.

Гули Ҳусайн Бойқаро ҳарамида эшитган ҳақоратларини оқизмай-томизмай Алишер Навоийга айтиб беради:

«— Сарой аҳли билан сен-менга бориб ўтирмаи, яхшиси мендан бутунлай воз кечиб қўя қолинг. Ҳадя қилган севғаларини энди ҳам ўзинигизга қайтариб бераман.

Алишер Навоий Гулинни ҳаяжон билан бағрига тортди ва кучли әҳтирос билан ўпа бошлади.

— Қийинчиликлар чўчитиб қўйдими, жоним! Ахир, сенга чўпондан кўра вазир билан турмуш қуриш оғир бўлишини айтмабмидим!»

Келтирилган бу диалогларнинг кимга қандай таъсир килишини билмайман-у, аммо шахсан мен Гули билан Навоийнинг шу хилдаги ғайри-табиий муомалаларига уччалик ишонмайман. Аввало Гулиннинг севган одамига айтган сўзлари жуда ҳам ҳиссиз, сўнк сўзлар бўлиб колган. Сўнгра унинг «ҳадя килган совғаларингизни ўзингизга қайтариб бераман» деб айтган сўзлари худди нотаниш кишига қилинганди совуқ муомалани эслатади. Навоий ҳар сафар Гули билан учрашар экан, ўзини гунохкор одам сингари айбдор, деб билади. Негаки, у сапой аҳли томонидан Гулига қилинганди адолатсиз муносабатни билса ҳам севгилиснин тузукроқ юната олмайди. Дарров тушкунликка тушади. Турли хил хақоратларга дош беролмаган Гули ўзини ҳовузга ташлайли, фожиали равишда ҳалок бўлади. Бизнингча, асарда Алишер Навоийнинг образи, япча хира тортиб колган. У ҳамиша ишмаданир куйиниб, ачишиб юралди. Баъзан куйиниб юринганинг сабабини ўзи ҳам битмайди. Ҳатто Тверянк элчи Микула Тверитинга Россия билан Ҳирот орасида дўсто на муносабатларни яхшилаш, савдо ишларининг фойласи ҳусусида гапирганида ҳам қандайдир бир руҳсиз ҳолатта туриб фикр юритади. Бу ҳодисанинг сабаби аниқ. Негаки, адаб тарихий манбаларга кўр-кўрона эргашиб иш тутади. Санъаткор сифатида Навоий образига ўзининг муносабатини билдирамайди. Шу сабабли, ёш китобхон буюк шоир ва ҳалқпарвар, таниқли давлат арбобининг образини аниқ тасаввур қилишга қийналади.

Миркарим Осимнинг «Зулмат ичра нур» қиссасида ҳам Ойбек ва Вадеций асарларида ҳикоя қилинганди тафсилотлар тилга олинади. Аммо адаб Мирхонд, Хондамир, Восифий асарларига сўёма-сўёз эргашмайди. Чунончи,

Алишер билан Ҳусайнинг болалик йиллари, Язд чўлидаги рўй берган воқеа, буюк тарихчи Шарафидин Али Яздий билан учрашув, қушлар тилига мафтун бўлиш, Паҳлавон Муҳаммаднинг ҳазили, Самарқанд сафари, Астробод сургуни, Ҳўжа Деҳдор ҳангомаси — буларнинг барчаси тарихий манбаларда неча марталаб қайд қилинган. Миркарим Осим бир қарашда илгаб олиш қийин бўлган майда-чўйда деталлар орқали Алишер Навоийнинг инсоний қиёфасини чизади. У фақат тарихий тафсилотларнинг энг зарурларинигина танлайди ва уларни хаёли ва билими кучи билан яна чуқурроқ тасвирлайди. Шу маънода Навоийнинг Астрободга қувғин қилиниш ҳикояси ибратли. Бу воқеа Ойбекнинг «Навоий» романида, «Навоий» фильмида, Уйгун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий», И. Мақсумовнинг «Навоий Астрободда» пъесаларида ҳам бир неча бор тилга олинган. Шунга қарамай Миркарим Осимнинг ҳикояси Навоийнинг буюк сиймосини ўзига хос тарзда ҳаққоний гавдалантиради. Назаримда Ҳусайн Бойқаро образи ҳам анча ишонарли бўлиб чиққан.

Ҳусайн Бойқаро саҳар уйқудан туриб, шаробдорини чақириб, бир коса майи ноб келтиришни буюради. Унинг аъзойи бадани караҳт, боши сирқираб оғриб турарди. Май нўш қилиб олгандан кейин сал ўзига келиб, муҳокама юргиза бошлайди: «У юқори доирадаги мансабдорларнинг икки гуруҳга бўлиниб, баъзан зимдан, баъзан ошкора суратда кураш олиб бораётганлари устида ўйлай бошлади. Бир-бири билан олишаётган ҳарифларни тарозининг икки палласига қўйиб, қайси бирининг тоши оғир эканлигини чамалаб кўрди: вазир Ҳожи Афзал инсофли, диёнатли амалдор. Шаҳар майдада савдогарлари, ҳунармандлар, деҳқонлар ундан нолимайди, бож-хирожни инсоф билан ундиради, аммо хазина кундан-кунга бўшаб, турмуш чиқимдан орқада қолмоқда. Ахир зарур бўлиб қолганда икки туман динор топиб беролмаса-я! Подшоҳ деган дабдабали зиёфатлар бериб туриши, чиғатой улу-

сининг беклари ва улуғ даражали мансабдорларига қимматбаҳо совғалар бериб, кўнглини олиб туриши керак-ку.

Маждиддин эса маккор ва олғир одам, агар ҳукумат жилови унга тутқазилса, хазинани дирам ва динор билан тўлдиради. Қип-қизил тилла билан тўлдиради, аммо ўзини ҳам унумтайди, халқнинг қонини ичиб зулукдек семиради... «Майли, семира берсин, бир куни қустириш ҳеч гап эмас».

Султон Ҳусайн Бойқаро дилида туғиб қўйилган режанинг амалга ошишига Алишер Навоий бошлиқ илм аҳли, фозилу фузало, қолаверса, бутун фуқаро норози бўлишини билади, шу сабабли бир амаллаб шоирни пойтактидан узоқлаштириш чораларини излайди. У Астробод хусусидаги суҳбатни анча узоқдан бошлайди. Аввал ўзининг соғлиги тобора оғирлашиб бораётганидан шикоят қиласди. Бир зум бўлса ҳам шоирни ўзининг самимийлигига ишонтироқчи бўлади. Ҳатто Навоийнинг «ичкиликка кўп руҷу қилинмаса, хусусан, эрта билан ичмоқнинг зарари кўпдир» деган гиналарига ҳам унчалик эътибор бермайди. Бошқа бир пайтда эҳтимол бу хилдаги кинояли сўзларни эшитмаган бўлур эди.

Ҳусайн Бойқаро кўнгил ёриб, дардини изҳор қиласа бошлайди: «Мамлакат гулзорининг ўт босиб кетган гўшасин обод қилмоқ керак, ё гапим номаъқулми?» Султоннинг суҳбат оҳанги, халқни ёқлаб гапириши Алишерни бир зум ром қиласди. Султон кўпчилик манфаатини тилга олиб, Алишер Навоий сингари буюк шоирнинг халқпарварлигидан усталик билан фойдаланади ва уни Астрободга жўнаб кетншга мажбур қиласди.

Адаб Алишер Навоийнинг Астрободдаги фаолияти тасвири орқали ўша даврнинг ўта зиддиятли картинасини чизмоқчи бўлади. Бир томондан Маждиддин бошлиқ қора кучларнинг ҳийла-найранглари, иккинчи томондан, Астрободнинг оддий меҳнаткаш халқининг

аянчли аҳволи китобхон кўз ўнгида рўйи рост гавдала-  
нади.

Миркарим Осим тасвирни шу ерида шартта кесиб, ту-  
гатиб қўя қолиши мумкин эди. Йўқ, адаб шоир Астро-  
бодга келди ва у келиши билан меҳнаткаш халқ аҳволи  
мутлақо яхшиланиб, қолди, дейиш билан чекланмайди.  
Бир масала ичидан яна бир масала чиқариб, мавжуд ту-  
зумнинг ич-ичидан чириб бораётганига ишора қиласади. Шу  
жиҳатдан шоирнинг жияни Мирҳайдар образи билан боғ-  
лиқ бўлган ҳикоя қизиқарли. Ўттиз бешларга бориб қол-  
ган енгил табиат, ҳовлиқма, асабий, бу хипча бел, кенг  
яғринли йигит баковулларнинг хиёнат йўлига кирган-  
ларини эшитиши ҳамона шовқин кўтаради. Ва Ҳиротга  
қайтиб борганидан кейин бир ичкилик зиёфатида «Сул-  
тоннинг баковули Алишерни заҳарламоқчи бўлғон эр-  
миш» қабилида гап тарқатади. Бу гап дарҳол сultonнинг  
қулоғига етиб боради. Воқеанинг шу хилда ривож олиб  
кетишидан қўрққан Ҳусайн Бойқаро Навоийни дарҳол  
Ҳиротга қайтаради, Мирҳайдарни зиндоинга ташлайди.  
Ушбу тасвирлар орқали адаб китобхон инигъонни сал-  
танат атрофида бўлаётган ички зиддиятларга тор-  
тади.

Ёш китобхон «Зулмат ичра нур» тарихий-биографик  
қиссасини ўқир экан, темурийзодалар орасида бўлиб ту-  
радиган тожу таҳт кураши тасвири билангина танишиб  
қолмай, балки ўша даврнинг ўзига хос урф-одатлари,  
турли хил кийимлар, шаҳарлар, карvonсаройлар, бекат-  
лар тасвири билан ҳам танишади. Масалан, асарда Аст-  
робод шаҳри тасвири қўйидаги тарзда берилади: «Қаспий  
денгизининг жанубий қирғоғида Димованд тоғининг эта-  
гида ястаниб ётган бу шаҳар жуда обод, карvonсаройла-  
ри ва дўконлари бисёр эди. Хурсондан Қавказга ва ки-  
чик Осиёга борадиган карвон шу шаҳар орқали ўтар эди.  
Аҳолиси курд, форс, озарбайжон ва туркманлардан ибо-  
рат бўлган Астробод арининг инидек ғувиллар, кимхоб,  
шойи тўн кийган аъёнлар, бойлар ва қирқ ямоқ бўз чо-

йонға ўралиб, кавушини зўрга судраган хұнармандлар, ҳаммоллар, хизматкорлар, кўчаларни тўлдирган эди»<sup>1</sup>.

Миркарим Осимнинг «Зулмат ичра нур» тарихий-биографик қиссасида ажойиб инсон, буюк шоир, йирик давлат арбоби Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятининг айрим қирралари ҳарорат билан ҳикоя қилинади. «Миркарим Осимнинг ижодий усули,—деб ёзади Н. Маллаев,—ушбу асар тўғрисида,—бошқа муаллифлардан катта фарқ қиласди. М. Осим ҳикоя ва латифаларпи йирикроқ бадний асарнинг таркибиға киритиб, уни сингдирив юбормайди, балки ҳар бир ҳикоя ёки латифа асосида кичик бир асар яратади. У Хондамир ҳамда Восифий ҳикоя ва латифалари асосида «Яхшининг шарофати», «Паҳлавон Муҳаммаднинг ҳазили», «Боги шамол бўсагасида» «Хожа Деҳдор ҳамгомаси», «Хирот доруғаси» «Сеҳрли сўз» каби воқеий ҳикоялар яратади. Буларининг ҳар бирин Алишер Навоийнинг ҳаёти ва у билан боғлиқ бўлган воқеалардан маълум бир эпизодни ташкил этади. М. Осим китобий манбаларга ортиқча эркин муносабатда бўлмайди. У аввало манбалардан муҳимроқ ҳикоя ва латифаларни танлаб олишга, улуг шоир ва мутафаккирларнинг ҳаёти ҳақида қизиқарли маълумот беришга интилади. Уларнинг асосини тўла сақлаб қолади. Бинобарин, Миркарим Осим ҳикоялари гўё Хондамир ва Восифий ҳикояларининг соддалаштирилган, ҳозирги ўзбек адабий тили билан баён этилган вариантларидек ўқиласди. (Бу ҳикояларни ёш китобхонларга мўлжалланган бўлиши ҳам шуни тақоизо этади). Аммо М. Осим ҳикоялари латифаларнинг айнан ўзи ва таржимаси дейиш ҳам хато бўлур эди. Муаллиф Хондамир ва Восифийдан «материал» олади, уни ўзига хос ижодий услуби ва усули билан ишлаб, воқеага, унинг мантиқига мувофиқ бўлган қўшимчалар кири-

<sup>1</sup> М. Осим. «Жайхун устида булутлар», Тарихий қиссалар. Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1975, 184-бет.

тиб, фантазия ва бадиий тўқимадан фойдаланиб янги асарлар яратади»<sup>1</sup>. Шунга қарамай ёзувчи баъзан «Ҳикоя тилини соддалаштираман» деб, айрим ўринларда шоир образига мос тушмайдиган ибораларни ишлатади.

«Паҳлавон Муҳаммаднинг ҳазили» ҳикоясида шундай гап бор: «Таажжубдан кўзининг пахтаси чиқиб кетган ёш шоир, пинагини бузмай, шеър ўқиётган паҳлавонга тикилганича қотиб қолди».

Китобхон Навоийни буюк инсон деб тасаввур қиласди. У ўз тасаввуридаги буюк шоирни «кўзининг пахтаси чиққан», «ёш шоир», «пинак бузмай», «қотиб қолган» ҳолда кўз ўнгига келтиролмайди. Бу ялпоқ ифодаларнинг бари ҳам Навоийнинг табиати учун қўполлик қиласди. Бундан ташқари булар замонавий тил ифодаларидир»<sup>2</sup>.

Навоий образини бачканалаштириш ҳоллари Б. Вадецкийнинг «Фоний» романида ҳам кўзга чалинади. Бу нуқсон айниқса Навоий билан Гулининг муносабатларини тасвирловчи саҳналарда равшан кўринади.

Гули Султон саройида эшитган сўзларини куйиб-пишшиб Навоийга айтади..

Тарихий шахсларнинг ҳаёти ва фаолияти хусусида ёзилган асарларда икки хил нуқсон кўзга ташланиб қолмоқда. Биринчиси, ўша шахслар ҳаётига доир икир-чикирлар кўпайиб кетиб, уларнинг фаолиятидаги етакчи томонларнинг сусайиб қолиши. Иккинчиси, тарихий шахслар эришган муваффақиятларнинг осонгина рўй бериб қолиши масаласидир. Бу албатта тўғри эмас. Алломалар, сultonлар, ҳалқ йўлбошчиларининг фаолияти бутун мураккаблиги билан тасвирланиши лозим.

В. Смирнова—Ракитинацинг «Абу Али ибн Сино» ном-

<sup>1</sup> Н. Маллаев. «Алишер Навоий ва ҳалқ ижодиёти». Faafur Fулом номли Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1974. 373—374-бетлар.

<sup>2</sup> И. Ф о ф у р о в. «Жозиба», Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

ли тарихий биографик қиссасида Ибн Синонинг ҳаётига доир жуда кўн тафсилотлар келтирилади. Натижада унинг табиат илми соҳасида олиб борган ижодий изланишлари бир оз хиралашиб қолади. Тўғри, қиссада Ўрта Осиёнинг минг йил муқаддам яшаган жаҳоншумул олими — улуғ ҳакими, риёзини, мунажжими, файласуфи, шоири ва бастакори Ҳусайн (Ибн Сино) минг ҳаёти, кўпқиррали илмий фаолияти, меҳнаткаш халқ саломатлиги йўлида олиб борган фидоийлиги анча қизиқарли ҳикоя қилинади. Табиатан зеҳни ўткир, тийрак Ҳусайннинг болалиги, илмга бўлган қизғин муҳаббати, устози Нотиий билан қилинган суҳбатлар, ҳаётини хавф остида қолдириб бўлса ҳам ҳақиқат излаши—буларнинг барчаси китобхон кўз ўнгидан бирма-бир ўтади.

Мана, Ҳусайн ўн тўрт ёшга кирган. Бўйи анча чўзилиб, устки лабида қора майса пайдо бўлган. Унинг келишган қадду қоматига ўткинчи хотин-қизлар ҳам лоқайд қарамайдиган бўлишган. Аммо у гўё савдоидек, ҳамма нарсани унутиб, кечаю кундуз ўқигани ўқиган. Ҳусайн ўз хонасишнинг эшикларини бекитиб кун бўйи китобдан бош кўтармайди. Кечалари ҳам алламаҳалгача кичик деразасидан кичик шамнинг заиф нури кўриниб турарди. Атрофдагиларнинг ташвиш билан айтган гапларини эшилганда, у жилмайиб китобдан бош кўтарар, лекин чеҳрасида на хасталик, на ҳорғонлик аломати сезилмасди. Ҳаёт ҷархналаги шундай бир нарсаки, у доимо бир маромда айланиб туради. Унинг ҳаракати бир қарашда уччалик кўзга чалимаса ҳам аслида кишилар тақдирида ўз муҳрини қолдиради. Шу тариқа тарих ғилдираги деган ажойиб тушунча ҳосил қиласди. Тарих ғилдираги ҳар бир нарсага ўта қизиқиб қаровчи, синчков Ҳусайннинг ҳам кўзини оча бошлади. Мана, улар хонадонида тинчгина нафас олиб яшаётган ошпазнинг ўғли—отбоб-қар Али тўсатдан бетоб бўлиб қолди. Мулла табиб қишилласида Алини музлаб ётган ҳовузда чўмилтиради. Шу кеча Ҳусайн мижжа қоқмай чиқди, Алининг изтиробли

юзи, қишиңининг аччиқ совуғи, муздек ҳовузда чўмилтириш—шуларнинг ҳаммаси унга ором бермайди. Ҳусайн ҳанузгача оғир қасални кўрмаган, унга иши тушмаган эди. Бугун анови қабиҳ табиб айтгандай, одам баданидаги қувватнинг ер, сув, ўт ва ҳаво билан алоқаси ҳақида ҳеч қандай тасаввuri йўқ эди, аммо бундай бўлмаса керак, деган беомон шубҳа юрагини кемирар, унга сира ором бермасди. Шу тариқа Ҳусайн риёзинёт, фалсафа сингари фанлар қатори табобат илмининг сиру асрори билан қизиқиб қолади. Бу йўлда тиниб-тинчмайди, ойлаб кутубхоналарда ўтириб мутолаа билан шуғулланади, ўзидан олдин ўтган олимларнинг илмий тажрибаларини синчилаб ўрганади. Ҳусайн ўз илмиси, тажрибасини ва истеъодини инсонпарварлик йўлига хизмат қилдиради. Ёзувчи ёш китобхонларга буюк олимпинг инсоний қиёфаси хусусида маълум тасаввур беради. Лекин шунга қарамай унинг фаолиятидаги етакчи томонлар икир-чикир тафсилотлар орасига кўмилиб қолади. Гоҳо Ибн Сино яшаган реал замин пафаси билинмай қолади. Айтайли, Ибн Синонинг табобат, риёзат, фалсафа соҳасида олиб борган изланишлари мантиқий равишда динни инкор қилади. Аммо олимнинг мураккаб ҳаёт йўли таҳлил қилинар экан, бир зум бўлса ҳам у яшаган муҳитни унтутиб бўлмайди. Демоқчимизки, Ибн Сино дин мутаассиблари билан кескин равишда кураш олиб борган бўлса ҳам, динни бутунлай инкор қилган эмас.

Миркарим Осимнинг «Жайхун устида булутлар», Клара Моисееванинг «Доно Беруний юлдузлари», Михаил Федоровнинг «Беруний ҳақида новеллалар» тарихий-биографик қиссалари, қорақалпоқ ёзувчиси Ўразоқ Бекбауловнинг «Қиётик дарбадар» биографик романларида Беруний ҳаёти ва кўпқиррали фаолияти ҳикоя қилинади.

Аввало тўртала асарда ҳам Берунийнинг болалиги, оиласи ҳақида, устозлари ҳақида бир-бирига ўхшаш маълумотлар берилади. Агар бу асарларда ҳикоя қилинган воқеаларни тарихий манбалар билан қиёс қилинса,

Миркарим Осим, М. Федоров ва Ӯразоқ Бекбауловларниң тарихий ҳужжатларни анча пухта ўрганганлиги билиниб туради. «Жайхун устида булутлар»да Абу Райхоннинг илм олиш йўлида чеккан заҳматлари тасвирида Миркарим Осим ижодкордан кўра Миркарим Осим тарихчи устун бўлиб қолганини англатади. Шу туфайли қиссада баъзан умумий қайдлар керагидан ортиқча кўпайиб қолади. «Беруний қадимги юон ва Үрта Осиё жуғрофиянларининг асарларини ўқишига киришиб кетди. Батлимус ер куррасининг глобусини ясаш йўлларини ўргатган эди. Йигирма бир ўшга кирган ёш олим диаметрии етти газ келадиган катта глобус ясади.

Турли мамлакатлар, шаҳарларнинг жуғрофий мавқеи оралиқларидаги масофали белгиловчи чизиқлар чизди. Ҳатто устуванинг (экватор) жанубида қуруқлик йўқ, деб ўйлагани учун уни кўк рангга бўяди. Бундан бошқа самовий жисмлар устидан мушоҳада олиб бориш учун устурлаблар, бурчак ўлчайтидан катта асбоблар ясади... Ёши йигирма иккига қадам қўйганида Берунийни ҳам ҳодисалар сели юмалатиб ўзи билан бирга жанубга олиб кетди, уни фозил одамлар ва ўзини олим ҳисоблаган мақтанчоқ пулдорлар, мағрур подшолар билан тўқнаштирди. Унинг тартибсиз, жўшқин фикрлари мунтазам бир шаклга кириб, вояга етди».

Аммо шунга қарамай, адабнинг тиниқ ифода услуби, қаҳрамонларнинг ўзига хос руҳий оламини чизишдаги маҳоратини тан олмай илож йўқ.

М. Федоровининг «Беруний ҳақида повеллалари»да Берунийниң қарматийлар вакили Ӯста Фарид билан мупосабатлари анча батафсил ҳикоя қилиннади. Қарматийлар жамиятниң турли пиллапояларида турувчи табақаларни тенглаштириш гояснин илгари сурадилар. Уларнинг гояси Берунийга ҳам ёқиб қолади. Афсуски, адаб Беруний билан қарматийларнинг алоқаси тасвири орқали жиддий ижтимоий масалаларни кўтариб чиқа олмайди. Бу ерда адаб шахсиятидаги ижодкорлик фазилатлари бирмунча

сўниб, тарихчи сифатидаги хислатлари «бўртиб» кўрини-  
гаи. Қорақалпоқ ёзувчиси Уразоқ Бекбауловнинг «Қув-  
ғин» романидаги Берунийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти-  
га доир тафсилотлар устма-уст қалаштириб ташланади.  
Қадимий Қиёт шаҳрининг карвонсаройлари, боз-роғлари,  
Жайхун дарёси ҳақида тўқилган турли хил чўичак ва  
афсоналар, шаҳзода Абдуллоҳининг таҳтга миниши, унинг  
олиб борган ножиддий сиёсати—буларнинг барчаси, ал-  
батта Беруний тарбия тоиган шаронитни тасаввур қилин-  
га озми-кўими имкон беради. Рост ган. Романда Беруний-  
нинг болалик йиллари анча иҳлос билан тасвирланган.  
Шоҳ Абдуллоҳ ўз мулоғимлари билан шаҳарга жўнар  
экан, одати бўйича шаҳар чеккасидаги Беруни қишилогида  
бир зум тўхтаб, отларини сугориб ўтмоқчи бўлади. Шу  
найт Тош қудуққа яқин ҳовлилардан бирда чақалоқ  
йигиси эшитилади. Анъанага кўра йиги ўғил боланини  
бўлса, шоҳининг ови ўнгидан келади. Шоҳининг баҳтига  
чақалоқ ўғил бола бўлиб чиқади. Шоҳининг олий фармо-  
ни билан чақалоқ дарров сарой тарбиясига олниади.  
Машҳур олим Абу Наср унга илм ўргатмоқчи бўлади.  
«Муҳаммад илмга қизиқиб қолди,—деб ёзади Уразоқ  
Бекбаулов,—у ҳамиша устози Абу Насрининг кетидан соя-  
дек эргашиб юрарди. Йиллар ўтгани сайни устоз билан шо-  
гирид орасида тугилган самимий муносабатлар мустаҳ-  
камланиб борди. Одамлар уларни гоҳида малрасадагина  
учратиб турнишарди. Устози ёзиш ёки тајриба олиб бо-  
риш билан шуғулланса, шогирди унинг хатти-ҳаракатла-  
рини зимдан кузатиб ўтиради». Ёш Муҳаммаднинг зеҳ-  
ини, илмга чанқоқлиги барчани ҳайратда қолдиради. Тез  
куни ичидаги у илму нужум, ҳандаса, геодезия, астрономия,  
музика, табобат, тил соҳасидаги барча билимларни ёз-  
лаштириб олади. Ва ҳатто яқин Шарқ билан Ўрта Осиёда  
биринчи бўлиб, глобус ясайди. Хуллас, Беруний қайси  
бир иш билан шуғулланмасни, дарров ҳал бўлиб қолаве-  
ради. Мана шу тарзда Абу Райҳон Берунийнинг илмий  
кашфиётлари ҳақида умумий маълумотлар берилади.

Биз, умумий маълумотлар иборасини алоҳида урғу билан айтаётимиз. Демоқчимизки, олимнинг мураккаб илмий изланишлари дуруст очилмай қолган. Тўғри, адид Беруний ҳаётида рўй берган муҳим воқеаларни тарихий саналар билан боғлаб ҳикоя қиласди. Ҳатто ўз мулоҳазаларини давнолаш учун ҳужжатларга ўрни билан мурожаат ҳам қиласди. Маълумки, ҳужжатлар ҳеч қачон бадиий таҳлил ўрнини боса олмайди. Бинобарин, адид ҳужжатларининг қули бўлиб қолган Аксинича, Клара Монсееванинг «Дено Берунийнинг юлдузларни» повестида бадиий тўқимага анча кенг эрк бериб юборилган. Асар қаҳрамонларидан бирни савдогар Муҳаммад ал-Хосиёднинг ўғли Ёқуб тўсатдан ҳарорати ошиб, ётиб қолади. Савдогар ёлғиз ўғли учун бутун бойлигини ҳам беришга тайёр. Ҳеч бир кимса унинг дардига даво тополмайди. Шу пайт кимдир карвоисаройда машҳур олим Абу Райҳон ал Беруний ҳам истиқомат қиласётганини айтиб қолади. Муҳаммад шошиб-пишиб олимнинг олдига илтимос билан боради. Ниҳоят Ёқуб шифо тонади. Олим билан учрашув савдогар ўғли Ёқубининг қалбидаги чуқур таассурот қолдиради. Қиссада Берунийнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига доир ҳикоя унинг шогирди Ёқуб тилидан берилади.

Миркарим Осим, Уразоқ Бекбаулов, Михаил Федоровлар Берунийнинг ҳаёти ва илмий фаолиятига доир барча иккир-чиккир маълумотларни ҳикоя қилишга интилсалар, Клара Монсеева энг муҳимларни хусусида кенг тўхтайди. Шу жиҳатдан унинг Маъмун саройида тўплангандай олимлар давраси хусусидаги ҳикояси ибратли. Берунийнинг ижтимоий ҳаётда ўйнаган ролини тушунишда унинг шоҳ саройидаги фаолияти билан танишиш муҳим аҳамиятга эга. Айрим тарихий манбаларда Беруний билан Маъмуннинг муносабатлари бир мунча идеаллаштириб берилади. Гўё Ҳоразм шоҳи Маъмун олимнинг илмий ғояларини ҳамиша қўллаб-қувватлаган. Ҳатто бу соҳада дин пешволарининг фикрларини ҳам менсимай қўйган. Ҳарқалай, адид бир зум бўлса ҳам олим билан шоҳ орасидаги тафо-

вутни ва улар муносабатларидаги нозик жиҳатларни унутмаслиги лозим. Маъмун саройидаги олимлар йигилишинда Беруний ерининг айланини қонунини қаттиқ туриб ҳимоя қиласиди. Табнийики, диндорлар унинг бу фикрини «ҳазм» қиласа олмайдилар. Демак, бу масалани бутун мурракаблиги билан акс эттириши лозим бўлади. Масалан. Павел Булгаков ва Шуҳрат Аббосовининг «Беруний» фильмида Беруний билан Газна султони Маҳмуд Газнавийнинг муносабатлари бирмунча идеаллаштириб акс эттирилган. Тўғри, тарихий ҳужжатларда олим билан султон орасида бўлиб ўтган воқеалар анча кенг ва муфассал ёритилади. Ҳужжатларда Султон Маҳмуд Газнавий Берунийни турли хил йўллар билан хўрлаганилиги тилга олиниди. Фильмда бўлса олим ҳадеб Султонга насиҳат қиласиди, ақл ўргатади. Уларнинг муомалалари устоз билан шогирдининг муомалаларига айнаи ўхшаб кетади. Бу ҳодиса тарихий ҳақиқатининг бузуб акс эттирилганлиги ишонаси, бинобарии, бадний ҳақиқат спфатида ҳам китобхонларни ишонтирумайди.

Тарихий мавзуга кўйл ургани ҳар бир адаб, тарихий фактларга суюнган ҳолда бадний ҳақиқат яратиш лозимлигини унутмаслиги керак. Мен бу ерда айрим тарихий манбаларининг турлича талқин қилининини ҳам кўзда туваётимрман. Масалан, бадний китобларда Берунийнинг иштим ҳаёти турлича талқин қилиниб келиммоқда. В. Смирнова-Ракитинцининг «Абу Али ибни Сино» қиссасида ҳикоя қилининишича, Беруний Бухорога борганида Ибн Синони топиб, унинг билан танишади. У Ибн Синога қарата шундай дейди:

«Сиз ҳали ёшисиз, лекин менинг укамениз, бинобарии, кеча келган иккичин хушхабарни ҳам Сизга айтиб қўймоқчишам. Дўстларимнинг хабарига қараганда, уйда—Хоразимда хотиним қиз кўрибди, отини Райҳон қўйинбди—лар». Ўразоқ Бекбауловининг «Қувғин» романидаги олимнинг Қундуз деган бир камбағал қизига уйлангани ва ундан фарзанд кўргани, исмини Райҳон деб атагани пақл

қилинади. Миркарим Осим, Клара Моисееваларнинг қиссаларида Берунийнинг умр бўйи бўйдоқ ўтгани, аммо Райхона исмли қизга муҳаббат қўйгани тилга олиниади. Бошиқа бир тафсилни олиб кўрайлик. «У Султон Маҳмудни иқи сўймаса ҳам Ҳиндистон сафарида бирга бўлнишга жон-дилидан рози бўлди». (К. Моисеева «Дено Берунийнинг юлдузлари»), «Қармат Абдисамад Аввалининг қатл қилинганини кузатган Беруний иентаси ошиб ётиб қолди. Сал ўзига келини билан Султон Маҳмуд уни Ҳиндистонга жўнатиб юборади». (М. Федоров «Беруний ҳақида новеллалар»).

Шу хилдаги бир-бирига мутлақо ўҳшамайдиган кўпинча фактларни келтираверини мумкин. Бизнинг истагимиз келтирилгаган ҳар бир фактнинг магзи чақилса ва шу орқали тарихий шахслар ҳаётининг мураккаблиги кўрсатилса, тарихий маизуда ҳикоя қилувчи асарни қўлга олган китобхон ундан ўз замони учун зарур бўлган ҳамоҳанглик бўлшинини истайди. Агар ҳамоҳанглик иплари санъаткорона қилиб уламиаса, ўша асарининг тарбиявий аҳамияти кам самарали бўлиб қолади.

Тарихий фактларга сўяшган ҳолда давр ҳақиқатини гавдалантириш Комил Икромовнинг «Маҳмуд дорбоз» қисесасида ўзига хос равишда акс этган. Бу асар ённинг китобхони ҳаёлини узоқ ўтмани—XIII асрининг охири—XIV асрининг биринчи ярмига элтади. Бу даврда қалимий Хоразм динёрида афсонавий баҳодир на буюк шоир Паҳлавон Маҳмуд яшаган. Адиб Ҳивадаги шоир мақбараси деворларига битилгаган рубонийлар, халқ орасида тарқалгаган ривоят ва афсоналарга сўяниб, улуг сиймонининг жозибали образини яратади. Паҳлавон Маҳмуд доиниманд ва гоят истеъдолди, камтарини, очиқ кўнгил ва соғ вижидонли инсон сифатида китобхони кўз ўнгига гавдаланаади. Комил Икромов ҳаминча ҳақиқат излагаган ростгўй қаҳрамонининг машққатли ҳаётини ишонтиярларни тарзда тасвирлайди. Маҳмуд тўғри сўзлиги учун жоҳил ва подон Ҳива шайхи Сайд Аловуддин томонидан она юртидан ба-

дарга қилинади. У орадап кўп ўтгачгина, сон-саноқсиз жасоратлар кўрсатиб, кўшига ғаройиб саргузаштларни бошидан кечириб Хоразмга қайтади. Маҳмуд дарбадарликда юрган йилларда шоирнинг онасини шайхнинг ялоқхўри мулла Мухтор очликка маҳкум этиб, ҳалок қилган, ҳовли-жойи вайрон бўлган эди...

Паҳлавон Маҳмуд донолиги, баҳодирона қудрати, буюк истеъоди ва юксак маҳорати билан ҳалқнинг меҳр-муҳаббатини қозонади. У адолатни, оддий меҳнаткаш эл манфаатини қаттиқ турив ҳимоя қилас, шу сабабли ҳалқ орасида обрў ва мартабаси баланд, қора инятли шайху муллаларнинг эса қўли қисқа эди. Паҳлавон Маҳмуднинг шуҳрати шоир вафотидан кейин ҳам сўнмай, тескарничи дин аҳлини, замона зўрларини тинч қўймади. Натижада улар бу улуг инсоннинг пок номи ва таъсиридан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга қарор қилиб, уни авлиё деб эълон этадилар.

Қисса Хива бозори тасвири билан бошланиб, яна шу манзара тасвири билан хотималанади. Асарнинг аввалинадиги бозорда мулла Мухтор шайх Сайд Аловуддин топшириғи билан «дин душмани», «шаккок» Маҳмуд ортидан айғоқчилик қилиб юради. Қисса сўнгига тасвирланган бозор эса шоир вафотидан беш аср кейин Паҳлавон Маҳмуд мақбараси пойида ҳамон гавжум, ҳамон ўша даврдағидай шовқин-сурон билан яшайди. Дунёда эса бу даврда қанчадан-қанча буюк воқеалар содир бўлди. «Колумб Американи кашф этди. Ньютон бутун олам тортилиш қонунини очди. Шекспир ўз пьеса ва сонетларини яратди. Францияда инқиlob содир бўлди. Россияда декабристлар қўзғолон кўтарди». Хивада эса ҳамон шайх Сайд Аловуддин замонасидагидек одатлар ҳукм суради: «Ҳар ким ўзида бори билан савдо қиласди. Бой—ҳаромдан тоғаннини, камбагал—ишлаб қўлга киритганини, ўғри—ўғирлик молини, гадо ва ногиронлар эса ўзларининг турки-тароватини «бозорга солади». Худди ўша — қадимги даврлардагидек «қорни катта муллалар, танасига жир

битаётгани муллаваччалар», хон ясовуллари бозорда хўжайини. «Ҳеч ким ясовулнинг мушугини «пишт» дей олмайди, ҳеч ким берган нарсасининг ҳақини талаб қилолмайди, ҳукуматчилик!»

Хива «Минг бир кеч» эртакларида тасвиirlangанидек, оғир уйқуга чўмган. Қиссада бу ҳолатни аниқловчи бир неча жумла бор. Бу сатрлар минг йиллик уйқуга кетган шаҳар ҳақидаги тасаввурнинг қанчалик алдамчи эканлигидан дарак беради. Қиссанинг аввали ва хоти-масида келтирилган бу калималарда бизнинг ҳозирги кунимизга ишора қилинади. Комил Икромов ён китобхонга Хоразм днёрига Октябрь ишқилоби қандай фаровонлик келтирганинг хусусида батафсил ганириб ўтирумайди. Бу нарса ўз-ўзидан келиб чиқади. Чунки асарни ўқиган ҳар бир китобхон қисса қаҳрамони ва унинг дўстлари, ҳамда издошлари билан бойлар, шайху муллалар, хуллас, замон зўрларининг ҳокимиятини ағдариб ташлаб, меҳнаткаш халқ, ҳукмронлигини ўрнага марди-майдонлар орасида маънавий яқинлик борлигини осонгина фаҳмлаб олади. Асар китобхонда эзгулик, муҳаббат ва садоқат туйгуларининг ўлмаслиги, ҳунар ва истеъодод қудрати, ҳақиқат учун курашнинг мангулиги ҳақида чуқур фикр ўйғотади.

Комил Икромовнинг узоқ ўтмиш мавзуидаги «Маҳмуд дорбоз» қиссаси ён китобхон днекатини қайта-қайта ҳозирги кунимизга қаратади. Бу жула қонунийдир. Чунки Паҳлавон Маҳмуд курашгани текин-хўрлик ва насткашлик, жаҳолат ва подонлик, аблажлик ва кўролмаслик каби иплатлар гоят яшовчандир. Бундай иплатларга қарши олиб борилётган жанг ҳали тўхтаган эмас. Демакки, асарда бугунги ҳаётнимиз учун гоят муҳим бўлган масалалар кўтарилган. Қиссада «... ҳар бир тарихий шахс... айни замонда оддий бир одам, бошқалар каби севадиган, нафратланадиган, дардланадиган ва суюнадиган, орзу ва умид қиладиган одам»

эканлиги сезилиб туради.<sup>1</sup> Асарнинг құммати ана шунда.

Михаил Федоровнинг «Гуломлар» диологиясіда халқымыз тарихининг әнг кам үрганилган даври ҳикоя қилинади. Бу асарда юз берган воқеалар XI асарнинг бошларида бўлиб ўтади. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, бу даврга келиб, фуқаро бошига жуда кўп қора кунлар тушади. Самарқанд ҳокими Али Тегин марказлашган салтанат қуриш мақсадида ҳадсиз қирғинлар уюштиради. Унинг Қашқар ҳокими Қодирхон билан олиб борган урушлари мамлакатни ортиқ даражада заифлаштириб қўяди. Ҳокимлар халқни турли хил йўллар билан шафқатсиз равишда талайди. Салтанат халқин жиловлаб турғыш учун мунтазам ҳолда сарой гвардияси — гуломларни сақлар эди. Гуломлар ҳокимларнинг ҳовли-жойларини қўриқлар, савдо карвонларини ҳимоя қиласар, босқинчилек урушларида актив фоалият кўрсатар эдилар. Улар орасида нисоғ, диёнат билан иш кўрадиган гуломлар ҳам учраб турарди. Тарихий манбаларда қайд қилинишича, айрим гуломлар ўз истеъоддлари туфайли вилоят ҳокимлиги ва ҳатто ҳарбий саркарда даражасига ҳам кўтарилганлар. Улар орасида ҳокимларнинг адолатсиз ишлари билан чиқиша олмай халқ тарафига ўтиб кетганлари ҳам бўлган. Ҳулласи, гуломларнинг ўзига хос ва мураккаб тарихи кўнгина асарларнинг мавзун бўла олиши мумкин.

«Гуломлар» диологияси икки ёш ўсмир Қосим билан Мансурнинг сафарга чиқиш тасвири билан бошланади. Эркинликда яшаб ўрганган бу икки йигит назарида абадул-абад қишлоқда яшаб қолиши ўлим билан баробар. Улар олис юртларга чиқиб, ўзларнинг бахтини синаб кўрмоқчи бўладилар. Тақдирининг тақозоси билан дўстлар савдо карвонига қўшилиб олишади. Аммо карвоннинг бир маромда имиллаб юриши романтик

<sup>1</sup> В. Г. Белинский. «Ташланған асарлар». Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти. Тошкент. 1955, 130—134-бетлар.

табиатли дўстларни ортиқ даражада зериктириб юборади. Ахийри, бўлмайди. Мансур билан Қосим карvonдан ажralиб, ўз билгиларича хатарли йўл танлайдилар ва шу тариқа улар қул савдоси билан шуғулланувчи гурухнинг қонқонига илшинб қоладилар. Шу тариқа Мансур билан Қосимнинг гуломлик даври бошланади. Абу Бакир номли ўта айёр савдогар бу иккала гуломни Самарқанд ҳокими Али Тегинга тортиқ қилади. Ҳоким саройида хизмат қилиш осон эмас эди. Улар ҳар қадамда турли хил қийинчиликларга рўнара бўларди. Гоҳ тишимсиз жанглар, гоҳ маҳфий тоғишириқлар дўстларнинг тишқа мадорини қуритарди. Аммо Мансур билан Қосим қийинчиликлар олдида довдираб қолишмайди, балки доимо ақл билан, фаҳм-фаросат билан иш кўрадилар. Тўғри, адид иккала дўстнинг Али Тегин саройига келгунга қадар саргузаштни аинча қизиқарли тасвирлайди. Шу билан бирга диалогида бош қаҳрамонлар образларига тегишли бир қатор муаммолар ҳам борки, бу ҳақда жиддий сўзлашиб олиш керакка ўхшайди. Биринчи масала Мансур образи билан bogliқ. Иккчилиси, Самарқанд ҳокими Али Тегин хатти-ҳаракатлари талқини хусусида. Тўғри, Мансур сарой гуломлари орасида ўта зийраклиги билан яққол ажralиб туради. Аммо унинг қарматийлар билан яқинлашуви, асирикка тушган Бўритегин билан умумий тил тошишуви, озодлик курашчиси даражасига кўтарилиши етарли даражада асосланмай қолган.

Мъълумки, тарих саҳифаларини қайта ўқиётган ва бинобарин бадиий тиклаётган адид ҳеч қаҷон синфиийлик масаласини унутмаслиги лозим. Бу хусусда фикр юритаётганимизнинг боини Михаил Федоровнинг «Гуломлар» диалогиасида Самарқанд ҳокими Али Тегин хулқи, одати, хатти-ҳаракатлари тасвирида гоҳо эдидининг аниқ позицияси кўринмай қолади. Бир қарашда Али Тегин олиб бораётган сиёsat ёш китобхонлар назарида жуда ҳам адолатли бир нарса бўлиб кўринади.

Негаки, Самарқанд ҳокими олиб борган сиёсатининг синфиий моҳияти чуқур қилиб очилмайди.

Айнан шунга ўхшаш нуқсонни Клара Моисееванинг «Муғ тогининг сирлари» қиссасида ҳам учратиш мумкин. Бу қиссада рўй берадиган воқеалар саккизинчи асрнинг бошларида рўй беради. Араб истилочилари ҳар қандай йўллар билан сүғдларни асоратда тутнб турмоқчи бўладилар. Бир умр қулликда яшаш жонига теккан сүғд ҳалқи арабларнинг босқинчилик сиёсатига қарши исён кўтаради. Бу исёнга Панж ҳокими Диваштич раҳнамолик қиласди. Аммо исён тузук раҳбарликнинг йўқлиги туфайли тезда тугатилади. Диваштич араблар қўлига асир тушади. Аммо унинг олиб борган сиёсати ҳалқ орасида қўллаб-қувватланади. Бу шунчаки айтишгагина осон. Аслида сўғдиёнада асрлар бўйи, шу жумладан Диваштич замонида ҳам камбағаллар билан бойлар орасида жиддий тўқнашувлар бўлиб келар эди. Сугдиёналик бойлар араблар билан ҳам тил топиб олишган эди. Қиссанинг бир жойида сўғдпёна ҳокими турклар ҳақида сўз юрита туриб, уларнинг ўта айёр бир ҳалқ эканлигига ишора қиласди. Бир сўз билан айтгацда «Диваштич Сўғдиёнанинг мутлоқ ҳокими». Шундай экан қандай қилиб у ҳалқ озодлик ҳаракатининг йўлбошчиси даражасига кўтарилиди? Тўғри, қиссада озодлик йўлига жонини тиккан Аспанзат ва ажойиб рассом Руставларниң ҳаёт йўли анча қизиқарли тасвирланган. Аммо асарда ёшларга нотўғри тасаввур берадиган бир хато фикр тез-тез тилга олиниб туради. Сўғдиёна давлатининг аҳолиси хусусида кўп ноаниқликлар бор. Қитобга ёзилган сўз бошида қўйидаги фикрларни ўқиймиз:

«Муғ тогининг сири» деб номлаган бу тарихий повестда Ўрта Осиёнинг энг қадимги давлатларндан бири Сўғдиёна ва унинг ҳалқи — тожикларнинг ўтмиши ҳақида ҳикоя қилиниади. Сўғдиёна давлатининг Маркази Самарқанд эди». Сўз бошида тилга олингани бу фикр бу-

тун қисса давомида яна бир ичча бир бор тақрорланади. Нанж ҳокими Диваштич Сўғдиёнага келиб қолган айрим туркларнинг айёргилини ҳам бир неча бор тилга олади. Қолаверса, адиба қиссанинг Самарқанд шаҳри таевирига бағишиланган қисмида ёзади: «Самарқанд карвон саройлари ҳамиша одамлар билан тўлиб-тошиб кетар эди. Бу ерда туркларни ҳам, русларни ҳам, шошликларни ҳам учратиш мумкин эди».<sup>1</sup>

Клара Моисееванинг тарихий ҳужжатларни чуқур ва атрофлича ўрганимагани шуидоққиниа кўриниб турди. Ахир, Самарқанднинг туб халқларидан бирни сифатида тан олинигган туркларни «карвонсаройларда туркларни ҳам учратиш мумкин» эди деб айтни бу тарихий ҳақиқатини айин бузиш дегани. Сўғдиёнанинг аҳолиси хусусида шу тарздаги чалкаш маълумотлар ёшлар тарбиясига зиёни етказади.

Болалар учун ёзилган асарларда сиғфийлик тушун-часига алоҳида эътибор бериш лозим. Мен шу ўринда Сергей Алексееванинг Степан Разин, Пётр I, Суворов ҳақида ҳикоя қилувчи асарларига диққатни тортмоқчиман. Бу асарларда қаҳрамонларнинг тарихда ўйнагаи буюк хизматлари ҳам, йўл қўйган шуқсоилари ҳам рўйирост тасвирланади. Масалан, «Суворов ва рус солдатлари ҳақида ҳикоялар» китобида деҳқонлар саркарда олдига адолат иштаб келишади. Улардан бирни бегуноҳ таёқ егани, иккинчиси, хўжайинига салом бермагани, учинчиси қарзини узмагани туфайли жазо олганларнини айтадилар.

Суворов бариннинг тутган сиёсатини маъқуллаб, деҳқонларнинг руҳини чўқтириб юборади. Ҳикоя қўйидаги сатрлар билан тугалланади: «Ҳафсаласи пир бўлган деҳқонлар жимгина тарқалишди. Улар бир-бирларига қараб: «...бой бойга боқар, сув сойга оқар» дейишди, холос».

<sup>1</sup> К. Монсеева. «Тайна горы Муг». «Детгиз», 1958, стр. 81.

Ушбу сатрлар билан танишган китобхонлар: буниси қаңдоқ бўлди, ахир. Суворов рус халқининг фахри бўлса-ю, эзилган дехқонлар жонига оро кирмаса, дейишлари турган гап. Бир қарашда бу гапларнинг замирида жон борга ўхшаб туюлади. Аслида тўғри эмас. Ахир, буюк рус ҳарбий саркардаси Суворов XVIII асрда яшади. У ўз даврининг аллақачонлар шаклланган қонун-қондлари, расм-русларини инкор қилолмас эди. Мабодо, адаб унинг нуқсоинларини хаспўшлаб, фазнлатларини қўшиб-чатиб тасвирлаганда эди, Суворовнинг тўлақоили образини яратоолмаган бўлур эди.

Шу жиҳатдан Миркарим Осимнинг «Ўтрор» ва «Темур Малик» сингари қиссалари билан танишни мароқли. Масалан, адабнинг «Ўтрор» қиссасида ўз она юртини мўғул истилочиларида ҳимоя қилишга бел боғлаган мардоиавор аждодларимиз образлари меҳрмуҳаббат билан чизилади. Ҳар нарсадан кўра эркин нафас олиб яшашни афзал кўрувчи шаҳар ҳокими Имолчиқ мўғулларнинг ҳнийла-ю найрангларига асло учмайди, ўз ватандошларининг душман томонига ўтиб кетиши ва ҳатто уларнинг элчиси бўлиб, Ўтрорга келишидан қаттиқ ғазабланади. Моҳир саркарда, жасур ва иродали жангчи саналган Имолчиқда давлат арбобига ярашмайдиган қизиққоплик ва сабрсизлик хислатларин ёам йўқ эмас эди. У асли ўзи қувликни, шумликни, риёкорликни билмаидиган чўрткесар одам. Имолчиқ Хоразмшоҳ мулозими қорача Ҳожибининг енгилтаклигини билса ҳам умумий мақсад бирлиги туфайли ғазабини ичига ютади. Мўғуллар билан бўлган тенгсиз жангда енгилган Имолчиқ Чингизхоннинг: «Сен эски хусуматларни унтиб, менинг хизматимга кир» деган таклифига «Мен ўз улусимга хиёнат қилмасман» деб жавоб беради. 1945 йили бу повесть ҳақида профессор Е. Э. Бертельс қўйидаги фикрларни ёзган эди. «Миркарим Осимнинг «Ўтрор» деган тарихий повести унинг Ўзбекистон халқлари тарихидан олиб ёзилган олдингп повесть ва

повеллаларидан бири бўлиб, бу асар ҳам ўзининг қатор ижобий фазилатлари билан диққатга сазовордир. Асар жонли тилда, жуда қизиқарли ёзилган. Адаб XIII эсл воқеаларини етарлича аниқлик билан ёрита олган. Унча катта бўлмаган бу повесть менимча, бундан кейин ўзбек ўсмирларининг севимли китоби бўлиб қолади. Ёш авлоднинг она диёри тарихи билан чуқурроқ танишувла-рига имкон беради!<sup>1</sup>

«Темур Малик» қиссасидаги Темур Малик образи ҳам айрим жиҳатлари билан Инолчиққа ўхшаб кетади. Хўжанд вилоятининг ҳокими Темур Малик мўгулларни тор-мор қилиш йўлида ҳеч нимадан тап тортмайди. Уни гоҳ аскарлар орасида, гоҳ шаҳар девори тагида турган мудофаачилар ичидаги учратиб қолиш мумкин эди.

Бир куни Темур Малик шаҳар мудофласини текшириб юрар экан, мўгулларнинг ҳужумга тайёрланаётганини сезиб қолади ва ёнида турган юзбошига «буюринг қозонлардан тош отсишлар»,— дейди.

— Бегим, нечун аларга тош оттирай, мўгул орасида бизнилар бор. Тошнинг кўзи йўқ, ўзиникини ўзгадан ажратади.

— Тошларга буюринг, ўзниларга тегмасун,— деб заҳарханда қилди Темур Малик.— Жуда содда одамсизда. Ўзниларга мени ачинмайдур деб ўйлайсизми? Ўзниларга тегмасун деб ўтирасак, мўғул остилизга келиб, оёғимизга болта урадур».

Шу тариқа Миркарим Осим Темур Маликнинг шаҳар мудофааси пайтидаги ўзига хос инсоний қиёфаси, мардлигини ҳаққоний тасвирлайди. Тарихий фактлардан чекинмаган ҳолда ўз қаҳрамонининг маънавий оламини аича қизиқарли акс эттиради. Аммо унинг Хўжандин ташлаб кетгандан сўнгги ҳаётни бирмуичча юзаки берилади. Баъзи ҳолларда тарихий манбаларда тилга олинган тафсиллар шундоққина баён қилинади. Натижада

<sup>1</sup> Бу ични тақриз адабининг шахсий архивида сақланади.

тасвир бир қадар сусаяди. Одамларниг чомлари тилга олинади-ю, аммо уларниг ўзларига хос инсоний қиёфаси, озодлик йўлида олиб борган мардонавор курашлари хира тортуб қолади.

«Қизилқум ичига кирган сари таъқиб этиб келаётган душманниг сони камайиб боради. Фақат Темур Маликниг бошини кесиб, бошлиқларидаи мукофот олиш ниятида бўлган энг ашаддий каллакесарларниң қувиб келмоқда эдилар, учқур отларга миниб олган Темур Малик ва унинг дўстлари орқаларига қайрилиб тинмай ўқ узар, юз-кўзларини чаңг босиб қорайиб кетган, опиоқ тишларини гижирлатиб келаётган қотилларни кетма-кет қулатар эдилар».

«Мўгуллар уни таъқиб этишга юрак бетламай, орқаларига қараб қочишиди. Темур Малик ўзининг бир неча йигити билан Хоразмга этиб борди ва жаңгии давом этириш учун у ерда аскар тўплаб яна Сирдарё томони юрди. Душманга босқин қилиб Янгикент шаҳрини озол қилди ва мўгуллар томонига ўтган шаҳар ҳокимини дорга осдириб, ўрнига бошқа бир садоқатли кишини бетгилади-да, бошқа шаҳарларни озод қилишга шошилди. Бироқ, Қизилқумда ўзларига нисбатан бир неча ҳисса кўп бўлган душман билан жаңг қилиб сингилганиларидаи кейин ботирлар яна чекинидилар. «Темур Малик мashaқатли йўл босиб, Эрон тупроғида мўгуллар билан жаңг олиб бораётган Жалолиддинга бориб қўшилди.»

Албатта шу хилдаги маълумотлариниг ўзига хос маърифий аҳамиятини инкор қилиб бўлмайди. Лекин ҳақиқий адаб ҳеч қачон тарихий фактларни шунчаки қайд қилиб қўяқолмаслиги керак. Тўгри Миркарим Осим асарларида кўпинча оддий кишилар образлари жонли ва қизиқарли тасвирланади. Адаб учқур хা�ёлларига эрк бериб юборади ва меҳнаткашлар ҳаётини анча кенг ҳамда батафсил кўрсатади. Шу орқали китобхонлар оиги ва тушунчасида меҳнаткаш халқ вакилларни ҳақида тўгри тасаввур тугдиради. Ма-

саласи, «Ўтрор» қиссасидаги камбагал йигит Темиртош образини олиб кўрайлик. Қувлик пималигини билмайдиган бу содда йигит шаҳар ҳокими Июлчиқниг хизматига киради. Қайлиги Мёнглий билан рўпара келганида титраб-қалтирайди, кўнгли кўтарилади. Бир куни онасини шаҳарга кўчириб келиш учун борганида тугилиб ўсган қишлоғини кўриб, фикридан қайтганини билмай қолади. «Бу чорбогни обод қиласман деб бобом ўлиб кетди, ҳар бир қаринч ер тўкилган тер, кўз ёниларин билан сугорилган. Борди-ю, кампирин ташлаб кетсан, мўгуллар уига шикаст етказмасмикни».

Темиртошниң опаси образи ҳам ёрқин чизилган. Ўғли уин шаҳарга олиб кетиш истагини айтганида: «Менга ҳеч нарса бўлмайдур» — деди кампир ўзига ишонгани ҳолда, — сен ўлдирадур дейсан, кампирин ўлдириб шоҳи чиқадурму мўгулиниг, ахир ўшал кофирларини ҳам онаси бордир». Аммо бу содда табиат ва художўй кампир «мўғул — аскарлариниң ёш мева дарахтларини кесишига тутишганларини кўрганида» инсоф, диёнат борми сизларда» деганини билмай қолади. Кампирнинг ғазабли сўзларини эшитган мўгуллардан бири шерикларига қарата шундай дейди: «Шу оғочин кампир билан қаватига човуб ташласам не берурсиз?

Унинг ҳазилкаш бир шериги:

— Онинг оқаргага калласини берурмиз, — деди.

Туқчор кампирга яқин келиб, кулиб боқди-да, бирдан чўққайди. Шу ондаёқ қилич ҳавода визиллаб, кампирнинг бошини олхўри дарахти билан кесиб кетди».

Шу тариқа адид ўз она юрти фидойилари бўлган турли хил типдаги кишиларнинг ҳаққоний образларини яратади. Ва бу ҳодиса китобхонларда ватанпарварлик туйғуларини тарбиялашга хизмат қиласми. Негаки, адид тарихий ҳақиқатдан чекинмай туриб, бадий тўқимага суюнгани ҳолда баркамол образлар яратади. Худди шу жиҳатдан Темиртош ва унинг онаси образлари Миркарим Осим нжодидаги энг ҳаққоний ва ёрқин образлар-

дан бирнидир десак, хато қилмаган бўламиз. Аждодларимизининг мўғул босқинчиларига қарши қураши С. Бородинининг «Дмитрий Доинский», С. Айнийининг «ХХ аср Чингизхони», В. Яшининг «Чингизхон», «Ботухон», «Сўнгги денгизгача», Ойбекнинг «Маҳмуд Торобий», М. Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди» асарларида ҳам ўз ифодасини топган. Бу мавзу Миркарим Осимининг «Маҳмуд Торобий» номли тарихий-биографик ҳикоясида ҳам қаламга олиниган. Илмий маибалаарда қайд қилинишича, бундан етти аср илгари Бухоро яқинидаги Тороб қишилогида Маҳмуд уста деган бир элакчи яшаган. У ўзининг Муҳаммад ва Али исемли иккι укаси билан саҳардан то шомгача меҳнат қилиб катта рўзгорини тебратиб турган. Ёши қайтиб, соқолига оқ оралаган бўйса ҳам Маҳмуд уста йигитлардек бақувват, тетик ва эпчил бир одам бўлган. Кейинчалик Маҳмуд уста камбағалларга бошчилик қилиб, мўғулларга таҳдид солади. Хўш, уста Маҳмуд Торобийнинг халқи йўлбошчи бўлишига ва бинобарин золимларга қаршн исён қўтаришига нималар сабаб бўлди? Ҳикоядан англашишишча, бир куни уста Маҳмуд элак гардишини эгиб ўтирганида кўзларни жовдираған раингпар, чоноининг елкасига ямоқ тушган бир деҳқон келиб, унга «кечаси қўрамдаи сиғиримни ўғирлаб кетибдурлар» дейди. Деҳқонининг илтимоси туфайли уста масжиди жомеъга келиб, халойиққа бўлган воқеани баён қиласди. Тез кун ичида изсиз йўқолган сиғир топилади. «Шу воқеадан кейин, — деб ёзади адаб, — уста Маҳмуднинг теварак-атрофга донги кетди, уни фақир-фуқароининг дўсти, гариб-гурабоининг ҳолини тушунадиган каромат эгаси сифатида таний бошлади».

Ун саккиз йилдан бери мўғул истилочилари зулми остида инграган халқ мамлакат осмонини қоплаган асорат булутлари орасидан озодлик қўёши чиқишини сабрсизлик билан кутади. Маҳмуд Торобий эса халқини

ноумид бўлмасликка чақиради, озодлик куни яқинлашиб қолганидан башорат беради.

Орадан кўп ўтмай бож-хирож тўплагани мўғул босқинчилари келганида, торобликлар қўлларига нима тушса шу билан қуролланиб, уларни қувиб юборадилар. Маҳмуд бошиқа қишлоқларга ҳам одамларини юбориб, уларни қуролланишга, босқинчиларга икки пул ҳам бермасликка даъват этади. Қишлоқ усталари қилич, пайза, ўқ-ёй ясашга киришадилар, халқ ҳаяжонга келади. Шу вақтгача тинч ётган халқ денгизи тўлқинланиб босқинчиларни ютиб, йўқ қилиб юбориш даражасига келди.

Албатта, тарихчи учун шу хилдаги тафсилотлар мұхим аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Аммо адаб учун фаяқат шунинг ўзи етарлиқ әмас.

Миркарим Осим Маҳмуд Торобийнинг халқ йўлбошчиси бўлини даражасига қадар ўсиб етишини жараёнини кўрсатиши зарур эди. Ахир, «халқ денгизининг тўлқинланиши» ва бинобарини «душман қаршисига бургутдек қанот ёзиб, ҳамлага тайёрланиши» бу шунчаки айтишгагина осон холос.

Буюк рус тақиидчиси В. Г. Белинский Пушкинининг тарихий мавзуда ёзилган асарларини таҳлил қилатуриб қўйидагиларни ёзган эди: «Ҳеч қандай иуфузга, ҳеч қандай таъсирга бериilmай, шонрони сезигирлик билан Годуновининг тарихий аҳамияти сирини очиб бериши лозим эди. Лекин, Пушкин бошдан-оёқ Карамзинга кўр-кўрона эргашган, оқибатда унинг драмаси қандайдир мелодрама, унинг Годунови виждан азобини тортувчи, ёвузлиги билан ўзини жазолаган мелодраматик ёвуз киши бўлиб қолган...»

Улуғ тақиидчининг бу фикрларини маълум даражада Л. Воронкованинг «Асрлар қаърида», С. Ҳўжаевининг «Яксартлар» асарларига ишебатан ҳам қўллаш мумкин. Биринччи асарда Александр Македонскийнинг Үрта Осиёга юриши ва Спитамен бошлиқ массагетлар, сўгд-

ларининг истилочиларга қарши олиб борган матонатли кураши улугланади. Аввало Македонийнинг зафарлари юришларини акс эттирувчи китоблар кўплаб ёзилган. Рим тарихчиси Аррианнинг «Александрийнг юриши», грек ёзувчиси Плутархнинг «Қиёсий ҳаётномалар», А. С. Шоффманнинг «Александр Македонийнинг шарқдаги сиёсати», Геродот ва бошқа кўпгина тарихчиларининг асарларида келтирилган маълумотларда, халқ оғзаки ижоди намуналарида, Фирдавсий, Навоий асарлари ва ҳатто Қуръонда ҳам Александр (Искандар Зулқарнайи) иштаг юришлари тилга олинади. Бу мавзуу В. Янининг «Қўргонлардаги гулханлар», Я. Илёсовиншг «Сүгднёна», М. Османинг «Искандар ва Синтамен» қиссаларида ҳам ўз ифодасини тонгай. Миркарим Осм билан Явdat Илёсовлар асарларида асосий ўринин Синтамен билан Искандар орасидаги кескин тўқнашувлар тасвири эгалласа, Любовь Вороникованинг романи тарихий-биографик плаңда ёзилган. Асар Александрининг ўша давр техникасининг энг сўнгги ютуқлари билан қуроллаиган ўттиз беш минг кишилик армияси Эрон чегарасини бузиб кириши тасвири билан бошланади. Эронни талаб бўлгач, у ўз лашкарлари билан Бақтрия, Сўгднёна мамлакатлари томони йўл олади. Ерлик аҳолини шафқатсизларча талайди. У бутуи дунёни ўзига бўйсундиришини хаёл қилади. Ўз мақсади йўлида яқин одамларига ҳам раҳм-шафқатин дариг тутади. Шу маънода ташникли саркардалардан Филот, Клим ва Аристотелнинг жияини, тарихчи Қаллисеренинг ҳаётин фожиа билан тугаганини айтиб ўтишининг ўзигина кифоя. Александр бегона юртларни истило қилиш учун турли хил ҳийалардан усталлик билан фойдаланади. Кези келганда қариандош-уругчилик тутинади, кези келганда қатл қилади. Хуласа, биз ўшинг ҳарбий саркарда сифатидаги фазилатлари билан анча яқин ташшамиз. Аммо Александрининг ўзига хос мураккаб инсон сифатидаги руҳий олами — жангу-жадаллар, қатл қилишлар тасвири

соясида қолиб кетади. Адиба кўп ҳолларда воқеалар ва ҳодисаларни қайд қилиш билан овора бўлиб қолади:

«Икки кун ичида Александр унга қаттиқ қаршилик кўрсатган беш шаҳарни қўлга киритди. Унинг қаҳр-ғазабига учраган шаҳар аҳли бутунлай қириб ташланди».

Орадан кунлар ўтди. Сўғдиёна бутунлай жимиб қолди».

«Сўғдиёна юртида Александр лашкарлари томонидан янги шаҳар қурилди. Уни кўриши билан Александрнинг кўзи қувиаб кетди».

«Александр бир ҳамла билан массагетларни беноён саҳро ичига қувиб юборди».

Шу хилдаги маълумотлар Искандар образига соя солиб туради. Унинг Синтаменга қарши олиб борган курашлари ҳам бадиий далилланмайди. Қизиги шуидаки, Любовь Воронкова тарихий маибаларга қатъий суюниб иш кўрса ҳам у яратган қаҳрамонлар хатти-ҳаракатлари бадиий жиҳатдан далилланмай қолган.

Миркарим Осимининг «Искандар ва Спитамен» қиссасида ҳам унинг «Ўтрор», «Темур Малик», «Тумарис» асарлари сингари чет эл босқинчиларига қарши мардонавор курашган йигит-қизиларимизнинг ёркни образлари чизилади. Айниқса, Спитаменинг маънавий олами қизиқарли тасвирланади. Уadolатли, қўли очиқ бўлгани учун аскарлар уни яхши кўрар, мард жанговар бошлиғининг кетидан ўзларини ўтга ҳам, сувга ҳам ташлашга тайёр эдилар. Спитамен бошқа бошлиқлар сингари жангда қўлга тушган ўлжанинг кўп қисмни ўзига олиб қолмас, арзимаган гуноҳлари учун аскарларига жазо беравермас эди. Бошқа саркардалар сингари бойиб кетмаган бўлса ҳам, Спитамен Сүғдиёни янги истилочилардан ҳимоя қилини иштиёқи билан ёнади. Ҳатто бу йўлда хотинининг истакларини ҳам ишобатга олмайди. Хотинининг Искандар томонига ўтиши ҳақидаги тактифларини эшишиб, «аввалги хотиним тирик бўлганда ҳозир кўнглимни овлаган, юрагимга далда берган

бўлур эди» деган хаёлга боради. У ўз аскарлари билан Йскандарга қарши жаигга киришар экан, «кўзларп газабдан чақирайди, кучига куч қўшилади». Она юртини озод қилиши иштиёқи уига далда беради. Спитамен тас-виридан Миркарим Осим ижодкорнинг Миркарим Осим — тарихчига нисбатан нафаси ўткирроқ сезилади.

Явдат Илёсовнинг «Сўғдиёна» романида ҳам шу фазилатни сезиш мумкини. Айтиш мумкини, бу асарда адаб Спитамен образига анча эркин ёндошган. Спитамен характерининг шаклланиш жараёни маҳорат билан чизилган. Агар Л. Воронкова, Миркарим Осим асарла-рида Спитаменини афсонавий қаҳрамон тарзида тасвири-лашга мойнлик кучли бўлса, «Сўғдиёна»да унинг ишоний қиёфаси анча реаллашади. Энг муҳимн, Спитамениниг оддий халқ вакиллари билан муносабатлари жонли тасвириланган. У аввал Искандарининг ғаразли иштиини пайқамай юради. Сўғдиёнада муқим бўлиб қолган кекса грек билан қилган суҳбатида: «Мен грекларниг таитилиги, донолигига тан бераман. Улар илмли, меҳнаткаш халқ. Биз греклардан кўп нарса ўрганишимиз керак. Аммо улар ҳам ўз навбатида сўғдлардан баъзи бир фойдали нарсаларни қабул қиласа ёмон бўлмас эди». Искандарининг машъум ишти очилиб қолгач, Спитамен ўз атрофига халқ вакилларини тўплайди. У бир неча бор ўз яқинлари билан қилган суҳбатларида халқин душманига қарши отлантириш зарурлигини таъкидлай-ди. Аммо Спитамен халққа таянса ҳам Сўғдиёнага ҳукмдор бўлиш иштидағ асло қайтмайди.

Романининг сўнгги саҳифаларида Спитамен билан бир дошишмайдиниг суҳбати берилади. Спитамениниг «халқ тарафида туриб жаиг қиласам ҳам дилим ёриш-маянти» деган ганига дошишманц «халқин ақл биланги-на эмас, юрак билан ҳам севга билиш зарур», дея жавоб беради. Мана шу таринқа халқ озодлик ҳаракатининг таниқли йўлбошчиларидан бирининг мураккаб образи чизилади. Умуман Явдат Илёсовнинг «Сўғдиёна» романи тарихий фактларга ижодий ёндошишнинг яхши

намунаси. Аммо ёзувчи баъзан хаёлларига ортиқча эрк бериб, Спитаменни ўта замонавийлаштириб ҳам юборади. Эҳтимол шу туфайли бўлса керак, унинг тинчлики, уруш, адолат, илм хусусидаги айрим фикрлари, ўта майхўрлиги, ўта билгаонлиги кишишга бироз эрини туюлади. Спитамен интеллектуал савиясен жиҳатидан бугунги замондошларимиз билан турли мавзуларда бемалол баҳс юрита олади. Бу ҳодисани «Сўғдиёна» романининг ютуғи сифатида эмас, аксинча, нуқсони тарзida баҳолаш керак.

Саъдулла Хўжаевининг «Яксартлар» тарихий-саргузашт ҳикоясида ҳам бир пайтлар Сирдарё бўйларида яшаб ўтган яксартларнинг чет эл босқинчиларига қарши олиб борган мардонавор курашлари қизиқарли ҳикоя қилинади. Тинч меҳнат билан шугулланаётган яксартлар кези келганда меҳмондўстликни ўринига қўйсалар, кези келганда душман аскарларига қарши жанг қилини ҳам биладилар. Доно Семирамида бошчилигига яксартлар боғ-роллар яратадилар, ажойиб қасрлар қурадилар, янги ерлар ўзлаштирадилар. Уларнинг ҳар бир ишида она юртига бўлган меҳр-муҳаббатининг нафаси сезилиб туради. Бу нарса яксартларнинг Кир ва Доро қўшинларига қарши олиб борган жангларида айниқса ёрқин акс этган. Шу жиҳатдан Семирамида ва унинг ўғиллари, келинлари кўрсатган мислсиз жасорат ёш китобхонларнинг маънавий оламини бойитади, уларни она-Ватанини севишга, қаҳрамонликлар кўрсатишга чорлади.

Аммо қиссада китобхонларни ишонтирмайдиган тасодифий ҳодисалар ҳам учраб қолади. Бу фикр бевосита эрон шоҳи Доро образига тааллуқли. Ҳикоянинг бошларида Доронинг хатти-ҳаракатлари жуда ҳам файри-табиий ҳолда берилади.

Доро ов қилиш билан маҳлиё бўлиб кетиб, тоғда адашиб қолади. «У тепага чиқсан одамларимни кўраман» деган умид билан юқорилай-юқорилай охири тог-

нинг устига чиқиб қолди». Шу лаҳза унга олисларда ҳашаматли қасрлар кўринади. «Қайси ҳокимга қарар экан булар!», дея ҳайратга тушади. Доро тасодиф билан Эрон шоҳи яксартлар доҳийси Семирамиданинг ҳовлисига келиб қолади. Семирамида унга яксартлар қурган ажойиб саройларни томоша қилдиради. Булар ҳаммаси албатта мумкин бўлгаи воқеалар. Аммо адабининг бадиий далиллаш санъатидан фойдаланмагани туфайли, китобхонлар дилида бир қатор саволлар пайдо бўлади. Аввало кўп минг кишилик қўшин ўз саркардасини йўқотиб қўйса бир зум жим қараб турмайди. Яна бунинг устига тоғнинг нариги томонида Эрон қўшишлари, берпиги томонида яксартлар юрти. Қолаверса, мулозимлар шоҳнинг ов билан қизиқиб тог устига чиқиб кетганини биладилар. Шундай экан эрон шоҳи Доронинг бир неча муддат яксартлар юртида бўлиб, сўнгра ўз қўшишлари ёнига қайтиб бориши далилланмай қолган.

Миркарим Осимнинг «Карвон йўлларида» ва «Дўстлик қалдирғочлари» тарихий қиссаларида қадимдан ўзбек ва рус халқлари ўртасида дўстона муносабатлар борлиги ҳикоя қилинади. Биринчи қиссада элчи Муҳаммадалининг Россияга қилган мاشаққатли сафари анча қизиқарли тасвирланади. Элчининг ҳамроҳлари Мулла Шокир ва Ҳожи Бахшиллонинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатлари ҳам китобхон кўз ўнгидаги ёрқин гавдаланади. Қиссада Борис Годунов подшоҳ Федор Иванович сингари тарихий шахсларнинг ҳам образлари берилган. Рус давлатига Федор Иванович подшоҳ бўлиб саналса ҳам аслида давлатни унинг вазири, замонасининг юксак маълумотли кишиси, уддабуро Борис Годунов бошқарган. Адаб унинг тутган сиёсати, юриш-туриши, қаттиқ-қўллиги, ўз душманларига беомонлигини кўрсатиб беради.

Қиссада Ҳожи Бахшилло, унинг чўриси Заҳро ва рус давлатининг элчиси Иван Бочковлар орасидаги муносабатлар тасвири орқали ўша даврга хос бўлган

ўрф-одатлар, давлатлараро муносабатлар, турли хил кишилар тақдири билан танишамиз.

Бу воқеаларининг тарихий маинбалари ҳам мавжуд. Академик М. Йўлдошевининг «XVI—XVII асрларда Ўрта Осиёning Россия билан олиб борган савдо ва элчилик алоқаларига доир» деб номланган тадқиқотида қўйидаги маълумотлар билан танишамиз: «Подшо Алексей Михайлович замонида Бухородан Москвага... 1675 йили Ҳожи Фарруҳ деган элчи келади... қайтишда Ҳожи Фарруҳ рус элчиси Василий Довудовдан раижиб қолади, чунки Довудов элчининг хотини салтанатни йўлдан оздирган. Хотин ҳожи Фарруҳдан чиқиб, Василийга кўнгил қўйган».<sup>1</sup>

«Дўстлик қалдирғочларинда» ҳам Хоразм юртида со-дир бўлган воқеалар тилга олиниади. Шаҳзодаларининг ўзаро низолари туфайли фуқаро ҳолдан тойиб давлат-лараро савдо-сотиқ муносабатлари тўхтаб қолади. Бир пайтлар Араб Муҳаммадхоннинг таклифи билан хоразмлик элчи Раҳимқул Москвага бориб, дўстона муносабатлар ўринатиб келган эди. Аммо ака-ука Асфандиёр, Абдулғози, Элбарс сингари шаҳзодалар орасидаги кураш бошланиши билан турли хил қирғинн-лар аж олиб кетди. Масалан, Элбарс таҳтга ўтириши билан отаси па ака-укаларини шафқатсизларча жазол-лайди. Китобхон кўз ўигида оққўнгил, дилкани, иродали Матмурод, рус элчиси Иван Хохлов, оғаларининг таъки-бидан қочиб юрган Авғон Муҳаммадларининг ёрқин об-разлари гавдаланади.

Аммо, шунга қарамай, мазкур қиссаларининг қўрилиши бир-бирига ўхшаб қолган. Биринчى қиссанинг яна бир камчилиги шуки, элчилар карвони Бухородан жў-наб кетгани айтилади-да, карвон йўлларидаги қаҳра-монлар ҳаракат қилаётгаш вазият, воқеа-ҳодисалар

<sup>1</sup> М. Ю. Юлдашев. «К истории торговых и посольских связей Средней Азии с Россией в XVI—XVII». Изд-во «Фан» Аи УзССР, Т., 1961, стр. 42.

кўрсатилмайди. Фақат ярим саҳифадан сўнг элчилар Москвага етиб келганилиги ҳақида ахборот берилади.

Иккичи қиссада эса, асарининг асосий мазмуни — ўша даврдаги асосий кучларининг кураши чуқурлаштирилиши керак эди.<sup>1</sup>

Комил Икромовнинг «Пиёда қўшин капитани» номли тарихий-саргузаштли романида исёнкор декабристлар билан маҳфий алоқаси туфайли сургун қилингани пиёда қўшин капитани Ельцовнинг тасодифларга тўла саргузаштлари ҳикоя қилинади. Давлат жиноятчиси деб айблаинган бу шоиртабиат йигитининг бошига не-не қора кунлар тушмади. У йўлда бир неча йўлтўсарлар қўлига тушиб қолади. Оғир касал бўлиб, ўлни билан юзма-юз олишади. Ва ахийри мииг машаққатлар чекиб, Хоразм пойтахти Хивага етиб келади. Бир пайтлар озодлик ишқида ёниб юрган пиёда қўшин капитани Ельцов эндиликда қул ҳолига тушиб қолган. Не илож мавжуд шаронт билан ҳисоблашишга тўғри келади. Капитаннинг бахтига уни бир пайтлар рус давлати билан дипломат муносабатлар олиб борган юзбоши Эшназаров соғтиб олади. Капитан Ельцовнинг Хоразм юртида асириликда кечгап йиллари Оллоқули Муҳаммад Баҳодирхонининг хоилик даврига тўғри келади. Тарихий ҳужжатларда Оллоқулининг хоилик даври Хоразм моддий жиҳатдан қашшоқлашган қора кунлари сифатида тилга олиниади. Пиёда қўшин капитани қулликда яшаса ҳам аммо унинг илгор гоялари ёшларнинг онгига таъсир қўлмай қолмади. Ельцовнинг таъсири остида юзбоши Эшназаровнинг ўғли Шерали, Мулла Каримнинг ўғли Юсуф, уста Иброҳим ўғли Азимлар рус халқинишг озодлик ҳаракати билан танишадилар. Бу танишиш ёшлар онгигда улкан бурилиш ясайди. Уларнинг мавжуд тузумга бўлган қарашларини бутуналай

---

<sup>1</sup> М. Мадмудов. «Баташ тақдирини ўйлаб», «Шарқ юлдузи», № 6, 1968 йил, 233- бет.

ўзгартириб юборади. Хуллас, адиб тарихий фактларнииг қули бўлиб қолмаган. Аксинча тарихий ҳужжатлар асосида тўлаҳонли қаҳрамонлар образларини яратган. «Агар дейлик, Степан Разин эски, ибтидоий усулда гапирилладиган бўлса, — деб ёзган эли А. Толстой, — кигобхон бу китобин стол остига улоқтиради. Шундай қилишга ҳақли ҳам. Аммо асар автори бошлангич даврда ҳалқиниг маънавий жамғармаси, тили ва урф-одатини албатта билган ва назарда тутган бўлиши керак. Марксистик тафаккурнииг қудрати ҳам мана шунида. Шу хислати билан бу таълимот бизнииг кўз ўнгимиизда тарихий ҳақиқатини чуқур очиб беради ва тарихий ҳодисанииг туб маъносини англашга ўргатади»<sup>1</sup>.

Юқорида биз тилга олган тарихий-биографик, тарихий-саргузашт типидаги асарлар, ривоятиномалар болалар китобхонлиги сифатида ёшлиарни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига ўзига яраша ҳисса қўшади.

---

<sup>1</sup> А. Толстой. «О литературе». М., 1950. стр. 329.

# ◆ «МАВЗУ МУҲИМ, ИФОДА ЗАИФ...» ◆

(Болалар драматургияси ҳақида ўйлар)

Болалар адабиёти масалаларига багишланган гурунгларда, турли хил даврларда, ижодий баҳслар ва мунозараларда, албатта, драма жаирининг қолоқлиги — мавзунинг торлиги, талқининиг жўилиги, ифоданинг занфлиги, тилининг почорлиги тилга олиниди. Ҳатто айрим ҳолларда ибратли мисоллар келтирилади. Ўзок йиллардан бўёй давом этиб келаётган шу хилдаги фикрлар, қарашлар, ёзувчилар, ташқидчилар, мураббийлар, китобхонларни бирмунча сергакликка ундаши табиий. Ростдан ҳам болалар театрлари репертуарининг камбагаллиги, газета ва журнал саҳифаларида эълон қилинаётган пьесалар савиясининг бўшлиги, бу соҳада аҳволининг аинча ташвишли эканини аинглатади. Сийрак бўлса ҳам ёзилтаётган бир хил тақризларда (мақолалар ўқининг орзу қилиш мумкин — П. Ш.) ҳамон А. Раҳматининг «Абдулла Набиев», Ҳ. Назирининг «Чирапма гоз — ҳунарнинг оз», П. Мўминининг «Суқатой-конфетвой», «Қовоқвой билан Чапоқвой» пьесалар қуппа-қуруқ саналиб ўтилади. Ваҳоланки, бу пьесаларнинг эълон қилинганига ҳам мана ўи-ўи беш йилдан ошиб қолди. Ҳўш, сўнгги йиллар ичида ёзилган ва саҳнага қўйилган пьесалар шима учун тилга тушмаётир? Ҳолбуки, сўнгги йилларда ёзилиб, эълон қилинган пьесаларнинг ютуқлари ва иуқсонлари хусусида жиддий фикрлашиб олиш пайти келди. Албатта, ўзбек совет болалар драматургиясининг буғунги даражаси, савияси, рус совет болалар

драматургияси ютуқлари билан қиёс қилишса, ҳақиқий ахвол бир қадар равшаш бўлади. Масала бу ерда пьесаларда тилга олинган мавзуу ва ушинг бадий ифодаси хусусида бораётир.

Маълумки, илмий-техника ишқилоби даврида яшаётган болаларнинг тушунчаси, қизиқиши доираси, дунё-қараши бекиёс даражада ранг-баранг. Табиийки, бу зийрак болалар дунё сирларини англаш иштиёки билан эртакларни, саргузашт илмий-фантастик асарларини кучли қизиқини ва зўр ҳаяжоп билан ўқийдилар. Ҳа, улар воқеалар, ҳодисалар, катталар ҳақида тушучаларни аввало ўйнилар, эртаклар орқали туйни, хис қилишга эҳтиёж сезадилар. Бу дегани кичкинтойлар учун ёзиладиган пьесалар фақат халқ оғзаки ижоди мотивларига суюниб ёзилиши лозим деган маънони аинглатмайди. Болалар драматургларининг бурчи шундаки, улар эртаклар орқали кичкинтойларни ҳаётининг катта йўлга олиб чиқиши, даврнииг мухим ижтимоий масалаларини ҳаққоний ифода этишларни зарур. Афсуски, ҳаммага маълум бу муқаддас тушунча кўпинча ишобатга олини-май қолаётир.

Бу ўрида рус совет болалар драматургиясиининг бой тажрибасини эслани жоиз бўлур эди. Ташиқли саҳна усталари А. Грибоедовининг «Ақлилилар балоси» комедияси ва Карл Чапек асарларининг болаларбоп саҳна нусхаларини яратдилар. Шу кечакуандузда «Анна Ка-реенина», «Отелло» сингари жаҳон адабиётининг класик намуналарини саҳналаштириш борасида мулоҳазалар айтилмоқда. Умумжаки болалар адабиётидаги ҳам кичик китобхонларни шу бугунги кунининг долзарб проблемалари билан ташкишиш эҳтиёжи куи тартибидан тушганича йўқ. Шу маънода Ж. Родарининг «Чиполино»нинг саргузаштлари», А. Линдгрен қиссаси бўйича тайёрланган «Кичкинтой ва том тепасида яшовчи Карлсон», Януш Корчак эртакларига таяниб ишланган «Король Матиуш Биринчи» пьесалари ўтқир ижтимоий

масалаларни ҳаққоний тасвирлаб берганини туфайли саҳнадан тушмайди.

Шу хилдаги ижобий фазилатлар совет болалар драматургияснинг фахрн саналган С. Маршакнинг «Доно буюмлар», Е. Шварцнинг «Қизил шашкача», «Икки зараңг дарахт», «Қор маликаси», Н. Носовнинг «Билмасвойнинг бошидан кечирганлари» асарларига ҳам хос. Бу эртак-пъесаларда даврининг ўткир руҳи мұхим замонавий проблемалар, болаларниң катталар олами билан танишии жараёни, улар руҳиятидаги ўзгарышлар анча чуқур ва мукаммал таҳлил қилилгап. Үмуман, дүнё болалар адабиети тажрибасыда ҳам халқ оғзаки ижоди мотивларига таяниб пъеса ёзниш апъанавий туsgа кирған. Шу туфайли адибларимизнинг эртак-пъесалар ёзашга бұлған иштиёқи, Охунбобоев номлы ёш томошабишилар ва республика құғырчоқ театрларининг эртак-пъесаларни тез-тез сақналаштириб туриши бежиз әмас. Аммо эртак-пъесалар ҳам бошқа жаңрларда ёзилған барқамол асарлар сингари мәғзни түқ, пишиқ бўлиши, кичкитойларнинг руҳий оламини ҳаққоний акс эттириши лозим.

Сўнгги беш-үн йил ичида нашр қилингган пъесаларнинг асосий қисмими эртак-пъесалар ташкил қиласди. Уларни шартли равишда иккى гурухга тақсимлаш мумкин. Биринчи гурухни қушлар, паррандалар, ҳайвонлар ҳаётини экс эттирувчи пъесалар ташкил қиласа, иккинчи гурухға ўтмиш турмушдаи ҳикоя қилувчи драмаларни киритиш мумкин. Газета ва журнallарда эълон қилинаётган, театрларда қўйиллаётган бошқа яна кўпгина пъесаларда ахлоқ, одоб, тарбия, ҳарбий-ватанипарварлик мавзулари қаламга олинган. Бу пъесаларда асосан ис-қиরт, дангаса, ялқов, ўзбошимча болаларниң қайта тузалиш жараёни баён қилинади. Биз «баён қилчади» иборасига алоҳида ургу бериб гапираётимиз. Негаки, «Энг қиийи жаңр» ҳисобланған драма жирида қаҳрамонларнинг маънавий олами ҳаққоний тасвирланиши

керак. Сўнгра, ҳеч қачои бадиий асар қимматини мавзунинг якка ўзи тайинлаган эмас. Ҳар қандай мавзунинг бадиий ифодаси бу адиллар маҳоратини тайинловчи муҳим мезонлардан бири эканлиги ҳам аниқ.

Бу фикрнинг ростлигини лоақал Эсон Раҳимовнинг «Тайёрга айёр», Неъмат Рӯзимуҳамедовнинг «Чатоқ қўён», Гайратийнинг «Ўрмонда» пъесаларининг қиёсий таҳлилида ҳам равшан кўрса бўлади. Учала пъесада ҳам муҳим ахлоқий масалалар қаламга олишган. Биринчи пъесанинг қаҳрамони чираничқ қўён «понукдай думи», «чопогонлиги» билан мақтанишини ёқтиради. Чираничқининг фикрича, ҳамиша «ёз бўлиб, қиши бўлмаса, оши бўлиб, иш бўлмаса». Аслини олганда у ўта ялқов, дангаса, айёр, доним кир-чир бўлиб юради. Бир амал-тақал қилиб, от билан түяниш беминнат кучидан фойдаланишини ўйлади. «Чатоқ қўён» даги қўёича ҳам чираничқ сингарн ўлгудай ялқов, дангаса, алдамчи. Мехнат қилишга бўйин ёр бермайди. Униси ҳам, буниси ҳам дўйини тор келиб қолса касаллигини пеш қилиб туриб олишади.

Чираничқ қўён:  
— Борлир фақат бир чора,  
Кўриб ахволим зора,  
Қалби эришиб кетса,  
Арзи додимга етса  
Кўриб ахир йиглашим,  
Юрак багрим тиглашим.  
(«Тайёрга айёр»)

Чатоқ қўён:  
Эҳей, (боинини бояглайди)  
Бошимини бояглай қаттиқ  
Демасин яна улар  
«Қани тур,  
Ҳой, ишга чиқ!»  
Оғриб қолди бошигинам  
Ололмайман пафас ҳам.  
(«Чатоқ қўён»)

Албатта, айнан бир хил мавзу бўйича баркамол асар-

лар битиш мумкин. Аммо қаҳрамонлар ҳзётининг ифодаси ва талқинида адабларининг ўзларига хос нуқтаи назари ва чуқур эстетик таҳлил ҳам бўлиши зарур. Тўғри, «Тайёрга айёр», «Чатоқ қуён» пъесаларининг маърифий-эстетик қимматини ишкор қилмаймиз. Баридир шунга қарамай адолат юзасидан айтганда, иккала пъесада ҳам қаҳрамонлар талқини юзаки чиқиб қолган.

Ғайратийининг «Ўрмонда» пъесасининг бош қаҳрамони ҳам қуёш. Аксинча бу қуён ўта содда, тўғри сўз, меҳнаткаш. Ваҳший бўри қуёнининг бўш-баёвлигидан фойдаланиб, уни тутиб олиб ейди. Бу воқеадан газабга келган қуёнлар, айиқ полвон, олмахонлар ёрдами туфайли эзгулик душманлари бўлмиш Бўри, Тулки ва Йўлбарслан ўч олишади. Эзгулик зулм устидан тантана қиласди. Лекин улар орасидаги кураш жараёни тасвири жинидай хирадлашиб қолган.

Халқ оғзаки ижоди матерпалларига асосланиб ёзилган пъесалар хусусида сўз юритилса, Б. Халиловининг «Чол ва бўри», П. Макляревскийнинг «Сирли хум», Р. Ботировининг «Пахтаой», А. Бобоҷоновининг «Уч ботир», М. Турсунхўжаевининг «Болтабой хасис», Н. Ҳабибуллаевининг «Фотиманинг саргузаштлари», Л. Бобоҳоновининг «Хадичани уйғотинг», А. Қобулов ва Л. Бобоҳоновларнинг «Шавкатнинг саргузаштлари», «Раҳим ва қўнғиз», М. Муҳамедовининг «Тўти ва Қумри» Т. Фойиповининг «Вали ботир», С. Абдуқаҳҳернинг «Миттивой исмли кичик пашлавон», «Алижон ва Валижон» синигари қўғирчоқ театрлари учун мослаб ёзилган драмаларини айтиб ўтиш лозим бўлади. Ростиин айтганда, бу пъесаларининг мавзуи, қаҳрамонлари тақдири бир-бираига айнаи ўхшаб кетади. Аммо уларининг савияси турлича. Бир хилларида муҳим мавзу ифоданинг занфлиги, тилининг ишорлиги туфайли очилмай қолган. Қаҳрамонларининг ўзларига яраша руҳий олами йўқ. Уларнинг истак ва орзулари, қувончлари ва изтироблари очилган эмас. Масалан, анча тажрибали драматург

М. Мұхамедовнинг «Тұти ва Құмри» пьесасининг марказында камбагал қыз Құмри ва жоқил Дуркунбой орасыда рүй берған мұносабатлар асос қилиб олинған. Құмри «Гүзәл бир гул, юзи нақш олма, сочлары сунбул. Қоши қоп-қора. Қириклары ўқ, дунёда ундан гүзәл йўқ. Қўзларни хумор, лаблари ғүнча, сўзлари ширип-шакар». Дуркунбой жоқил, золим, хасис, айёр. У ҳеч кимни ҳатто яқин қаршидошларни ҳам аямайди. Бой мұхаббат нима эканлигини хаёлига ҳам келтирган әмас. Құмрига хушиор бўлгани уни севгани туфайли әмас, балки қизининг ақли расолиги, гўзаллиги, хуш овозининг таърифи тавсифдан. Дуркунбой турли хил ҳийла ва найраиглар қўллаб Құмрини асира қилиб олади, лекин қизининг бой қўлидан қутулиб кетиши кичик томошабинни ишонтириши амри маҳол. Муаллиф бу ҳодисаны Тўтининг донолигига боғламоқчи бўлади. Агар шундоқ дейилмоқчи бўлиниса, унин ҳам асослаш лозим. Яна булардан ташқари таёқчиларнинг (навкарлар — П. Ш.) бойга қарши чиқиши, Дуркунбойнинг ўғай укаси Ҳуркинбой билан қилган жанжаллари, Тўтининг айрим қилиқлари пьесасининг бадиий тўқимасига сингмай қолғаи.

Қўғирчоқ театрлари учун мўлжаллаб ёзилған пьесалар орасыда Л. Бобохоновнинг машқлари алоҳида ажралиб туради. Негаки, унинг пьесаларинда болаларнинг онги, тушунчаси, дунёқарашини ҳисобга олишга шитилиш кучли. Масалан, «Хадиҷани уйғотнинг» пьесасининг қаҳрамони мақтанчоқ Хадиҷанинг саргузаштлари анча қизиқарли ҳикоя қилинған. Мақтанчоқ ва қизғанчиқ Хадиҷа тушида Африка ўрмонларига бориб қолади. У ерда занжирланған Шер ва оёғига тикон кирған Филни учратса ҳам уларнинг оҳ-воҳига мутлақо эътибор бермайди. Хадиҷа қанча кеккаймасин бари бир ўзи ҳам маймунлар қўлига асира бўлиб қолади. Воқеалар тескарисига айланасиб, бир пайтлар ўзи менсимаган ва ёрдамишини ларине тутған Шер билан Фил уши қамоқдан озод қиласади. Шу ҳодиса сабаб бўлиб, Хадиҷа характеристика

рига ёпишиб юрган салбий иллатлардан қутулиб олади. Шу муаллифнинг «Раҳим ва қўнғиз» пъесасида қаҳрамоннинг саргузаштлари тасвири орқали ахлоқ-одоб масалалари тилга олинади. Пъеса қаҳрамони Раҳим тасодифан қўнғизлар подшосини тутиб олади. Бу ҳодисадан газабга келган қўнғиз сеҳр билан боланинг бўйини кичрайтириб, пакана қилиб қўяди ва ахири уни зинданга ташлайди. Ҳадича сингари Раҳим ҳам зинданда. Кўп азоб-уқубатлар чекади. Умуман Раҳимнинг у ерда Пахта билан ташшуви, подио мулозимлари билан қилган муомалалари анча қизқарли берилган. Аммо Ҳадича билан Раҳимнинг қамоқдан озод бўлиш жараёши анча юзаки чиқиб қолган. Ёки Ҳадичанинг дарров ақлли, одобли қиз бўлиб қолиши ҳам анча чуқурроқ асосланиши зарурга ўхшайди. «Раҳим ва қўнғиз» пъесасида айтилишича, Раҳим Бедананинг сеҳрли дутопи ёрдами туфайли Пахтани озодликка чиқарди дейилган. Лекин бу ҳодиса қай тарзда, қайси йўллар орқали ҳал қилингани ўқувчига номаълум бўлиб қолган. Бу нуқсон маълум даражада қаҳрамонлар қиёфасининг хира чиқиб қолнишига олнб келган.

Шу таҳлитдаги қусурлар Т. Илҳомовнинг «Ҳарфлар жангига» пъесасига ҳам хос бўлиб қолган. Пъеса қаҳрамони Аҳмаджон Ҳадича ва Раҳимлар сингари тушкўради. Тушида а, б, в, г ҳарфлари билан хунук ёзишлар «И» ва «Ч» ҳарфлари орасида бўлаётган «жанг» манзарасини томоша қилади. А, б, в, г ҳарфлари «И» ва «Ч» ни умумал ҳарфга ўхшамайсанлар дея ҳақорат қилганила-рида дўқ, пўписалардан қўрққан «И» ва «Ч» «бизнинг шу ҳолга тушишимизга Аҳмаджон исмли бола сабабчи бўлган» деб ростини айтишади. Бир-бирини тушунган ҳарфлар азбаройи жаҳл отига минишиб, Аҳмаджондан қаттиқ ўч олмоқчи бўлишади, ҳарфлар авзойидан қўрққан бола бургутдан ёрдам сўрайди. Бургут уни деигизга ташлаб юборади. У дельфинга йўлиқади. Боланинг бағритошлиги, нокас хулқи, ялқовлигини сезган дель-

фиин уига ёрдам бериндан воз кечади. Шу пайт Аҳмаджон уйгониб кетади-да, бу воқеаларининг тушида бўла-ётганини сезиб қолади. «И» билан «Ч» ҳарфларини бундан бўён чиройли қилиб ёзиш учун ўзига ўзи сўз беради:

Дафтаримнинг багрини,  
Сизга кенг очаман.  
Офтоб қилиб меҳримни  
Нурларини сочаман.  
Дафтар бети оқ майдон  
Жаражи тойчоқ қаламим.  
Кел, қўлимда юр шодон  
Кўзи мунчоқ қаламим.

Муаллифнинг нияти холис. У Аҳмаджоннинг саргузаштлари тасвири орқали болаларни одобли, камтар, саводли бўлишга чақиради. Афсуски, ният ҳар қанча олижапоб ва холис бўлмасин, пьеса сюжети, қаҳрамонлар тақдиди оппа-осон, жўп айтиб берилади. Яна ўша эски муаммо — мавзу торлиги, бадний ифоданинг ўта жўшилиги...

Умуман одоб, ахлоқ, онла ва мактаб мавзуда пьесалар ёзилиб турибди. Лекин уларда тилга олиниётган масалалар аксарият ҳолларда катталар нуқтани-назари орқали берилади. Бу хил пьесалар кўпинча катталарининг панд-насиҳати билан бошланиб, шу тарзда тамом бўлади. Масалан, Ёқубжон Шукуровнинг «Бахт», И. Аҳмедовнинг «Кўринмас дом» пьесаларида шу хилдаги нуқсопларининг излари сезилади. Усмон Юсуповнинг «Мангу ҳаёт» пьесасида қизил изтонарларнинг олижапоб ишлари ҳикоя қилишади.

Биз юқорида тилга олган пьесалар мактабгача тарбия ва мактаб ёнидаги болалар ҳаётидан олиб ёзилган. Кўпдан бери болалар драматургиясида ўсмиirlар турмуши акс этмай келар эди. Шу маъниода Л. Маҳмудовнинг «Али-Вали», «Бургут олиб қочган бола» пьесалари бир қатор фазилатлари билан ажралиб туради.

Аввало бу пьесаларда драматург шуқтаи-назарининг аниқлиги ва чуқурлиги сезилади. Масалац, Али билан Вали шўх, шаддод ва айни бир пайтда ўта хаёлинараст, романтик болалар. Дўстлар ҳар куни бажариши лозим бўлган оддий гражданлик бурчларини унутнишиб, қаҳрамонлик қилиб барчани қойил қилмоқчи бўладилар. Улар бир жойда тиниб-тиничиб туролмайдилар. Гоҳида ёлғондакам қўл кўтариб, изза бўлишса, гоҳо деворий газета илаётгани синифдошини боилаб туширади. Икки дўст назаридан гўё синифдошларни уларни тушунишмайди.

«В а л и: Менга қара, шу битта боғчани оталиққа ол-сак, чурвақаларга бокс ўргатардик.

А ли: Бўлмайди, бу анови Соли, Озода, Дилбарларга мос иш. Қани энди, кунна-кундуз куни шаҳарининг қоқ ўртасидан битта жосус ўтиб кетаётгани бўлса, кўзини бақрайтириб, бир қўлидан сен-у, бир қўлидан мен ушлаб, тўниа-тўғри тегишли жойга олиб борсак.

В а л и: Ҳозир чегарани шундоқ қўриқлайдик, жосус тугул чумчуқ ҳам ўтолмайди.»

Бутун пьеса давомида Али билан Валининг бирни-бираидан қизиқ саргузаштлари билан танишасиз. Уларниң қилиқлари, хатти-ҳаракатларидан гоҳо ҳузур қилиб куласиз, гоҳо ачинасиз, гоҳо ҳамдард бўласиз. Нима қилиб бўлса ҳам қаҳрамонлик кўрсатишни ният қилиб олган дўстларниң ўйига келган кўмирни ташимай, по-таниш одамларга ёрдам бериши қувноқ юмор билан ҳикоя қилинган. Муаллиф кўнгина пьесаларда бўлгани сингари ўз қаҳрамонларини панд-насиҳат қилиб тарбиялашни хаёлига ҳам келтирмайди. Балки Али билан Валининг руҳий оламини бўяб бежамай, ҳаққоний тасвирлашга интилади. Ҳатто пьесанинг сўнгига ҳам дўстлар ҳаётидан юз берган ўзгаришлар ишониарли берилган. Алиниң хулқи, одоби, хатти-ҳаракатида рўй берган ўзгаришлар Вали хаёли орқали жонлантирилади.

«...А л и: (Дилбарга яқинлашиб). Дилбар!

Дилбар: Нима дейсан, Али?

Али: (сўз тополмай). Сени, сени, умуман, сен янглишиб қиз бўлиб туғилгац экансан, ўғил бола экансан!

Али югуриб уйга кириб кетди ва буқланган деворий газетани олиб чиқиб, Дилбарга узатди. Дилбар ниҳоятда мамнун, кўчага қараб юрди.

Дилбар: (ўзига-ўзи) Ҳа, Асад Саидович, тўғри айтган экансиз. «Фақат танқид билан тузалса дунёда ёмон одам қолмасди». Одамнинг юрагини билиш, сезиш керак экан, жуда тўғри, Асад Саидович!

Вали: (ҳамон ҳайрон). Тавба, Али жинни бўлиб қоити, эшитдингизми, қиз болани ўғил боласан деб ўтирибди-я?!

Китобхонлар ва томошабинилар Вали сингари Алининг гап-сўзлари, хатти-ҳаракатларидан ажабланмайди. Аксинча, унинг ҳаётида юз берган жиддий ўзгаришдан қувонадилар, Валининг ҳамон эски тушунчалар таъсиридан юрганидан куладилар. Умуман Л. Маҳмудовнинг «Али-Вали» пьесасини сўнгти йиллар болалар драматургиясииниг жиддий ютуқларидаи бири дейиш мумкин.

Сўзимизниг сўнгида айтмоқчимизки, 70- йиллар болалар драматургиясида ҳали давр талабларига жавоб берадиган баркамол пьесалар кўп яратилмаган бўлса ҳам, аммо бу соҳада ижодий изланишлар рўй берастагини пайқамаслик мумкин эмас.

## МУНДАРИЖА

Садолари тиимаган ҳали . . . . .	3
Үгит жоназми? Ҳа... лекин қаҳрамон керак . . . . .	19
Шеърнятда гражданлик руҳи . . . . .	48
Покиза туйгулар куйчиси . . . . .	67
Тарихчи ва ижодкор ишгоҳи . . . . .	73
Мавзу мұхим, ифода занғ . . . . .	125

---

**Шермуҳамедов Пирмат.**

Истеъод сеҳри. Адабий мақолалар. Т., «Ёш гвардия», 1977.

136 б. (Ўрта ва катта ёшдаги болалар учун).

**Шермуҳамедов П. Добрая сила таланта.** Критические статьи.

8Уз2

На узбекском языке

ЎРТА ВА КАТТА ЁШДАГИ БОЛАЛАР ҮЗУН

**П. Шермуҳамедов**

**ДОБРАЯ СИЛА ТАЛАНТА**

Критические статьи

*Издательство «Ёш гвардия» Ташкент — 1977*

Редактор *P. Толипов*

Рассом *Л. Жирнов*

Расмлар редактори *К. Алиев*

Техн. редактор *Г. Аҳмаджонова*

Корректор *M. Набиева*

ИБ № 181

Босмаҳонага берилди 21/IV-77 й. Босишига руҳсат этилди 29/IX-77 й. Формати 70×108<sup>1/32</sup>. Босма листи 4,25. Шартли босма листи 5,95.

Нашр листи 6,04. Тиражи 10000. Баҳоси 35 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти Тошкент, Навоий кӯчаси, 30. Шартнома 26—77. Р—09649.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат Комитетининг 2-bosmaҳонаси. Янгийўл, Самарқанд кӯчаси, 44. Зак. № 223. Қогоз № 1.